

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г.Ғ.НАЗАРОВА, И.А.АХМЕДОВ, О.Б.ХАМИДОВ, З.М.ИМИНОВ

**ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
ТАШКИЛОТЛАР**

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2011

Назарова Г.Г., Ахмедов И.А., Хамидов О.Б., Иминов З.М. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ТДИУ, 2011 й. 230-бет.

“Халқаро иқтисодий ташкилотлар” - ўқув қўлланманинг асосий мақсади халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тузилиши, мақсади ва вазифаларини ўрганган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тўғри фаолият юрита олиш кўникмаларини ҳосил қилишдир. Ушбу ўқув қўлланманинг асосий вазифалари эса халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли, уларнинг фаолият соҳаси, ривожланиш доираси ва усуллари, аъзо-давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқий меъёрлари ҳақидаги билимларни эгаллашдан иборат.

Муалифлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур қўлланма ўқитувчилар, талабалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Такризчилар:

1. Н.А.Зуфарова – ЎзР ТИАИСВ бошқарма бошлиғи муовини, иқтисод фанлари номзоди доцент;
2. Ш.Ж.Эргашходжаева – ТДИУ “Маркетинг” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор;

© Г.Г.Назарова, И.А.Ахмедов, О.Б.Хамидов, З.М.Иминов «Халқаро иқтисодий ташкилотлар» (ўқув қўлланма). Тошкент, ТДИУ, 2011й. 230-бет.

МУНДАРИЖА :

Кириш	5
1-мавзу. Халқаро ташкилотлар классификацияси ва тузилиш тартиби	9
1. Замонавий жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солиниши ва унинг аҳамияти	9
2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солиш тизимида халқаро иқтисодий ташкилотлар	17
3. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг классификацияси	18
2-мавзу. Иқтисодий алоқаларни тартибга солишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	24
1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими.	24
2. БМТ нинг бошқарув жараёни	32
3. БМТ тизимидаги ташкилотлар	33
4. Тармоқлараро иқтисодий алоқаларни тартибга солишда БМТ тизимидаги ташкилотлар	40
5. Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепцияси ва БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ютуқлари	47
3- Мавзу. Халқаро валюта-молия ташкилотлари	65
1. Жаҳон банки гуруҳи.	65
2. Халқаро валюта фонди (МВФ)	74
3. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (МБР)	75
4. Ислом тараққиёт банки (ИБР)	76
4-мавзу. Жаҳон савдосини тартибга солиш тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар	80
1. Савдо ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш механизми	80
2. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар	83

5.Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО)	85
5-мавзу. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича ҳукуматлараро ташкилотлар	95
1.Нефть маҳсулотлари бозорини тартибга солиб турувчи халқаро ташкилотлар	95
2. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича халқаро ташкилотлар (МОК, МОКК, МОС, МСОМ, МСЗ)	99
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибга солувчи ташкилотлар	102
6-мавзу. Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳудудий иқтисодий интеграцион гуруҳлари.	105
1. Жаҳон хўжалигини ҳудудий тартибга солиниши	105
2. Европа Иттифоқи (ЕС)	114
3. Европа валюта иттифоқи (ЕВС)	120
4. Европа инвестиция банки (ЕИБ) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР)	121
5. Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ)	124
6. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)	125
7. Болтиқ денгизи давлатлари кенгаши (СГБМ)	127
8. Европа фуқоролик авиацияси анжумани (ЕКГА)	128
7 – мавзу. Марказий ва Шарқий Европанинг ва шунингдек Осиё давлатларининг ҳудудий иқтисодий ташкилотлари	130
1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ).	130
2. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЭС).	133
3. Қора денгиз бўйи иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС).	134
4. Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги халқаро молиявий ташкилотлар	135

8- мавзу. Америка давлатларининг худудий иқтисодий ташкилотлари	138
1. Америка давлатлари ташкилоти (ОАГ).	138
2. Америка мамлакатлариаро инвестиция корпорацияси. (МАИК)	139
3. Лотин Америкасидаги халқаро ташкилотлар	140
4. Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар ривожланишида халқаро ташкилотлар	142
5. Америка давлатлари ривожланишида интеграцион ташкилотлар	145
6. Америка маркази иқтисодий интеграция банки (ЦАБЭИ).	148
9-мавзу. Осиё ва Тинч океани минтақасининг худудий иқтисодий ташкилотлари	150
1.Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС).	150
2.Жануби-Шарқий Осиё малакатлари ассоциацияси (АСЕАН).	151
3.Жанубий Тинч океан форуми (ЮТФ).	153
4.Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК).	154
5. Осиё ва Тинч океанининг иқтисодий ҳамкорлик ва ижтимоий ривожланиш бўйича “Коломбо режаси”.	155
6.Ишлаб чиқариш масалалари бўйича Осиё ташкилоти (АОП).	156
7.Осиё тараққиёт банки (АзБР).	156
8.ОТБнинг Тошкент анжумани: ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик	157
10-мавзу. Араб ва Африка минтақасидаги мамлакатлар ривожланишида иқтисодий ташкилотларнинг роли	160
1. Араб мамлакатларининг интеграцион бирлашмалари	160
2. Араб иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жамғармаси (АФЭСР)	162
3. Араб валюта фонди (АВФ)	164
4. Форс кўрфази давлатлари ҳамкорлик кенгаши (ССАГПЗ)	165
5. Африка бирлик ташкилотлари (ОАЕ)	166
6. Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқи (ЮДЕАК)	167

7. Африка мамлакатлари молиявий ташкилотлари (БДЕАС, БОАД, ВАБР, АфБР, АФР)	169
8. Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти ва иттифоқи (ЭКОВАС, УЭМОА)	170
9. Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти (САДК) ва Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори (КОМЕСА)	171
11-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни амалга оширувчи халқаро ҳудудий ташкилотлар	176
1. Товарларни сертефикатлаш ва стандартлаштириш тизимида халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти	176
2. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО)	178
3. Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС)	179
4. Патентлар бўйича европа ташкилоти (ЕПО)	180
5. Фуқоролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА)	181
12-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви.	184
1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти – мамлакатнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг асоси	184
2. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги иштироқи. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.	193
3. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалардаги (ИХТ, ЕТТБ, ХВФ, ОТТБ,) иштироқи	195
4. Ўзбекистоннинг ШҲТ интеграция жараёнларидаги иштироқи	202
5. Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари	219

Кириш

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон иқтисодиётида турли халқаро иқтисодий ташкилотларнинг пайдо бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу ҳолатлар замонавий халқаро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, экологик ва бошқа муаммоларни глобал даражада ҳал қилиш заруриятидан, ўзаро таъсир кўрсатиш усулларидан, шунингдек фавқулодда ҳолатларни самарали ечимини излаб топишга бўлган интилишдан келиб чиқади. Ҳозирги кунда мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг жадаллашуви жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солиш зарурияти ва аҳамиятини оширади. Шу нуқтаи назардан бакалавриятнинг “Халқаро иқтисодиёт” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун “Халқаро иқтисодий ташкилотлар” фанини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий сиёсатини тартибга солиш халқаро ва минтақавий миқёсда ҳуқуқ меъёрларига асосланиб, улар давлатларнинг иқтисодий бирлашмаларини ҳуқуқий ва жисмоний шахслар орасидаги иқтисодий муносабатларини тартибга солади. Ушбу жараёнларнинг боришида халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим рол ўйнайди. Улар жаҳон иқтисодиётида давлатлараро характерга эга бўлган институтлар, келишиб олинган мақсадлар, ваколатлар ва доимий органларга эга. Улар халқаро иқтисодий масалаларни тартибга солишда аъзо-давлатлар томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган резолюция ва кўрсатмалардан, ҳукуматлараро даражада тузилган келишувлардан, минтақавий даражадаги ноҳукумат ташкилотларнинг келишув ва шартномалардан, маслаҳат ва ҳамкорлик каби ўзаро таъсир усулларидан кенг фойдаланади.

“Халқаро иқтисодий ташкилотлар” фанининг асосий мақсади халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тузилиши, мақсади ва вазифаларини талабалар ўрганган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тўғри фаолият юрита олиш кўникмаларини уларда ҳосил қилишдир. Ушбу фанни ўқитишнинг асосий вазифалари эса халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли, уларнинг фаолият соҳаси, ривожланиш доираси ва усуллари, аъзо-давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқий меъёрлари ҳақидаги билимларни эгаллашдан иборат.

- Ҳозирги замон тез ўзгариб бораётган жамиятида мамлакат тараққиёти халқаро алоқаларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Халқаро ташкилотлар мамлакат ривожидида энг самарали воситадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида қилган маърузасида шундай деган эди: «Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз».¹ Бунинг учун очик, демократик жамият қуриш йўлига ўтишгина етарли эмас. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни такомиллаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг имкониятларини топиш ва амалга ошириш зарур. Ўзаро бир-бирини чуқурроқ ўрганиш, тажрибани умумлаштирган ҳолда муносабатларни илмий таҳлил қилиш бу масалани самарали ҳал қилишга ёрдам беради. Халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш зарурияти ҳам долзарб бўлиб, ҳолисона, илмий тадқиқотларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг бу борада амалий фаолияти республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосга қўйилмоғи лозим.

Нима учун халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳақида чуқурроқ билишимиз керак? Чунки дунё ҳамжиҳатлигига, иқтисодий ҳамкорлик ривожини таъминлашга, интеграцион жараёнларга бир томондан давлатлараро муносабатлар билан чиқилса, иккинчи томондан, айнан шу ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали эришилади.

Жаҳон ҳамжиҳатлигида бўлиш, унда муҳим ўрин эгаллаш давлат мавқеини мустаҳкамлаб, халқ фаровонлигини таъминловчи катта омил бўлиб келган.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, миллий иқтисодиётни янги давр даражасига кўтариш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва жаҳон иқтисодиёти интеграциясига жадал кириб боришда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни ва уларнинг ресурсларидан фойдаланишни тақозо этади.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун мавжуд ички ресурслардан ташқари, халқаро молиявий ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар ўз инвестицияларини ривожланаётган ва хом ашё ҳамда меҳнат ресурслари кўп бўлган мамлакатларга жойлаштириш истагини билдирмоқдалар. Бинобарин, Президентимиз И.А. Каримов ҳам 2005 йил январ ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида «Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари, ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислохотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта», эканини таъкидлаб ўтди.

Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, асосан таркибий ўзгаришларни амалга оширишни, иқтисодиётни, хом ашё етказиб бериш тизимидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологияларни жорий этишни, миллий бозорларни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш билан биргаликда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, бунинг учун эса, ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон халқаро молиявий ташкилотлар билан муносабатларни бошлагандан буён молиявий ва кредит алоқаларини тўғридан-тўғри йўлга қўйишни кенгайтиришга, асосан молиявий барқарорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнес субъектларини, турли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиши натижасида молиявий ташкилотлар ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилди.

Келажақда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини ташқи дунёсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз миллий иқтисодиёт билан жаҳон иқтисодиёти уйғунлашиб, товарлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳити халқаро миқёсга кўтарилаётган даврда яшаймиз. Мамлакатнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий муносабатларда эгаллаган ўрнига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунинг учун мамлакатимиздаги ҳар бир ишлаб чиқарувчи

субъект ўз фаолиятини дунё миқёсида рақобат қиладиган даражада ташкил қилиши керак бўлади.

1-мавзу. Халқаро ташкилотлар классификацияси ва тузилиш тартиби

9.4.1.1. Замоनावий жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солиниши ва унинг аҳамияти

10. Жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солиш тизимида халқаро иқтисодий ташкилотлар

11. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг классификацияси

1.1 Замоनावий жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солиниши ва унинг аҳамияти

XX асрнинг 50-60 йилларидан сўнг жаҳон хўжалигининг фаолияти кенгайди, халқаро иқтисодий алоқалар ривожланиб халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашиб борди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида бир-бирига боғли бўлмаган ёки бир-бири билан ҳақларо иқтисодий алоқаларни ўрнатмаган биронта ҳам мамлакат йўқ. Бугунги кунда жаҳон хўжалиги ривожланиши инсонларнинг ўзаро иқтисодий фаолияти доирасида рўй бермоқда. Иқтисодиётга оид бир қатор адабиётлар, шунингдек кундалик ҳаётимизда “Жаҳон хўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” тушунчалари кўп ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам жаҳон хўжалиги ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга бойлиги ва иқтисодий муносабатлари билан бутун бир бирикмани ҳосил қилади.

Иқтисодий адабиётларда “Жаҳон хўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” иборалари аниқ бир тушунча берилмаган. Аммо бу иборалар иқтисодий ҳаётимизга муҳим ўрин тутганлиги учун ҳам олимлар ушбу ибораларга ўзларининг бир қатор контсептсиясини берган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- жаҳон хўжалиги – ўзаро меҳнат тақсимотида асосланган иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатган миллий хўжаликлар йиғиндиси;

- жаҳон хўжалиги – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида эга бўлиб, савдо-сотик, молиявий муносабатларни ўз ичига олган капитал ресурслар ва ишчи кучидан турлича фойдаланувчи жамият;

- жаҳон хўжалиги – глобал иқтисодий тизим. Бу тизим ишлаб чиқаришни ўзида ташкил этиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий ва сиёсий чегараларини ўрнатувчи хўжалиқдир.

Жаҳон хўжалиги бутун бир тизим эканлигини жаҳон олимлари тан олади. Жаҳон иқтисодиётида ушбу сўзнинг вужудга келиши ва

ишлатилиш жараёнлари бир бутунликни ташкил этади. Ушбу бутунлик орқали жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг ташқи ва ички бозорларига чиқарилади ва товар-пул муносабатлари шаклида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиёти жуда мураккаб тизимдир. Яъни, иерархияси кўп поғонали бўлиб, тузилиши ниҳоятда нотекисдир. Иерархия – юқори поғонага эга бўлган бўлиб, жаҳон хўжалигининг барча талабларига жавоб беради. Масалан, АҚШ, Германия ва Япония давлатлари бутун бир дунё аҳолисининг 8 % аҳолисига эга бўлиб, жаҳонда сотиб олинаётган маҳсулотларнинг 1/3 қисми ушбу давлатларга тўғри келади. Шу борада айтиш лозимки, очик иқтисодиёт шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодий тарақиётнинг аниқ бир мамлакатлари иқтисодий файдаси ҳисобига фаолият юритадилар. Тизимнинг асосида халқаро доиралардаги алоҳида бир давлатларнинг миллий ишлаб чиқариши ва унинг тақсимланиши, маҳсулот айирбошлаши ва ишлатилишини ташкил этади. Ушбу фаолият чегараланган ҳолда, бутун бир жаҳон хўжалигига ўз таъсирини кўрсатади. Ишлаб чиқариш хўжаликларининг барчаси ўзларининг миллий хўжаликларидан ташқарида фаолият юритмайди.

Жаҳон иқтисодиётида тизим тушунчаси – кенг маъноли ва ҳаракатланувчи куч бўлиб, у умумий мақсадлар сари интилади. Бу тизимга кирувчи тизимлар эса махсус характерга эга бўлган сектордир. Яъни, бу кичик тизимчалар бўлиб, турли мақсадлар сари ҳаракатланади. Аммо бу тизимчалар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда иш юритиб, бир-бирига таъсир кўрсатиш характерига эга бўлади. Акс ҳолда тизим тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти тизимининг мақсади, аҳолининг сўров талабларини қондиришга қаратилган. Яъни, яратилган янги ишлаб чиқариш корхоналари ўз талабини эмас, балки аҳолининг яшаш турмуш тарзини қондиришга қаратилган бўлиши лозим. Тизим – юридик ва ноюридик шахслар томонидан давлатлараро иқтисодий алоқаларни йўлга қўювчи, халқаро нормаларда иш юритувчи, яқка тартибда фаолият кўрсатишга асосланган иқтисодий тизим ҳисобланади. Юқоридаги ушбу шарт ва нормаларни бажаришда давлат ва унинг назорат бўлимлари ёрдам беради.

Жаҳон хўжалиги – тарихий ва сиёсий категория. Ушбу категория ижтимоий-иқтисодий структура бўлиб, ҳар бир даврда ўзининг ишлаб чиқариш тарихига ва сиёсатига эгадир. Жаҳон хўжалиги мураккаб

тизимдир. Ушбу тизим алоҳида элемент ва субъектлардан иборат бўлиб, қайсики ушбу субъект ва элементлар мураккаб жараёнларнинг иштирокчиси ва уни давом эттирувчиси.

Жаҳон хўжалигининг элементлари ва ўзаро муносабатлари поғонали ривожланиб боради. Давлатлараро муносабатда ҳақларо поғонани ташкил этиб, халқаро меъёр ва қоидаларни бошқаради. Миллий чегарадан ташқарида фаолият юритувчи муносабатлар – трансмиллий поғонани ташкил этади. Бунга ўзининг ахборотига ва тизимига эга бўлган фирмалар киради. Ушбу поғона алоҳида бир автоном тизимга эга бўлиб, бошқарув назоратидан четда фаолият кўрсатади.

Жаҳон хўжалиги тизими ижтимоий-иқтисодий соҳада турлича ривожланиб боради. Ушбу соҳада юқори поғонани ривожланган мамлакатлар эгаллаган. Жаҳон хўжалиги тизими мураккаб ижтимоий-иқтисодий таълимотдир. Жаҳон хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва шунингдек ижтимоий-иқтисодий соҳада рўй бераётган жуда кучли рақобат ва қарама-қаршиликларни кўриш мумкин. Ушбу ишлаб чиқариш соҳасидаги хусусиятларнинг омилларини, яъни бирлашган гуруҳларни ўз ичига олади.

Жаҳон хўжалигида маълум бир мақсадлар сари интилувчи хўжалик фаолияти субъектлар орқали амалга оширилади. Субъектлар ишлаб чиқариш омилларини, ривожланиш жараёнларини йўлга қўяди. Жаҳон хўжалик тизимининг субъектлари керакли капиталга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил эта оладиган, халқаро хўжалик муносабатида фаолият юрита оладиган, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган доирадир. Бундай доирага ТМҚлар, миллий давлатларнинг хўжалик тизимлари, ҳудудий интеграция бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар киради.

Давлат – жаҳон хўжалик тизимининг асосий субъект ҳисобланади. Давлат сиёсий ва иқтисодий жамиятнинг органи (синф ва гуруҳларнинг) бўлиб, аҳолининг қизиқишларини қондирадиган субъектдир. Кишилик жамиятида синф ва гуруҳлардан иборат субъектлар ўз қизиқишларини давлат миқёсидаги қизиқишларга айлантиради. Ушбу иқтисодий субъектлар ўз навбатида давлат билан бирлашишига ва шунингдек ўзаро иқтисодий муносабатларни ўрнатишга олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида давлатнинг ривожланиши миллий хўжаликларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг аниқ хўжалик комплекслари асосида фаолият олиб

бориши сабабли давлат ушбу комплексларни четдаги салбий аралашувлардан ҳимоя қилади. Иқтисодиётда давлат миллий чегарадан бозорга чиқишда, капитал жамғаришида, умумхалқ алоқаларни тиклаш мақсадида ички ва ташқи алоқаларни назорат қилади, ички масхулотларни ишлаб чиқаришига ёрдам беради. У асосан, миллий даромад давлат томонидан тақсимланиши орқали амалга оширилади.

Давлат хўжалик фаолиятида фаол қатнашади. У товар, маҳсулот, хизмат кўрсатиш соҳаларига эга бўлиб, капитал жамғаришга мувофиқдир. Йилдан-йилга давлатнинг ички маҳсулотидан оладиган улуши хусусий даромад улушидан ортиб боради.

Умумдавлатнинг сарф-харажатида ҳокимият органларининг сарф-харажатлари ҳам киради. Давлат капитал-маблағ кўпайтириш ҳажмига ички ва ташқи таъсирини ҳам кўрсата олади. Ички ишлаб чиқариш маҳсулотдан олинадиган капитал-даромад 0,7-14 %ни ташкил этади. Кредит ва субсидиялар бериш шахсий секторнинг инвестициялаштиришига ўз таъсирини кўрсата олади. Саноат тармоқларининг ривожланиши давлатнинг капитал жамғармалари ва субсидияларига боғлиқдир. Бунга мисол қилиб ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва илмий-текшириш соҳаларини кўрсатиш мумкин.

Давлат йирик иш билан таъминловчи орган бўлиб, у тўғридан-тўғри тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ушбу ишбилармонлик фаолияти иқтисодий тангликнинг олдини олади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда ёрдам беради. 1970 йилда давлат ички ишлаб чиқариш маҳсулотини 20 % гача кўрсатиб миллий даромадни қайта тақсимлаб, ишлаб чиқаришни бошқарган эди.

Давлат ўз ҳокимият монополияси ёрдамида миллий стратегияни белгилайди. Жамиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, пул-кредит муносабатларини бошқаради, инфратизимни ривожлантириб, ижтимоий соҳада ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилади. Бу ишда аҳолини бошқарув гуруҳлари, умумхалқ мақсадлари сари ҳаракатланаётган аҳолининг турли гуруҳлари ёрдам беради. ТМКлар жаҳон хўжалик тизимида ва унинг хўжалик юритувчи субъектларига, фаолиятига ҳар томонлама таъсир кўрсата олади.

Жаҳон хўжалиги йирик тизим бўлиб, у турли тизим ва тизимчалардан таркиб топган. Тизимчалар ўзининг ривожланиш жиҳатлари билан биргина ўзига хос вазифаларни эмас, балки умумий

глобал тизимнинг муаммоларини ҳам ҳал этишга қодирдир. Ушбу ҳолатда ўзига хос ички ва ташқи қонуниятлар мавжуд.

Жаҳон хўжалиги тизимидан, тизимчаларнинг ажралиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради:

- ижтимоий хўжалик структурасининг характери;
- иқтисодий ривожланиш режаси;
- иқтисодий ўсишнинг тури;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси ва характери.

Жаҳон хўжалиги тизимидан тизимчалар ажралиб чиқишининг асосий сабабларидан бири – хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини хусусийлаштириш ҳисобланади. Хусусийлаштиришни амалга оширилиши жаҳон ҳамжамияти ривожланишига, шунингдек жамият муносабатлари ўзаро ўрнатилишига таъсир кўрсатади.

Мулк хусусийлаштирилиши халқаро меҳнат тақсимотининг турли шакллари, индивидларнинг меҳнат қуролларига бўлган муносабатларини белгилайди. Мулкни хусусийлаштириш жараёнларида ишлаб чиқариш воситаларининг (асбоб-ускуналар) ишчи кучи билан боланган шароитида юзага келади. Бу ҳолатда ташкилий-ҳуқуқий идораларнинг роли каттадир. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар ўзаро алоқани эмас, балки фирмалар ўртасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, уни айирбошлаш ёки ишлатишни ҳам ўз ичига олади.

Тизимчаларнинг кенг тарқалиш сабабларидан бири ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига мос келишини характерловчи иқтисодий ривожланиш даражасидир. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражаси аҳоли яшаш шароитига ва шунингдек аҳоли талабларини ижтимоий – иқтисодий қондиришига мос келиши зарур. Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш тармоқлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан ва предметларидан иборат. Индустириал давлатларда аҳоли талабларини қондирадиган, узок муддатга ишлатиш мумкин бўлган талабларини қондирадиган, узок муддатга ишлатиш мумкин бўлган товарларнинг ишлаб чиқариш даражаси юқори ўринни эгаллайди. Жаҳон иқтисодиётида тизимчаларни ўрни ва тавсифи миллий хўжаликларнинг ташқи секторидоги ролига ҳам боғлиқдир. Яъни, импорт, экспорт товарлари ва хизмат кўрсатиш тамойиллари ва капиталнинг ҳаракатига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш кучларининг жаҳон миқёсида ривожланиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви хўжалик юритиш

тармоқлари тўхтаб олишининг олдини олади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичида экспорт ва импорт моллар, ташқи савдо-сотик тузилмаси, капитал ҳаракатида халқаро ташкилотлар, замонавий техника-технологиялар, ишчи кучлари муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг очиқлиги унинг функционал ва ташкилий доираларида кўринади. Функционал доира – мамлакатни халқаро меҳнат тақсимотида жалб қилиниши ҳисобланади. Яъни миллий ишлаб чиқаришнинг ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқлигидир (экспорт ва импорт товарларнинг ялпи ички маҳсулотга таълуқлилиги). Очиқ иқтисодиёт – жаҳон хўжалиги тармоғида ўз тенденциясини, йўналишини ривожлантирувчи хўжаликлардан иборат бўлиб, бунда ташқи иқтисодий алоқалар кучаяди. Бунда иқтисодий ўсиш тез суръатларда ривожланиши ёки ривожланишдан тўхташи ҳам мумкин. Ўсиш ва тўхтаб қолиш поғонаси 25 % ялпи маҳсулотдан фойда олиш даражасида намоён бўлади.

$$\frac{X + IM}{Y} = 0,25$$

Ташқи савдо айланмасининг Ялпи ички маҳсулотга бўлган миқдор коэффиценти қуйидагига тенг:

$$E = \frac{\Delta(X + IM)}{\Delta Y}$$

E – ялпи ички маҳсулотга ташқи савдо коэффциентининг эгилувчанлиги;

(X + IM) – экспорт ва импортнинг аниқ вақтларда ўсиши;

Y – ялпи ички маҳсулотнинг худди шу вақтда ўсиши.

Иқтисодий ривожланиш даражаси ўсган сари хомашё ва энергия харажатлари камаяди ва табиий хомашё ўрнига кўпроқ сунъий хомашё маҳсулотлари ишлатилади. Миллий даромадни мамлакат аҳоли сонига мос келиши даражаси билан бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Миллий даромад аҳоли жон бошига мос келадиган мамлакатлар. Уларга Ғарбий Европа мамлакатларини (Албания, Греция, собиқ Югославиядан ташқари) ва шунингдек АҚШ, Канада, Япония, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Қувайт, БАА каби давлатларни киритиш мумкин;

2. Миллий даромади ўртача даражадаги аҳоли сонига мос келиши 750 дан 8500 долл.ни ташкил қилган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга 80 дан ортиқ давлат – Греция, Жанубий Африка

Республикаси, Лотин Америкаси мамлакатлари (Венесуела, Бразилия, Уругвай, Тринидат, Тобаго ва бошқалар), Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари киради. Ўз навбатида ушбу давлатлар икки гуруҳга (юқори ва ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи 17 та ва куйи ва ўрта даражали миллий даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи) бўлинади;

3. Паст даражали миллий даромадларга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу мамлакатлар гуруҳига 60 дан ортиқ давлатлар (Ҳиндистон, Хитой, Покистон каби давлатлар) киради.

4. Ишлаб чиқаришда иқтисодий ривожланишнинг интенсив тури сифатли маҳсулотларни кўплаб миқдорда ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бу ҳолда ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек ишчи кучини такомиллаштириш лозим. 80-90-йилларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишида интенсив ривожланиш тури кенг қўлланиб келинган (сифатли маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш орқали).

Импорт товарларига талаб коэффицентининг эгилувчанлигини тушаётган даромад орқали билиш мумкин, яъни ялпи ички маҳсулот 1 баробар ошганда импортга бўлган талаб коэффиценти шунга боғлиқ. Жойлардаги давлатлар қай даражада кўп экспорт моллари ишлаб чиқарса, ушбу давлатлар иқтисодиёти шунчалик ривожланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Иқтисодиётнинг очик фаолият юритиши давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши ва шунингдек тузилмаларни ташкил этиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Иқтисодиётнинг очик фаолият юритишига мамлакатларнинг капитал ва ресурслар ҳажми ва ички тузилма талаблари ҳам катта аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодиётида тизимчаларнинг асосий белгиларидан бири – тизимларнинг иқтисодий потенциал имкониятларга эгаллиги. Бу белгилар ишлаб чиқариш ҳажмига, аҳоли сонига, ҳудуднинг катта-кичиклигига, ер ости ресурсларининг бойлигига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Хитой, Ҳиндистон асосли равишда алоҳида бир тизимча сифатида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиётида 3 та йирик тизимча мавжуд:

- ривожланган капиталистик давлатлар;
- иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар;
- ривожланаётган давлатлар.

Ҳозирги кунда ушбу учликда саноати ривожланган капиталистик давлатлар юқори ўринлардан бирида турибди.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жаҳон иқтисодиётининг динамик ҳолати билан тавсифланади. Уларнинг асосини жаҳоннинг ялпи миллий маҳсулоти ташкил этади. Бу кўрсаткич товар ва хизмат кўрсатиш доираларининг ҳажмини (жаҳоннинг барча ҳудудларида) аниқ вақтларда кўрсатилган фаолият даражасидир.

Ялпи капитал жамғарма таркибига инвестициялар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш, шунингдек жаҳоннинг хомашё захиралари ҳам киради. Буни қуйидаги балансда яққол кўриш мумкин.

$$Y = C + I + G + X - IM$$

Бу ерда: Y – ялпи ички масулот, C – сарф-харажатлар, I - капитал жамғарма, G -давлат эҳтиёжи сарф-харажат, X -экспорт, IM - импорт маҳсулотлари кўринишида тавсифланади. Жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми, миллий хўжаликларни ишлаб чиқариш йиғиндисидан иборат.

$$Y = \sum (= C + I + G + X - IM).$$

Ялпи ички масулот даромади ҳисобга олинади. Ушбу даромад 3 босқичга (ёлланма ишчи кучига маош, хизматчиларга маош, хусусий даромадни ҳисоб-китоб қилиш) бўлинади. Буларга ҳунармандлар, шифокорлар ва бошқалар ҳам киради. Бу ерда ялпи ички маҳсулот асосий капитал жамғарма вазифасини ҳам ўтайди. Шундай қилиб, ялпи ички маҳсулот миллий даромад кўрсаткичи бўлиб, ушбу даромаддан солиқ тўловлари олиб ташланади ва соф даромад олинади. Ялпи ички даромад – ишлаб чиқариш даромади ўртасидаги фарқлар 8-11 % гача бўлиши мумкин. Миллий даромад динамикаси ялпи ички маҳсулот динамикасига тенг.


Ялпи ички маҳсулот ҳажми кундалик ва доимий нарх-навода бирон-бир йилга тегишли даражада ўлчанади. Бундай ўлчашда фарқлар бўлиши мумкин. Ялпи ички маҳсулот нархи реал ялпи маҳсулот нархига нисбатан тез кўтарилади. Яъни, бундай фарқлар ялпи маҳсулотда нарх-навони тез-тез ўзгариб туришидан келиб чиқади. Реал ялпи маҳсулот нархи иқтисодий ривожланиш кўрсаткичидир.

1.2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солиш тизимида халқаро иқтисодий ташкилотлар.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар (ХИТ) дунё аҳамиятига эга бўлган муҳим субъектлар қаторига киради.(1.2.1-расм.) Юқори ўринда Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ташкилотлари туради. Бундан ташқари, ўз фирмаларига эга бўлган Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА), Жаҳон банки (ЖБ) ёки Бутунжаҳон банки ташкилотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1944 йилда ХВФ ва ХБ мувофиқлаштирувчи валюта кўринишига айланди. Ушбу банкларнинг фаолияти баъзи бир жиҳатлари билан ўзаро боғлиқдир. Халқаро валюта фонди халқаро савдо соҳасидаги турли чекланишларни бартараф этиб молиявий ёрдам кўрсатади. 80-90- йилларда ХВФ йирик молиявий марказга айланди. Унинг фаолиятида асосий ўринни хўжалик тармоқларининг иқтисодий ривожланиши ва қайта қурилишига кредитлар беришдир. Валюта фонди ўз кредитларини асосан иқтисодий ривожланиш дастурларига ажратади. Иқтисодий ривожланишни молиявий таъминлаш фонди эса уни халқаро поғонага кўтарди, натижада Валюта фонди сифатида ривожланаётган мамлакатларга ёрдамни кўрсата бошлади. Ривожланган капиталистик давлатлар эса ХВФдан фойдаланмайдилар.

Жаҳон банки – жаҳон хўжалиги сифатида тан олиниб, йирик инвестиция сиёсати юритади. Ушбу банк XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланаётган мамлакатларга, шунингдек иқтисодий тангликка учраган давлатларга лойиҳаларнинг умумий нархидан 30 %ини ташкил этади. Жаҳон банки ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида 300 млрд. АҚШ долл.и миқдоридаги кредит ажратган. Жаҳон банкининг шоҳобчалари ҳам алоҳида вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Халқаро молиявий корпорациялар ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий сектори ривожланишига ёрдам берса, халқаро ривожлантириш ассоциациялари эса қашшоқ мамлакатларга зарурий ёрдам кўрсатади.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар



Манба: Халқаро иқтисодий интеграция: дарслик/ Г.Г. Назарова (ва бошқ.); Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.- Тошкент: Тафаккур, 2010. -264б.

1.3. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг классификацияси

Халқаро тоифадаги муаммоларни ҳал қилишда миллий дипломатиянинг кучи етарсиз ҳолга келгач, давлатлар ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилишнинг муносиб услубларини излай бошладилар.

Жаҳон уришидан сўнг халқаро иқтисодий ташкилотлар ўсиб боришини яққол кузатиш мумкин. Бу ҳолат глобал муаммоларни фақат глобал муҳитда ечиш кераклигини яна бир бор исботлади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб иқтисодий механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилиятига эга бўлса (ХИМнинг моддий асоси ҳали ҳам жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни

талаб этади. Айни пайтда шуни қайд этиб ўтиш керакки, биринчи (1914-1918 йиллар) ва иккинчи (1939-1945 йиллар) жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларни гуркираб вужудга келиш жараёни (шу даврд Халқаро меҳнат ташкилоти, ўзининг «Инкотермс» каби тижорий ҳужжатлари билан таниқли бўлган Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ташкил этилган) ва айниқса 40-йилларда иккита тўқнашувни бошидан кечирган давлатлар тарихидаги ғавқулотда ҳолатлар ва 1929-1932 йиллардаги чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқ. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдаги фаолиятининг фаоллашуви иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70 йиллардаги иқтисодий чайқалишлар билан боғлиқдир. Ва ниҳоят, 80-йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб сифатида тоталитар тизимларнинг (собик СССРни) инқирозга учраши ва янги минг йиллик остонасида инсониятнинг глобал муаммоларини кескин кучайиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Жаҳонининг кўплаб мамлакатларининг ҳукумат органлари замонавий халқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва натижада улар қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш усулларини ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида иқтисодий гуллаб-яшнаш ва жаҳон халқлари фаровонлигини таъминлаш масаласи билан шуғулланвчи минглаб халқаро ташкилотлар ҳисобга олинган.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган **қуйидаги омилларни келтиришимиз мумкин:**

1. Инсонлар ҳаётининг бир бирига боғлиқлигининг янада ўсиши;
2. Саноат революцияси ва илмий ютуқлар инсонларни бир-биридан ажратиб турган масофаларни қисқартириши ва халқаро муносабат ва ҳамкорликни кенгайтириши;
3. Савдо, валюта- молия муносабатлари, капитал бозори умуман иқтисодий ўсиш;
4. Давлатларнинг барча соҳада бир – бирларига боғлиқлигининг ўсиши;
5. Дуёдаги умумий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг зарурлигини чуқурроқ англаш.

Давлатнинг халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши унинг ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини оширади. Чунки

халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, унинг бошқа аъзо давлатлари билан ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминлайди.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар топологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан (жуғрофий қамрови кенглиги ва фаолият хусусиятлари) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, худудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда махсуслаштирилган (соҳалар бўйича) ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичида айниқса 1945 йилнинг 24 октябрида ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тасарруфидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари алоҳида ўринга эга. БМТ – иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалицияси аъзолари томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва сон жиҳатдан энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

Давлатнинг халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши унинг ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини оширади. Чунки халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, унинг бошқа аъзо давлатлари билан ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминлайди.

1.3.1-жадвал

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ташкил қилинган саналари

1919 йил	Халқаро савдо палатаси (МОТ) ²
1930 йил	Халқаро ҳисоб – китоб банки (БМР)
1945 йил	Халқаро валюта фонди (МВФ)
1947 йил	БМТ нинг Осиё ва Тинч Океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО)
1948 йил	Тариф ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)
1956 йил	Халқаро молия корпорацияси (МФК)
1958 йил	Европо инвестицион банки (ЕИБ)
1960 йил	Халқаро ривожланиш ассоциацияси (МАР)
	Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК)
1961 йил	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСР)
1963 йил	Иқтисодий ҳамкорлик халқаро банки (МБЭС)
1967 йил	Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)

² Қавс ичидаги қисқартмалар рус тилига оид

1977 йил	Қишлоқ–хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (МФСР)
1985 йил	Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЕС)
1988 йил	Инвестицияларни кафолатлаш кўптомонлама агентлиги (МАИГ)
1991 йил	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (СНГ)
1995 йил	Жаҳон савдо ташкилоти (ВТО)

1.3.2-жадвал

Тараққиёт Банклари ва Фондларнинг ташкил қилиниш саналари

1945 йил	Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки
1960 йил	Америкааро Тараққиёт Банки
	Тинч Океани Ороллари Тараққиёт Дастури
1961 йил	Араб Иқтисодий Ривожланиш Қувайт Фонди
1964 йил	Африка Тараққиёт Банки
1966 йил	Осиё Тараққиёт Банки
1970 йил	Кариб Тараққиёт Банки
1971 йил	Абу - Даби Тараққиёт Фонди
	Иқтисодий ва Ижтимоий Тараққиёт Араб Фонди
1972 йил	Африка Тараққиёт Фонди
1973 йил	Африкада Иқтисодий Тараққиёт Араб Банки
	Ғарбий Африка Тараққиёт Банки
1974 йил	Саудия Арабистони Тараққиёт Фонди
1975 йил	Марказий Африка Давлатлари Тараққиёт Банки
	Ислом Тараққиёт Банки
1976 йил	ОПЕК Халқаро Тараққиёт Фонди
	Шарқий Африка Тараққиёт Банки
1977 йил	Ташқи Тараққиёт Ироқ Фонди
1991 йил	Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки

Халқаро иқтисодий ташкилотларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

- Бирлашган миллатлар тизимида кирувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар

- Умумжаҳон миқёсда фаолият юритувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар

- Минтақавий халқаро иқтисодий ташкилотлар
- Тараққиёт банклари ва халқаро фондлар.

1.3.3-жадвал

<u>Бирлашган миллатлар ташкилотига кирувчи ташкилотлар куйидагилардан иборат:</u>
- Жаҳон банки гуруҳи
- Халқаро валюта фонди
- Жаҳон савдо ташкилоти
- Бирлашган миллатлар саноат ривожланиш ташкилоти
- Бирлашган миллатлар озиқ- овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти
- Жаҳон озиқ овқат дастури
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди
- Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти

1.3.4-жадвал

<u>Умумжаҳон миқёсида фаолият юритувчи иқтисодий ташкилотлар:</u>
- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти
- Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
- Халқаро савдо палатаси
- Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги
- Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти

1.3.5-жадвал

<u>Минтақавий ташкилотлар:</u>
- Европа иттифоқи
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
- Америка давлатлари ташкилоти
- Жанубий шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси

<u>Асосий тараққиёт банклари ва халқаро фондлар:</u>
Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки
Америкааро Тараққиёт Банки
Тинч Океани Ороллари Тараққиёт Дастури
Араб Иқтисодий Ривожланиш Қувайт Фонди
Африка Тараққиёт Банки
Осиё Тараққиёт Банки
Кариб Тараққиёт Банки
Абу - Даби Тараққиёт Фонди
Иқтисодий ва Ижтимоий Тараққиёт Араб Фонди
Африка Тараққиёт Фонди
Африкада Иқтисодий Тараққиёт Араб Банки
Ғарбий Африка Тараққиёт Банки
Саудия Арабистони Тараққиёт Фонди
Марказий Африка Давлатлари Тараққиёт Банки
Ислом Тараққиёт Банки
ОПЕК Халқаро Тараққиёт Фонди
Шарқий Африка Тараққиёт Банки
Ташқи Тараққиёт Ироқ Фонди
Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон иқтисодиётида тизим тушунчаси ?
2. Жаҳон иқтисодиёти тизимининг мақсади ?
3. Жаҳон хўжалиги таърифи ?
4. Жаҳон иқтисодиётида йирик тизимчалар ?
5. Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар ?
6. Халқаро иқтисодий ташкилотлар типологияси ?
7. Халқаро иқтисодий ташкилотларни гуруҳи ?

**2-мавзу. Иқтисодий алоқаларни тартибга солишда
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими.
2. БМТ нинг бошқарув жараёни
3. БМТ тизимидаги ташкилотлар
4. Тармоқлараро иқтисодий алоқаларни тартибга солишда БМТ тизимидаги ташкилотлар
5. Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепцияси ва БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ютуқлари

2.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими

1945 йил 24 октябрда БМТ ташкил этиш бўйича БМТ Низомини ратификация қилинди. Ратификациядан 1945 йил 26 июн Сан-Францискодаги халқаро ташкилот тузиш масаласи бўйича таъсис этувчи конферецияда Низом 51 та мамлакат (Хавфсизлик Кенгашига доимий 5 та аъзо мамлакати ҳам) томонидан тасдиқланиши кутилётган эди. БМТ штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 192та аъзо-мамлакат мавжуд (2.1-жадвал).

БМТ низомининг 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсадлари ичида, «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар ҳарактердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш» мақсади ҳам етакчи ўринда туради. БМТ иқтисодий соҳада асосан қуйидаги тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- худудий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятида ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликларни ҳам ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлари, шунингдек, 18 та махсуслаштирилган институт ва бир қатор автоном тузилмалар бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади.

Бош Ассамблея йилида бир марта сессиялар ўтказилади (сентябр, декабр), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий қўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда ҳам махсус иккинчи қўмита доирасида муҳокама қилинади.










































Замонавий халқаро алоқаларга БМТнинг таъсири аҳамиятли ва кенг. У қуйидаги асосий факторларда аниқланади:































- Халқаро ривожланиш муҳим муаммолари бўйича давлатлар орасида муҳокама учун БМТ энг мувофиқ форум ҳисобланади;
- БМТ Низоми ҳамма тан олган, давлатларнинг ўзини тутиши ва халқаро ҳуқуқий кодекси сифатида замонавий халқаро ҳуқуқнинг негизи (фундамент) ҳисобланиб,
- БМТ ўзи халқаро ҳуқуқнинг манбаси ҳисобланган бошқа ташкилотлар орасида халқаро норма яратувчанликида ўзига ҳос ўрни билан эътиборли мезанизми бўлди. Ҳаётнинг турли вазият жабҳаларида БМТ доираси ва ташаббуси билан юздан ортиқ тартибга солувчи конвенция ва шартномалар тузилган.
- Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.


































БМТнинг махсуслаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимоти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик айирбошлашнинг янгидан-янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва шунингдек инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар ва ҳ.к.лар муҳим рол ўйнамоқда.































2.1.1-жадвал




































Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар

 Австрия 14 декабр 1955 й.	 Гамбия 21.09.1965 й.	 Конго 20 сентябр 1960 й.	 Нигерия 7.11. 1960й.	 Сьерра-Леоне 27 сентябр 1961 й.	 Япония 18 .12. 1956 й.
 Азарбажон 2 март 1992 й.	 Гана 8 март 1957 й.	 Корея Халқ-Демократик Республикаси 17.09.1991й.	 Нидерландия 10 .11. 1945 й.	 Тажикистон 2 .03 1992 й.	 Ўзбекистон 2 .03. 1992 й.
 Албания 4.12.1955 й.	 Гватемала 21 ноябр 1945 й.	 Коста-Рика 2.11. 1945 й.	 Никарагуа 24 октябр 1945 й.	 Таиланд 16.12.1946 й.	 Қозағистон 2 март 1992 й.
 Ангола 1.12.1976 й.	 Гвинея 12 .12. 1958 й.	 Кот-д'Ивуар 20 .09.1960 й.	 Норвегия 27.11.1945 й.	 Тимор-Лешти 27 сентябр 2002 й.	 Қатар 21.09. 1971 й.
 Андорра 28 .07.1993 й.	 Гвинея-Бисау 17 .09.1974 й.	 Куба 24 октябр 1945 й.	 Оман 7 октябр 1971 й.	 Того 20.09.1960 й.	 Қирғизистон 2.03. 1992 й.
 Антигуа ва Барбуда 11.11.1981 й.	 Германия 18.09. 1973 й.	 Корея Республикаси 17.09. 1991 й.	 Покистон 30.09. 1947 й.	 Тонга 14.09.1999й.	 Қувейт 14.05.1963й.
 Аргентина	 Гондурас	 Лаос Халқ-	 Палау	 Тринидад ва	

24.10. 1945 й.	17 декабр 1945 й.	Демократик Республикаси 14 .12.1955 й	15 декабр 1994 й.	Тобаго 18.09. 1962 й.	
 Армения 2 март 1992 й.	 Гренада 17.09. 1974 й.	 Латвия 17 сентябр 1991 й.	 Панама 13.11.1945 й.	 Тувалу 5.09.2000 й.	
 Афғонистон 19 ноябр 1946 й.	 Греция 25 октябр 1945 й.	 Лесото 17 октябр 1966 й.	 Папуа-Янги Гвинея 10.10.1975 й.	 Тунис 12.11. 1956 й.	
 АҚШ 24.11.1945 й.	 Грузия 31 .07.1992 й.	 Либерия 2 ноябр 1945 й.	 Парагвай 24 .10.1945 й.	 Туркманистон 2 март 1992 й.	
 Багам Ороллари 18.09. 1973 й.	 Дания 24.11.1945 й.	 Ливан 24.10. 1945 й.	 Перу 31.10. 1945 й.	 Туркия 24.11.1945 й.	
 Бангладеш 17 .09. 1974 й.	 Доминикан Республикаси 24 октябр 1945 й.	 Ливия Араб Жамахирия 14 .12. 1955 й.	 Польша 24.11. 1945 й.	 Уганда 25 октябр 1962 й.	
 Барбадос 9 декабр 1966	 Доминика 18 декабр 1978	 Литва 17 .09.1991 й.	 Португалия 14 декабр 1955	 Украина 24 октябр 1945	

й.  Бахрейн 21 сентябр 1971 й.	й.  Египет 24 .10.1945 й.	 Лихтенштейн 18 сентябр 1990 й.	й.  Россия Федерацияси 24 октябр 1945 й.	й.  Уругвай 18.12. 1945й.	
 Беларус 24.10. 1945 й.	 Жанубий Африка 7.11. 1945 й.	 Люксембург 24 октябр 1945 й.	 Руанда 18.09.1962 й.	 Фиджи 13.10. 1970й.	
 Белиз 25 .09. 1981 й.	 Жазоир 8 октябр 1962 й.	• Маврикий 24 апрел 1968 й.	 Руминия 14 декабр 1955 й.	 Филиппины 24.10. 1945й.	
 Бельгия 27 декабр 1945 й.	 Жибути 20 .09.1977 й.	 Мавритания 27октябр 1961 й.	 Сальвадор 24 октябр 1945 й.	 Финляндия 14 .12. 1955 й.	
 Бенин 20 .09. 1960 й.	 Замбия 1 декабр 1964 й.	• Мадагаскар 20.09.1960й.	 Самоа 15 декабр 1976 й	 Франция 24 .10. 1945й.	
 Болгария 14.12. 1955 й.	 Зимбабве 25 август 1980 й.	 Малави 1 декабр 1964 й.	 Сан- Марино 2 март 1992 й.	 Хорватия 22 май 1992 й.	
 Боливия 14 ноябр 1945 й.	 Изроил 11 май 1949 й.	 Малайзия 17 сентябр 1957 й.	 Сан-Томе ва Принсипи 16.09. 1975 й.	 Хиндистон 30 октябр 1945 й.	

 Босния ва Герцеговина 22 май 1992 й.	 Индонезия 28 .09. 1950 й.	 Мали 28 сентябр 1960 й.	 Саудия Арабистони 24 .11. 1945 й.	 Хитой 24 октябр 1945 й.	
 Ботсвана 17 .10. 1966 й.	 Иордания 14 декабр 1955 й.	 Малдив Ороллари 21 .09. 1965 й.	 Свазиленд 24 сентябр 1968й.	 Чад 20.09.1960й.	
 Бразилия 24.10. 1945 й.	 Ироқ 2112.1945 й.	 Мальта 1.12.1964 й.	 Сейшел Ороллари 21.09.1976й.	 Черногория 28 июн 2006 й.	
 Бруней-Даруссалам 21 .09. 1984 й.	 Ирландия 14 декабр 1955 й.	 Марокко 12.11. 1956 й.	 Сенегал 28.09. 1960 й.	 Чешска Республикаси 19 .01. 1993 й.	
 Буркина-Фасо 20 сентябр 1960 й.	 Исландия 19 ноябр 1946 й.	 Марказий Африка Республикаси 20 .09. 1960 й.	 Сент-Винсент ва Гренадин 16.09.1980й.	 Чили 24.10. 1945 й.	
 Бирлашган Буюк Британия Қироллиги ва Шарқий Ирландия	 Испания 14 декабр 1955 й.	 Маршаллов Ороллари 17.09. 1991 й.	 Сент-Китс ва Невис 23.09.1983 й.	 Швейцария 10 .09 2002 й.	

24.11.1945 й					
 Бурунди 18 .09. 1962 й.	 Италия 14 декабр 1955 й.	 Мексика 7 ноябр 1945 й.	 Сент-Люсия 18.09. 1979 й.	 Швеция 19.11.1946й.	
 Бутан 21.09. 1971 й.	 Кабо-Верде 16 с.09. 1975 й.	 Микронезия 17 сентябр 1991 й.	 Сербия 1.11. 2000 й.	 Шри-Ланка 14 .12. 1955 й.	
 Бирлашган Танзания Республикаси 14 .12. 1961 й.	 Камбоджа 14 декабр 1955 й.	 Мозамбик 16 сентябр 1975 й.	 Сингапур 21 сентябр 1965 й.	 Эквадор 21 .12.1945 й.	
 Бирлашган Араб Амирлиги 9.12.1971 й.	 Камерун 20.09. 1960 й.	 Монако 28 май 1993 й.	 Сирия Араб Республикаси 24 октябр 1945 й.	 Экваториал Гвинея 12.11.1968й	
 Вануату 15.09.1981 й.	 Канада 9 ноябр 1945 й.	 Монголия 27 .10. 1961 й.	 Словакия 19.01. 1993 й.	 Эритрея 28.05.1993й.	
 Венгрия 14 .12. 1955 й.	 Кения 16 декабр 1963 й.	 Мьянма 19апрел 1948й.	 Словения 22 май 1992 й.	 Эрон 24 октябр 1945 й.	
 Венесуэла 15 ноябр 1945 й.	 Кипр 20.09.1960й.	 Молдова Республикаси 2 март 1992 й.	 Собиқ югославия Республикаси Македония 8 апрел 1993 й	 Эстония 17 .09.1991 й.	

 Вьетнам 20.09.1977 й.	 Кирибати 14.09.1999 й.	9. Намибия 23.04.1990 й.	 Соломон Ороллари 19.09.1978й.	 Эфиопия 13 .11. 1945 й.	
 Габон 20.09.1960й	 Колумбия 5 ноябр 1945 й.	 Науру 14.09.1999й.	 Сомали 20.09.1960 й.	 Яман 30 .09.1947 й.	
 Гаити 24 .10. 1945 й.	 Конго Демакратик Республикаси 20.09.1960 й.	 Непал 14.12.1955 й.	 Судан 12.11.1956 й.	 Янги Зеландия 24.11. 1945 й.	
 Гайана 20.09.1966 й.	 Комор Ороллари 12 .11. 1975 й.	 Нигер 20.09.1960 й.	 Суринам 4.12.1975 й.	 Ямайка 18.09.1962й.	

2.2. БМТ нинг бошқарув жараёни

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) 1945 йилнинг 24 октябрида Антигитлер коалицияси аъзолари (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия) томонидан ташкил этилган энг обрўли ва энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

БМТнинг штаб квартираси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо-давлатлар бор. Бирлашган миллатлар ташкилоти - ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот.

БМТнинг мақсадлари:

- 1) Очлик ва қашшоқликни бартараф этиш;
- 2) Умуминсоний бошланғич таълимни таъминлаш;
- 3) Аёллар ва эркаклар ҳуқуқини тенглаштиришни рағбатлантириш ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш;
- 4) Болалар ўлимини қисқартириш;
- 5) Оналикни ҳимоя қилишни яхшилаш;
- 6) ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш;
- 7) Экология муҳофазасини таъминлаш;
- 8) Глобал ҳамкорликни тараққиёт мақсадидада ташкил этиш.

БМТнинг тузилиши:

1. Бош Ассамблея (ГА).
2. Хавфсизлик Кенгаши.
3. Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС).
4. Васийлик бўйича Кенгаш.
5. Халқаро Суд.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар, Бош Котиб, Котибият.

БМТнинг иқтисодий ташкилотлари тизимида учинчи бўғин сифатида секретариат ҳам фаолият кўрсатади. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент ва бошқалар) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида фаолият кўрсатади.

Мақсади :

- Келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва жамоавий таъсирли чораларни қабул қилиш йўли билан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш

- Халқларни ўз-ўзлигини англаш ва тенглик принципларини хурмат қилиш асосида миллатлар орасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш

- Халқаро иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар муаммоларни барча инсонларга ҳеч қандай фарқсиз хал этиш ва инсон ҳуқуқларига хурматни рағбатлантиришни халқаро ҳақорлик орқали таъминлаш

- Юқоридаги барча мақсадларга эришиш бўйича БМТни миллатлар ҳамкорлиги марказига айлантириш.

Принциплари :

- Барча аъзоларни суверен тенглиги

- Низом мажбуриятлари бўйича ўзига олинган мажбуриятларин виждонан бажариш.

2.3. БМТ тизимидаги ташкилотлар

БМТ нинг Европа иқтисодий комиссияси 1947 йил БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан ташкил қилинган. 1951 йилда Европа иқтисодий комиссияси БМТнинг доимий органи мақомини олди.

2.3.1-жадвал

Ташкилотга аъзо 56 та мамлакат			
Аъзо давлатлар	Қабул қилинган йили	Аъзо давлатлар	Қабул қилинган йили
 Австрия	01955-12-14 14 декабрь 1955	 Македония Республикаси	01993-04-08 8 апрель 1993
 Азербайджан	01993-07-30 30 июль 1993	*  Мальта	01964-12-01 1 декабрь 1964
 Албания	01955-12-14 14 декабрь 1955	 Молдавия	01992-03-02 2 март 1992
 Андорра	01993-07-28 28 июль 1993	 Монако	01993-05-27 27 май 1993
 Армения	01993-07-30	 Нидерланды	01947-03-28

	30 июля 1993		28 марта 1947
 Белоруссия	01947-03-28 28 марта 1947	 Норвегия	01947-03-28 28 марта 1947
 Бельгия	01947-03-28 28 марта 1947	 Польша	01947-03-28 28 марта 1947
 Болгария	01955-12-14 14 декабря 1955	 Португалия	01955-12-14 14 декабря 1955
 Босния ва Герцеговина	01992-05-22 22 мая 1992	 Россия	01947-03-28 28 марта 1947
 Буюк Британия	01947-03-28 28 марта 1947	 Руминия	01955-12-14 14 декабря 1955
 Венгрия	01955-12-14 14 декабря 1955	 Сан-Марино	01993-07-30 30 июля 1993
 Германия	01973-09-18 18 сентября 1973	 Сербия	02000-11-01 1 ноября 2000
 Греция	01947-03-28 28 марта 1947	 Словакия	01947-03-28 28 марта 1947
 Грузия	01993-07-30 30 июля 1993	 Словения	01992-05-22 22 мая 1992
 Дания	01947-03-28 28 марта 1947	 АҚШ	01947-03-28 28 марта 1947
 Израиль	01991-07-26 26 июля 1991	 Тожикистон	01994-12-12 12 декабря 1994
 Ирландия	01955-12-14 14 декабря 1955	 Туркменистон	01993-07-30 30 июля 1993
 Исландия	01947-03-28	 Туркия	01947-03-28

	28 марта 1947		28 марта 1947
 Испания	01955-12-14 14 декабря 1955	 Ўзбекистон	01993-07-30 30 июля 1993
 Италия	01955-12-14 14 декабря 1955	 Украина	01947-03-28 28 марта 1947
 Қозоғистан	01994-01-31 31 января 1994	 Финляндия	01955-12-14 14 декабря 1955
 Канада	01973-08-09 9 августа 1973	 Франция	01947-03-28 28 марта 1947
 Кипр	01960-09-20 20 сентября 1960	 Хорватия	01992-05-22 22 мая 1992
 Қирғизистон	01993-07-30 30 июля 1993	 Черногория	02006-06-28 28 июня 2006
 Латвия	01991-09-17 17 сентября 1991	 Чехия	01947-03-28 28 марта 1947
 Литва	01991-09-17 17 сентября 1991	 Швейцария	01972-03-24 24 марта 1972
 Лихтенштейн	01990-09-18 18 сентября 1990	 Швеция	01947-03-28 28 марта 1947
 Люксембург	01947-03-28 28 марта 1947	 Эстония	01991-09-17 17 сентября 1991

Мақсадлари:

Аъзо мамлакатлар ва аъзо мамлакатлар бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш;

- Барқарор ривожланишни таъминлаш сиёсатини ўтказиш;
- Ҳукуматлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- Статистик, техник ва иқтисодий маълумотларни йиғиш, баҳолаш ва тарқатиш.

Муҳим соҳалар:




- атроф-муҳит;
- транспорт;
- статистика;
- савдо шароитини яхшилаш;
- иқтисодий таҳлил.
















Тузилиши:





















1. Комиссиялар, ёрдамчи органлар.
2. Котибият.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) 1946 йилда ташкил топди. Жаҳоннинг 54та мамлакати ушбу кенгашнинг аъзоси бўлиб, уларнинг 1/3 қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ, Франция давлатларидан ташқари) 3 йил муддатга сайланади.

2.3.2 –жадвал

№	Давлат	Регионал гуруҳи	№	Давлат	Регионал гуруҳи
1	 Индонезия	Осиё	28	 Польша	Шарқий Европа
2	 Ирок	Осиё	29	 Россия	Шарқий Европа
3	 Қозоғистон	Осиё	30	 Румыния	Шарқий Европа
4	 КХР	Осиё	31	 Чехия	Шарқий Европа
5	 Малайзия	Осиё	32	 Австрия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
6	 Пакистон	Осиё	33	 Германия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
7	 Корея	Осиё	34	 Исландия	Ғарбий Европа

	Республикаси				ва бошқа давлатлар
8	- Саудия Арабистони	Осиё	35	 Испания	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
9	 Филиппин	Осиё	36	 Канада	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
10	 Шри-Ланка	Осиё	37	 Люксембург	Западная Европа и другие государства
11	• Япония	Осиё	38	 Нидерландия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
12	• Қоҳира	Африка	39	 Янги Зеландия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
13	- Ангола	Африка	40	 Буюк Британия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
14	 Бенин	Африка	41	- АҚШ	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
15	 Гвинея-Бисау	Африка	42	 Туркия	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
16	 Кабо-Верде	Африка	43	 Франция	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар
17	 Камерун	Африка	44	 Швеция	Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар

18	 Конго Республикаси	Африка	45	 Барбадос	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
19	 Мавритания	Африка	46	 Боливия	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
20	 Мадагаскар	Африка	47	 Бразилия	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
21	 Малави	Африка	48	 Гаити	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
22	 Мозамбик	Африка	49	 Гайана	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
23	 Нигер	Африка	50	 Куба	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
24	 Сомали	Африка	51	 Парагвай	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
25	 Судан	Африка	52	 Сальвадор	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
26	 Белоруссия	Шаркий Европа	53	 Сент-Люсия	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн
27	 Молдавия	Шаркий Европа	54	 Уругвай	Лотин Америкаси ва Кариб бассейн


Ушбу давлатлар БМТнинг уруш ва тинчлик масалари билан шуғулланувчи Хавфсизлик Кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига ҳам киради

Кенгаш одатда бир йилда икки марта ўзининг сессиясини ўтказиб туради. ЭКОСОС ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар масалалари бўйича, шунингдек халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ бўлган барча қарор ва тавсияларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб туради. Ҳозирги кунда ЭКОСОС таркибида 18 та махсуслашган муассаса, жаҳон озиқ-овқат дастури, ЮНКТАД ва ЖСТнинг халқаро савдо маркази ҳам фаолият кўрсатади.

БМТ иқтисодий соҳада асосан тўрт йўналиш бўйича (глобал муаммоларни ҳал этиш, давлатларни иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларини олдини олиш минтақавий ва шунингдек, ҳудудий ривожланишларни кўллаб-қуватлаш) фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жаҳон хўжалигининг амалий ҳаётида ушбу йўналишларни ҳар бири халқаро ташкилотларнинг молиявий, ахборот ва техник-технологик маслаҳат соҳасидаги ҳамкорларини ўз ичига олади. БМТнинг бош тузилмаси Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда секретарият ҳисобланади. (5.1 схематик расм) БМТнинг БАси йилда бир марта (сентябр, декабр ойларида) ўзининг сессиясини ўтказиб туради. Ушбу сессияларда раис, унинг ўринбосарлари ва кўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган асосий масалалар БМТнинг умумий мажлисларида ва шунингдек махсус иккинчи кўмита доирасида ҳам муҳокама қилинади.

2.3.3- жадвал



2.4. Тармоқлараро иқтисодий алоқаларни тартибга солишда БМТ тизимидаги ташкилотлар

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР)

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) Францияда жойлашган бўлиб, ОЭСР тузиш тўғрисидаги Конвенцияга мос равишда 1960 йилда ташкил топган ва 1961 йилдан бошлаб кучга кирган. У 1948 йилда “Маршал режаси” бўйича иккинчи жаҳон уришидан кейин Европани тикланиши ва иқтисодий мувофиқлаштиришда АҚШ ёрдамидан оптимал фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг давомчиси (вориси) бўлди.

Унинг мақсадлари :

- Жаҳон иқтисодиётини ривожланишига энг юқори барқарор иқтисодий ўсиш, молиявий барқарорликни сақлаган ҳолда аъзо

давлатлар хаёти ва аҳоли бандлигини ўсиш даражасига эришиш орқали ҳиссини кўшиш ;

- Халқаро мажбуриятларга мос равишда кўптомонлама камситмаслик асосида жаҳон савдосини кенгайтиришга кўмаклашиш;

- Ташкилотга аъзо ва аъзо бўлмаган давлатларда барқарор иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш.

Асосий йўналиши:

- иқтисодий ресурсларни самарали фойдаланишга кўмаклашиш;
- техника ва фан соҳасида профессионал тайёргарлик ва тадқиқотларни рағбатлантириш;




















- иқтисодий ўсишни таъминловчи сиёсат ўтказиш, шунингдек ички ва ташқи молиявий барқарорликка эришиш;

- капитал ҳаракатини либераллаштириш, товар алмашинуви, ҳизмат кўрсатиш ҳамда жорий тўловлар йўлидаги тўсиқларни камайтириш ёки олиб ташлаш;

- ривожланаётган мамлакатлар ривожланишига кўмаклашиш.

2.4.1-жадвал

Аъзо давлатлари:

<ul style="list-style-type: none">-  Австралия (7 июня 1971)-  Австрия-  Бельгия-  Буюк Британия-  Венгрия (7 мая 1996)-  Германия-  Греция-  Дания-  Израиль (7 сентября 2010)^[1]-  Ирландия-  Исландия-  Испания-  Италия-  Канада-  Люксембург-  Мексика (18 мая 1994)-  Нидерланд	<ul style="list-style-type: none">➤  Янги Зеландия (29 мая 1973)➤  Норвегия➤  Польша (22 ноября 1996)➤  Португалия➤  Словакия (14 декабря 2000)➤  Словения (21 Июль 2010)^[1]➤  АҚШ➤  Туркия➤  Финляндия (28 января 1969)➤  Франция➤  Чехия (21 декабря 1995)➤  Чили (7 мая 2010)^[2]➤  Швейцария➤  Швеция➤  Эстония (3 июня 2010)^[3]➤  Жанубий Корея (12 декабря 1996)
---	---

Тузилиши:

1. Кенгаш.
2. Ижрой кўмита. Алоҳида тартибдаги ижрой кўмита.
3. Кўмиталар, ишчи гуруҳлар, экспорт комиссияси, Ривожланишга ёрдамлашувчи кўмита (КСР).
4. Котибият.
5. Ўтиш иқтисодиётидаги европа мамлакатлари билан ҳақорлик маркази.

Ҳар бир аъзо мамлакатнинг биттадан вакилини ўз таркибига олган Кенгаш, ИХТТнинг олий органи ҳисобланади. Одатда у бир йилда бир мартта доимгидек, май ойида, бир йил мудатга шу лавозимга сайланган бирон аъзо мамлакат вакили раислиги остида вазирлар (ташқи ишлар, молия, иқтисодиёт) даражасида мажлис ўтказиши. 1965 йилда БМТнинг кенгайтирилган «Техник ёрдам кўрсатиш дастури» ва «маҳсус фонднинг» бирлашиши натижасида ташкил қилинган.

БМТнинг ривожланиш дастури (ПРООН)

Бу дастур ўзида БМТнинг тизимида энг йирик ташкилот ҳисобланиб барча соҳаларга иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатишни молиялаштиради

БМТнинг ривожланиш дастурининг мақсадлари:

-Ривожланаётган мамлакатларнинг миллий ривожланиш дастури билан боғлиқ ҳолда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни тезлаштириш йўлида ёрдам беради.

-Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисини иқтисодий ва ижтимоий турмуш даражасини юқори даражага етказиш.

БМТнинг ривожланиш дастурининг фаолияти:

-Косультатив ва эксперт хизматларини кўрсатиш, ташкилотларга семинарлар ўтказиш ва миллий мутахассисларни чэт элда ўқитиш;

-Миллий бошқарув кадрларини тайёрлаш, мамлакатни иқтисодиётини бошқариш соҳасида айниқса хусусий секторни ўтиш давридаги мамлакатларда ривожлантириш;

-БМТ мамлакатларда резидент координаторларнинг фаолиятини самарадорлигини ошириш ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни тиклаш;

Дастурнинг бошқарув органи бўлиб - ижро этувчи бирлашма (Executive Board) ҳисобланади. У 36 та мамлакатнинг вакилларида ташкил топиб, иқтисодий ва ижтимоий йиғиннинг сессиясида уч йил муддатга сайланади. ИБнинг қарори консенсус асосида қабул қилинади. бир йил ичида йиллик ва доимий уч та сессия ўтказилади. Унда БМТнинг ривожланиш дастурининг маъмурияти ҳисоботи ва ташкилотнинг бюджет ҳақидаги саволлар кўриб чиқилади.

Юқори жавобгар шахс маъмурият бўлиб, у БМТ нинг бош котиби томонидан тўрт йил муддатга тайинланади. Ҳозирги кунда дастурнинг фаолиятида 150 дан ортиқ давлат бўлиб, унда 6500 дан ортиқ дастур мавжуд.

БМТ нинг саноатни ривожлантириш бўйича ташкилоти (ЮНИДО)

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича кўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказди. Хорижий инвестицияларнинг кўпайиб боришига, ривожланган мамлакатларга технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг махсуслаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимооти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик

айирбошлашнинг янгидан-янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва шунингдек инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар ва ҳ.к.лар муҳим рол ўйнамоқда.

Бутун жаҳон туризм ташкилоти.

Халқаро туризм ташкилоти, халқаро туризм бўйича БМТ маҳсус муассасаси ҳисобланади. 1925 йилда Гаага шаҳрида туристлар расмий ассоциацияси халқаро Конгреси сифатида ташкил қилинган. Иккинчи жаҳон уришидан кейин эса 109 та миллий туристик ташкилотлар ва 88 та ассоциациялашган аъзоларига эга туристлар расмий ташкилоти халқаро кенгашига номини ўзгартирди.

1967 йилда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладиган ҳукуматлар аро органга ўзгарган. 1974 йилда Халқаро иттифоқ туризм бўйича Бутун жаҳон ташкилотига айлантирилди. Биринчи бош ассамблея 1975 йилда Мадрид шаҳрида бўлиб ўтди. 2003 йилда Бутун жаҳон туризм ташкилоти БМТнинг маҳсус муассасаси мақомини олди.

2006 йилда Бутун жаҳон туризм ташкилоти таркибига хусусий соҳани ифодаловчи корхона, ўқув муассасалари, туристик ассоциациялари ва маҳаллий туристик маъмуриятларни ифодаловчи 150 та мамлакат, 7 та майдон ва 300 тага яқин ассоциациялашган аъзолар кирган.

Тузилиши:

1. Бош ассамблея.
2. Бажарувчи кенгаш.
3. Ҳудудий комиссиялар.
4. Қўмиталар.
5. Котибият.

Ташкилотга аъзолар 3 категорияга бўлинади :

1. амалдаги (тўла ҳуқуқли) аъзолар;
2. ассоциациялашган аъзолар;
3. қўшилган аъзолар.

Фаолияти:

1. Ривожлантириш ва ҳамкорлик доирасида: ҳукуматларга туризм бўйича барча саволлар бўйича ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

2. Кадрлар тайёрлаш ва шакллантириш: инструктор ва ўқитувчилар учун малака ошириш курслари, қисқа муддатли сиртқи

курслар, ташкилот кадрларини тайёрлаш ва шакллантириш бўйича марказлар тизимини кенгайтириш;

3. Атроф муҳит ва режалаштириш: туризмни барқарор экологик ривож, экологик муаммоларни амалий ҳал қилиш, семинар ва форумларда иштирок этиш;

4. Туризм соҳасида хизматларни сифати: ўзаро боғлиқ бўлган комплекс муаммолар (туризм соҳасига тегишли бўлган хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасини либераллаштириш)ни ҳал этишга кўмаклашиш;

5. Бозорни ўрганиш ва статистика: марказ сифатида БТТ туризм бўйича 180 дан ортиқ мамлакатлардан тенденцияларни мониторинг ва таҳлилий маълумотлар йиғиш, тарқатиш ва таҳлил қилиш.

Атом энергияси бўйича халаро ташкилот (МАГАТЭ)

МАГАТЭ агентлиги Вена шаҳрида жойлашган. Агентлик низоми 1956 йилда БМТ нинг халқаро конференциясида тасдиқлаган ва агентлик 1957-йилан бошлаб иш юритишни бошлади. МАГАТЭ БМТ нинг тизимига кирувчи ҳукуматлар аро мустақил ташкилот ҳисобланади.

Агентликнинг мақсадлари:

а) Атом энергиясини тезроқ ва кенгроқ қамраб олиб, ишлатиб, бутун дунёда тинчлик, саломатлик ва фаровонликка эришиш;

б) Ёрдам беришни харбий мақсадларда ишлатилмаслигини таъминлаш

Агентликнинг ваколатлари:

а) Агентликда мавжуд бўлган маҳсус материаллар, хизматлар ва асбоб ускуналарнинг харбий мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймасликни таъминлаб бериш;

б) Агентликнинг бир аъзоси томонидан иккинчисига хизмат кўрсатиш материалларини, асбоб ускуналарни ва техник воситаларни тақдим этиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш мақсадида воситачи сифатида хизмат кўрсатиш.

с) Атом энергиясини ривожлантириш ва уни тинчлик мақсадларида амалий фойдаланишга шунингдек бу соҳаларда тадқиқотларни ўтказиш жараёнларини қўллаб қувватлаш;

д) Ядро энергетикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадида материаллар асбоб-ускуналар хизматлар ва техник воситаларни тақдим этиш;

е) Илмий ва техник ахборотлар алмашинувини қўллаб қувватлаш;

ф) Мутахассисларни таёргарлиги ва илмий ходимлар алмашинувини рағбатлантириш;

Бошқарув принциплари:

а) БМТ нинг принципларига ва мақсадларига мос равишда ўз фаолиятларини амалга ошириш;

б) БМТ нинг бош ассамблеяси маърузаларини маълум шароитларда хавфсизлик (хизматига) иқтисодий ижтимоий кенгашга тақдим этиш.

Агентликнинг тузилиши:

а) Бош конференция

б) Бошқарувчилар кенгаши

с) Секретариат

Агентликка 123 та давлат аъзо шу жумладан Ўзбекистон ҳам

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилот (ФАО)

ФАО Италияда жойлашган бўлиб унга 1945-йил 16-октабрда асос солинган. 1979-йилдан бошлаб бу кун бутун дунё озиқ-овқат кунига деб қабул қилинади. ФАО БМТ тизимининг махсус муассасаси ҳисобланади. Унга 192 давлат аъзо.

ФАО нинг мақсади:

а) Очликни бартараф этиш

б) Ҳаёт тарзини ва озиқ-овқат етишмовчилигини йўқ қилиш ва ҳаёт тарзини яхшилаш

с) Ишлаб чиқаришни қайта ишлашни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўрмончилик, балиқчилик маҳсулотларини яхшилаш

д) Қишлоқ аҳли ҳаётини ва қишлоқ хўжалиги ривожланишига кўмаклашиш

ФАО нинг асосий вазифалари:

а) Қишлоқ хўжалиги ташкилотларини унга ёрдам берувчи дастурларни ташкиллаштириш ва унга ёрдам бериш

б) Ахборотларни йиғиш ва тарқатиш

с) Қишлоқ хўжалиги бўйича давлатларнинг сиёстига консултациялар бериш

д) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича муаммоларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишга ёрдам бериш ва ташкиллаштириш

Бу ташкилотга 192 та мамлакат аъзо

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (МФСР)

МФСР Италияда жойлашган бўлиб 1977-йилда БМТ нинг халқаро озиқ-овқат конференциясида қабул қилиниб иш бошлади. 1978-йилдан бошлаб фонд кредитлар ажратишни бошлади. МФСР ҳам БМТ нинг тизимидаги махсуслаштирилган муассаса ҳисобланади.

МФСР нинг мақсадлари:

а) Ривожланаётган мамлакатларнинг камбағал қатламига ёрдам бериш

б) Фондга аъзо бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг ишлolarига кўшимча ресурслар билан ёрдам бериш.

Бу фондга 158 та давлат аъзо. Бу давлатлар 3 тоифага бўлинади ва бир ҳил овоз бериш ҳуқуқига эга. Биринчи ва иккинчи категорияга кирувчи давлатлар бош Донор давлатлар ҳисобланади. Биринчи категорияга 22 та ривожланган давлатлар киради. Иккинчи категорияга 12 та ривожланаётган давлатлар яъни нефт экспорт қилувчи давлатлар киради. Учинчи категорияга 124 та ривожланаётган давлатлар киради

2.5. Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепцияси ва БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ютуқлари

БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларига эътибори кучайиб бормоқда. Ташкилотнинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз³.

Жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичи глобаллашув жараёнларининг кучайиши билан характерланади. Глобаллашув даври янги технологиялар соҳасида, жаҳон миқёсидаги савдо ва сармоя ҳаракатини ривожлантиришда катта ижобий ўзгаришларни амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратади. Бугун инсоният кечаги кундан кўра фаровонроқ, соғломроқ ва билимлироқ бўлиш умиди билан яшамоқда. Бутун дунёда умумий

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқидан. Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, №184 (5099)

бошланғич таълим, чақалоқлар ва болалар ўилимини камайтириш борасидаги муаммолар муваффақият билан ҳал этилмоқда. Инсонларнинг умри узаймоқда.

Шу билан бирга, глобаллашувнинг ижобий томонлари ва афзалликлари барча мамлакатлар ва минтақаларда бир хил кузатилмайди. Ер юзида қашшоқ ва бой мамлакатлар ўртасидаги тафовут билан боғлиқ муаммолардан ташқари ОИВ/ОИТС, сил, парранда гриппи каби хавфли касалликлар, глобал экологик муаммолар инсон тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳам глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда инсон тараққиёти борасида эришилган айрим ютуқларни шубҳа остига қўйиб, уларни орқага суриб юборди.

Инсониятни тараққий эттиришдан кўзланган асосий мақсад эса инсонларнинг яхши даромад орттириб, имкон қадар узоқ ва соғлом умр кечириши ҳамда бунёдкорлик билан машғул бўлиши учун имкон яратадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик муҳитни яратишдан иборат.

Инсон ривожланиши концепциясининг бошланишини инсоният тарихининг бошланғич даврлари, кўплаб маданий ва диний манбалардан топиш мумкин. Нафақат қадимдаги муаррихлар, балки файласуфлар ҳам (Демократ, Платон, Арасту, Лукреций ва бошқалар) ижтимоий ривожланиш моҳиятини англашга ҳаракат қилган. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Дидро ана шундай файласуфлар сирасидан. У инсонни Ер юзида энг қадрли, маданият соҳасидаги ютуқларнинг ягона бунёдкори, ақл соҳиби, ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси деб ҳисоблаган. Ривожланиш тимсоли тенглик ва ижтимоий одиллик билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ривожланиши концепциясининг асосий жиҳатларидан саналган ушбу дастлабки қоидани Шарқнинг буюк мутафаккир ва файласуфлари ҳам ўз асарларида қайд этган. Буюк Абу Али Ибн Сино таъкидлаганидек, «инсон айнан бошқаларнинг эҳтиёжини қондириши туфайли инсонлигини намоён этади ва бошқалар ҳам шу тариқа ҳаракат қилади. Кимдир экин экади, кимдир нон ёпади, яна кимдир тикиш қилса, бошқаси игна ясайди ва шу йўсинда ҳамма бир-бирининг эҳтиёжини қондиради»⁴. Навоийнинг фикрича, инсон — ерда

⁴ Ибн-Сино. Шифо.

яратилган энг азиз ва мукаррам зот. Айнан инсон ва унинг манфаатлари аҳамиятлилик, зарурлик ва кадр-қимматнинг асосий мезонидир. Ер юзида ҳамма нарса инсон учун яратилган. «Ер юзида яратилган барча нарсалар, қуёш, еру-осмон, тоғлар, текисликлар, денгиз ва дарёлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, гуллар, қушлар, ҳаво, олов, йил фасллари, яъни табиат гўзалликлари, унинг битмас-туганмас бойликлари инсонга хизмат қилиш учун мўлжалланган»⁵. Берунийнинг таъкидлашича, мамлакат фаровонлиги ундаги илм-фаннинг аҳволи, тараққий этишига ҳам боғлиқ. Унинг фикрича, инсоннинг энг катта бахти билимга эгалигидир, чунки унга ақл берилган. Бахтни ана шундай тушунишгина жамиятда тинчлик ва хотиржамликка олиб келади. «Инсон ҳақиқий роҳат-фароғатга етгани сари унга етишга бўлган интилиши кучайиб боргандагина ўша фароғатни чин дилдан ҳис қилади. Инсон руҳи ўзи билмаган нарсани англаганида ҳам ана шундай ҳолат рўй беради», инсоннинг энг олий бурчи эса бошқалар, айниқса, камбағалларга ғамхўрлик қилишидир⁶.

Инсон ривожланиши концепциясининг замонавий тушунчасига иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Амартьи Сеннинг «Ривожланиш имкониятларни кенгайтириш демакдир» деб номланган асарида чоп этилган назарий ишланмалари катта таъсир кўрсатди. Бу асарда у ривожланиш жараёнини фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ошиши сифатида эмас, балки инсон имкониятларини кенгайтириш жараёни сифатида кўриб чиқди. А. Сен мазкур жараённи кўплаб вариантлар орасидан энг мақбулини танлаб олиш учун инсон эркинлигини кенгайтириш билан боғлади. А. Сен концепцияси асосида ривожланишга инсонга эътибор қаратилган жараён сифатида таъриф берилди. Натижада Ушбу ғоялар БМТ Ривожланиш дастури экспертлари гуруҳи томонидан бирлаштирилиб, илк бор 1990 йилдаги Инсон ривожланиши тўғрисидаги маърузада тақдим этилди.

Инсон ривожланиши концепциясининг асосий қондаси одамлар нафақат иқтисодий ривожланиш воситаси, балки унинг асосий мақсади ҳисобланишини тақозо этади. «Инсон ривожланиши — одамлар ўз салоҳиятини тўлиқ ривожлантириб, ўз эҳтиёж ва манфаатларига мувофиқ сермахсул ижодий ҳаёт кечири оладиган атроф-муҳитни яратишдир. Танлаш имкониятини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиш жуда муҳим ҳисобланади. Инсон

⁵ В. Ю. Зоҳидовнинг «Алишер Навоий ғоялари ва образлари олами» китобидан, Тошкент, 1961.

⁶ Беруний. Минерология

ривожланишининг энг асосий шарти узоқ ва соғлом турмуш кечириш, яхши хабардор бўлиш, муносиб ҳаёт кечириш учун зарур маблаққа эга бўлиш, жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятидан иборатдир»⁷.

Инсон ривожланиши концепцияси иқтисодий ривожланишнинг анъанавий назариясига зид эмас. Бироқ у иқтисодий ривожланишни нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, балки инсон ривожланишига ҳам қаратган ҳолда уларнинг чекланганлиги ва ижтимоий муносабатлардан муайян даражада узилиб қолишининг олдини олади. Иқтисодий ўсиш ва инсон ривожланиши мактаблари ўртасидаги тафовут шундан иборатки, иқтисодий ўсиш ўз эътиборини фақат бир нарса, яъни даромад олишни кенгайтиришга қаратса, инсон ривожланиши инсон танловини — у хоҳ иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки сиёсий танлов бўлсин, кенгайтиришни ўз ичига олади.

Концепция инсон ривожланишига икки ёқлама ёндашувни кўриб чиқади: биринчиси — бу саломатликни мустаҳкамлаб, билим эгаллаш ва касбий кўникмаларни такомиллаштириш орқали инсон имкониятларини кенгайтириш: иккинчиси — бу одамларнинг ишлаб чиқариш мақсадлари, маданий, сиёсий фаолият ва дам олиш учун ўзи эгаллаган қобилиятдан фойдаланиш жараёнидир. Шундай қилиб, Ушбу концепция инсон ривожланишини фақат ишлаб чиқариш фаолияти учун ресурсларни шакллантириш ва моддий бойликни кўпайтиришга йўналтирмаган.

Даромад, инсон ривожланиши концепциясига кўра — гарчи жуда кам бўлсада, инсон эгалик қилишни истайдиган танловлардан бири, холос. Бироқ бу инсон ҳаётининг мураккаблиги ва хилма-хиллигини белгилай олмайди. Бунда саломатлик, таълим, яшаш муҳити, ҳаракатлар ва сўз эркинлиги ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шу боис ривожланиш даромад ва бойликни оширишдан кўра кўпроқ бўлиши даркор. Унинг мақсади фақат одамлар бўлиши керак. Даромад энг сўнгги мақсад эмас, балки иқтисодиёт, ижтимоий фаолият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда одамлар имкониятларини кенгайтириш воситаси ҳисобланади.

Инсон ривожланиши концепцияси унумдорлик, тенглик, барқарорлик, имкониятларни кенгайтириш каби тўртта асосий унсурни ўз ичига олади.⁸ Инсон ривожланишининг вазифаси ҳар бир

⁷ Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 2001 й

⁸ Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 1995 й.

инсон ўз қобилиятини ривожлантира оладиган муҳитни яратишдан иборат ва бундай ривожланиш имкониятлари янада кенгайтирилиши лозим.

Шу тариқа инсон ривожланишининг асосий мақсади одамларни моддий фаровонлик билан таъминлаш, соғлом ва бунёдкорлик ҳаётидан етарлича баҳра олиш имкониятини берадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда экологик муҳитни яратишдан иборат.

Инсон ривожланиши концепцияси пайдо бўлиши билан деярли бир пайтда бутун дунёда одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ютуқларни миқдорий баҳолаш муаммоси ҳам юзага келди. 1990 йилдан бошлаб, инсон ривожланиши тўғрисидаги йиллик маърузалар Инсон ривожланиши индексини (ИРИ) чоп этмоқда. Мазкур индекс

- бу кўплаб мамлакатларда одамлар фаровонлигини соддалаштирилган шаклда баҳолашдир. ИРИ инсон ривожланишининг учта жиҳатини таркибий баҳолайди ва кўплаб мамлакатлар, минтақалар, умуман дунёда инсон ривожланиши борасида юксалиш мониторингини тахминий баҳолаш сифатида хизмат қилади.

Инсон ривожланиши индекси қуйидагилардан иборат:

- кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси, уни маълум даражада мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий таъминот аҳволининг кузгуси деб ҳисоблаш мумкин;

- ёши катта аҳолининг саводхонлик даражасини, аҳолининг бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим билан қамраб олинишини акс эттирувчи ва шу тариқа мамлакатда таълим тизими аҳолини ифода этувчи таълим даражаси индекси;

- мамлакат фуқаролари даромади даражасини акс эттирувчи аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот индекси (харид қобилияти паритети бўйича АҚШ доллари ҳисобида).

Инсон ривожланиши концепцияси ва стратегиясини фақат ИРИ доирасида чекламаслик жуда муҳимдир. Инсон ривожланиши индексининг таълимни кенгайтириш, соғлиқ ва узоқ умр кўришни яхшилаш, шунингдек, даромадни кўпайтириш каби инсон ривожланиши мақсадларини баҳолайдиган жамланма индекс сифатидаги муваффақияти ушбу концепцияни тор доирада изоҳлашга оид тушунчанинг мустақамланишига олиб келди. Инсон ривожланиши концепцияси уни баҳолаш бирлигидан (ИРИ) кўра анча кенглиги тушунтирилишига қарамай кўпинча бу концепцияни инсон

ривожланиши индексига қиёслашади. Инсон ривожланиши концепцияси — бу асосий эътибор марказида инсон ҳаётининг танлови имкониятларини кенгайтириш турадиган ижтимоий тараққиётни тушунишга сифатли янги ва истиқболли ёндашувдир. ИРИнинг асосий мақсади «инсон ривожланишини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки даромадлар доирасидан четга чиқадиган параметрларни беришдан иборатдир. ИРИ инсон фаровонлиги йўлидаги ўзгаришлар ва турли минтақаларда эришилган юксалишни таққослаш мезони ҳисобланади».⁹

Инсон ривожланиши концепциясининг назарий ва амалий жиҳатлари БМТ Ривожланиш дастури томонидан ҳар йили чоп этиладиган инсон ривожланиши тўғрисидаги глобал маърузаларда ўз аксини топмоқда.

Инсон тараққиёти концепциясини ривожлантиришда 2000-йилда бўлиб ўтган БМТнинг Мингйиллик Саммитида “Мингйиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур муҳим тарихий ҳужжат XXI 21 асрга мўлжалланган Глобал кун тартибининг белгилаб берди ҳамда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) сифатида маълум бўлган қуйидаги саккизта аниқ мақсадга эришишга қаратилган вазифаларни қўйди:

Дастлабки етти мақсад барча кўринишлардаги: очлик, даромаднинг етарли даражада бўлмаслиги, таълим ва тиббий хизмат сифати пастлиги, гендер тенгсизлик ва атроф муҳит аҳолининг ёмонлашуви кўринишидаги камбағаллик даражасини пасайтиришга қаратилган бўлса, сакказинчи мақсад бунга эришиш воситасидир.

МРМ жаҳон ҳамжамиятининг 2015 йилгача бўлган давр учун глобал лойиҳа бўлиб, у жаҳондаги барча мамлакатларга нисбатан татбиқ этилади.

Минг йиллик ривожланиш мақсадлари инсон тараққиёти концепцияси билан ҳамоҳанг бўлиб, бу борадаги давлат сиёсати тегишли устуворликларни белгилаб олишни талаб қилади.

2.5.1.-жадвал

Ўзбекистон учун МРМ қуйидагилардан иборат¹⁰:

Мақсад	Миллий вазифалар
--------	------------------

⁹ Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 2005 й.

¹⁰ Ўзбекистонда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари. БМТ ва ОРБ. Тошкент, 2004

<p>1. Кам таъминланганлик ва қониқарсиз озиқлантиришни камайтириш</p>	<p>2015 йилга келиб кам таъминланганликни икки баравар камайтириш</p>
<p>2. Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш</p>	<p>2015 йилга келиб бошланғич ва асосий ўрта таълим сифатини ошириш ва шу билан бирга умумий баҳрамандлик даражасини тутиб туриш</p>
<p>3. Гендер тенглигини рағбатлантириш ва хотин-қизларга ваколат бериш</p>	<p>2005 йилга келиб бошланғич, умумий асосий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида гендер тенгликка эришиш 2015 йилга келиб олий таълим тизимида гендер балансини яхшилаш.</p>
<p>4. Болалар ўлимини камайтириш</p>	<p>2015 йилга келиб болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтириш</p>
<p>5. Оналар соғлиғини яхшилаш</p>	<p>2015 йилга келиб оналар ўлимини учдан бир қисмга камайтириш</p>
<p>6. ОИТС/ОИВ, безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш</p>	<p>ОИТС/ОИВ ОИТС/ОИВ тарқалишини ортга қайтариш ва 2015 йилга келиб уни тарқалишини тўхтатиш Сил Силнинг тарқалишини ортга қайтариш ва 2015 йилга келиб уни тарқалишини тўхтатиш</p>
<p>7. Экологик барқарорликни таъминлаш</p>	<p>Барқарор ривожланиш принципларини давлат сиёсати ва мамлакатда қабул қилинган дастурларига киритиш ҳамда нобуд бўлган атроф муҳит захираларини ортга қайтариш 2015 йилга қадар яхшиланган сув манбаъларидан ва санитария хизматларидан баҳраманд бўлмиш шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳиссасини кўпайтириш</p>
<p>8. Ривожланиш мақсадларида глобал шерикчиликни шакллантириш</p>	<p>Дастлабки ва жорий вазифалар Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, савдони, шу жумладан минтақавий ва чегаралараро савдо</p>

	хамда транспортни кенгайтириш тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда сув ва энергетика захираларини оқилона йўлга қўйиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўли билан минтақадаги қўшни мамлакатлар ва бошқа давлатлар билан шерикчиликни таъминлаш
--	---

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилдан бошлаб инсон ривожланиши мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширишга киришилган иқтисодий, ижтимоий, ва сиёсий ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделида ижтимоий сиёсат аввал бошданок марказий ўринни эгаллади. Собик совет иттифоқи республикалари ичида Ўзбекистон биринчи бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – ўтиш даврида давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири эканлигини эълон қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда давлат томонидан амалга оширилган барча кенг миқёсли ишлар Ўзбекистонда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари кенг кўламда бажарилишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда ИРИ изчил ўсяпти. 2003 йилда унинг кўрсаткичи 0,747 ни ташкил этган бўлса, 2004-2005 йилларда 0,756 ни ташкил қилди.¹¹ Туғилганда кутиладиган умр 0,9 йилга ошиб, 72,5 йилга етди.

Ўзбекистонга доир ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, инсон салоҳияти индекси миқдорига таълим кўрсаткичи (40,45%) ва умрнинг кутилаётган давомийлигининг таъсири нисбатан кўпроқ (34,92%).

БМТнинг 2004 йилга доир маълумотларига кўра, республикада таълим тизими дунё миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб,

¹¹ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза 2006 йил. 8-б.

177 мамлакат орасида 80-ўринни, умрнинг кутилаётган давомийлиги бўйича эса 112-ўринда туради.

2.5.2 -жадвал.

Ўзбекистон Инсон салоҳияти ривожининг индекси¹²

	1995	2000	2001	2002	2003	2004
Туғилишда кутилаётган давомийлиги (ёш) умр	69,1	70,8	71,3	71,2	71,6	72,5
Катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси (фоизда)	98,96	99,17	99,18	99,19	99,20	99,31
Таълим муддати (йил)	11,4	11,4	11,5	11,6	11,6	11,7
Саводхонлик кўрсаткичи	0,990	0,992	0,992	0,992	0,992	0,993
Таълим кўрсаткичи	0,76	0,76	0,77	0,77	0,77	0,77
Таълим даражаси	2,74	2,74	2,74	2,74	2,76	2,75
Аҳоли жон бошига ЯИМ (ХХҚП \$) *	1973	2422	2460	2578,5	2668,1	2834,8
Кутилаётган давомийлиги индекси умр	0,735	0,763	0,772	0,770	0,777	0,792
Эришилган саводхонлик даражаси индекси	0,913	0,913	0,913	0,913	0,917	0,917
ЯИМ индекси	0,498	0,532	0,535	0,542	0,548	0,558
Инсон салоҳияти ривожланиши индекси (ИСРИ)	0,715	0,736	0,740	0,742	0,747	0,756
Гендер ҳисобла омили олиган ривожланиш индекси (ГОРИ)	0,704	0,733	0,736	0,738	0,743	0,752
Хотин-қизлар	0,351	0,382	0,378	0,380	0,411	0,468

¹² Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т. 2006. 23-б

имкониятлари кенгайиши кўрсаткичлари (ХИКК)						
--	--	--	--	--	--	--

Берилган жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўрта махсус касб-хунар таълимнинг барча босқичларидан баҳраманд бўлишини таъминлаётган Ўзбекистон Таълимни ривожлантириш борасида юксак кўрсаткичларга эришган. Айти пайтда унинг узок умр кўриш борасидаги кўрсаткичлари инсон салоҳиятини ривожлантиришда юксак тараққиётга эришган мамлакатларникига жуда яқин.

Бироқ Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи унчалик юқори эмас (177 мамлакат орасида 141-ўрин)¹³. Келажакда айнан ушбу кўрсаткичнинг ўсиши Ўзбекистонда инсон ривожланиши даражасини оширишда асосий имконият сифатида хизмат қилади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсиши йилдан-йилга аҳоли фаровонлигининг ошиб боришини таъминламоқда. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2007-2009 йилларда Ўзбекистонда ЯИМнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиши 8,5 %ни, аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиши 25 % ни ташкил этади.

2.5.3 -жадвал.

Ўзбекистонда 2009 йилда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан)¹⁴

Асосий кўрсаткичлар	макроиқтисодий	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши		9,5	9,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши		12,1	12,7	9,0
Хизмат кўрсатиш ҳажми		20,6	21,3	12,9
Савдо соҳаси		21,0	7,2	16,6

¹³ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т., 2007. 13-б.

¹⁴ Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳакининг ошиши	44,2	40,0	40,0
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5

Айниқса, 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан иқтисодий пасайиш кузатилганини эътиборга олсак, иқтисодиётимизнинг бундай шароитдаги ўсиши инсон ривожланиши борасида жуда катта аҳамиятга эга.

Умуман олганда, мамлакатимизда охириги йилларда ва 2009 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича эришилган натижалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- инфляция даражаси йилига 7-8 фоиздан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;

- олтин-валюта захиралари охириги 5 йил мобайнида 6 баробар ўсиб, ҳозирда деярли 1,5 йиллик импорт ҳажмини қоплайди;

- жами давлат ташқи қарзи ЯИМнинг 9,5 фоизини ташкил қилиб, экспорт ҳажмига нисбатан 26 фоиздан ошмайди. Бу кўрсаткичлар Жаҳон банкининг мезонлари бўйича «жуда ўртамиёна» деб таснифланади.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-

тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.¹⁵

Бандлик даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади. 2009 йилда мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

2009 йилда мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Умумтаълим ўқуви давлат томонидан кафолатланади. 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек аҳолининг саводхонлик даражаси мутлақ ўлчамларга мос келади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан анча илдам бажарилаётганлигини тўла тасдиқлайди. Ўзбекистон таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туради. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этса, айни пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қилади.¹⁶ Саводхонлик даражаси ҳамда ўрта ва касб-хунар таълими тизимидаги ўқувчилар ҳиссасини иқтисодий ривожланган давлатлардаги кўрсаткичлар билан қиёслаш мумкин бўлгани учун Ўзбекистонда глобал МРМ-2га эришилган.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги бундан кейинги вазифалари янада юксаклигича қолади — таълим сифатини ошириш, таълимдан умумий фойдаланиш имкониятларини сақлаш ва аҳолини умри давомида ўқитиш ишлари яна ҳам юқори даражада амалга оширилмоғи даркор. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга бу борада

¹⁵ Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

¹⁶ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т., 2007. 27-б.

дунёда етакчи ўринни эгаллаш имконини беради. 2007 йилда ишлаб чиқилган Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясида яқин келажакда миллий ривожланишни таъминлаш тизимидаги таълим соҳасига доир эҳтиёжлар ўз ифодасини топган.

Республикада кейинги ўн йил мобайнида кўплаб мактаблар, коллежлар, лицейлар ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш эвазига педагоглар ҳамда ўқувчилар сони кўпаймоқда, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ривожлантирилмоқда. 2000–2006 йилларда олий ўқув юртларида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Бакалаврият ва магистратура мутахассислигига қабул қилиш тегишли равишда 1,3 ва 2 мартага ошди, боз устига олий ўқув юртларига қабул қилинган хотин-қизлар сони ҳам 1,6 марта ўсди. 2005–2006 йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ўртача ўқиш муддати 12 йилни ташкил этди. Бу Озарбайжон, Арманистон, Туркия ва инсон ривожланиши бўйича ўртача индексга эга бошқа қатор мамлакатларга қараганда анча кўпдир.

Инсон ривожланиши концепциясида таълим асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Инсоният цивилизацияси давомида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим двигателлари ҳисобланган.

Статистик маълумотлар камбағаллик муайян даражада таълим даражасига ҳам боғлиқ эканини тасдиқлайди. Бу, бир томондан, кам ривожланган мамлакатларнинг ўз таълим соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаши учун молиявий ресурсларининг чекланганлиги билан изоҳланади. Иккинчи томондан, мамлакатнинг юқори даражали иш унумдорлигини ва пировардида иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасини таъминлаш имконияти ҳам айнан таълим даражасига боғлиқдир.

Глобаллашув шароитида мамлакатнинг инновациявий ривожланиш салоҳияти рақобатбардошликнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланган бир пайтда, аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатга ўзини «энг сара» жамиятга дахлдор деб ҳисоблаш имконини берадиган обрўга эмас, балки яшовчанлик ва иқтисодий таъминот, пировардида сиёсий мустақиллик омилига

айланади. Аҳолиси анча саводли мамлакат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш борасида нисбатан кенгрок имкониятларга эга бўлади.

Бундай мамлакатларда одатда ишсизлик ва ишга лаёқатли аҳолининг иш излаб бошқа давлатларга бориш даражаси паст. Ўқимишли одамнинг маълумотсиз одамга қараганда иш топиши осонроқ. Барча мамлакатларда ишсизлик даражаси ҳар доим маълумоти паст ёки йўқ аҳоли орасида юқоридир.

Таълим аҳолининг саломатлик даражаси ва унинг кутилаётган умр кўриш давомийлиги, яъни инсон ривожланишининг яна бир муҳим кўрсаткичи билан бевосита боғлиқдир. Ўқимишли аҳоли ўз соғлиғини асраб-авайлайди, профилактика чораларини яхши қўллайди, асосан соғлом турмуш тарзига риоя қилиб ҳаёт кечиради, касалликни ўз вақтида аниқлайди, ўзига биринчи ёрдам кўрсатади, малакали тиббий ёрдамга мурожаат қила олади.

Ўзбекистонда гендер тенглигини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар амалга оширилди. Масалан, таълим соҳасида гендер тенглик муаммоси ҳал этилган. 1995 йилда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини имзолаган пайдан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ўзининг гендер тенглик қоидалари ва аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш борасидаги мажбуриятларини қайтадан тасдиқлади. Барча саккиз МРМ учун, эркаклар ва аёллар уларга эришишдан тенг даражада ютиши мумкин бўладиган тарзда, гендер ёндашувига эришилади. Ҳукумат аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда улар жамият ва давлатда ўйнайдиган ролни кучайтиришни таъминлаш учун катор қарорлар қабул қилди.

Сўнгги йилларда тиббий хизмат тизими амалда тўлиқ модернизация қилинди, аҳолига бепул юқори малакали шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган касалхоналар ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши ислохотларнинг энг муҳим ва аниқ натижаси бўлди.

Натижада болалар ўлими Марказий Осиё давлатлари орасида энг камларидан ҳисобланади, бироқ собиқ Совет Иттифоқининг бошқа давлатларига қиёслаганда юқорилигича қолмоқда. Масалан, 2009 йилда 1 ёшгача булган гўдаклар ўлими 49,4% ни ташкил этган.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари орасида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари алоҳида ўрин тутди. Бу соҳада олиб борилаётган миллий сиёсат атроф-муҳит муҳофазаси ва энергетика кучлари табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, иқлим

ўзгариши ва тикланадиган энергетика манбаларига, шунингдек институционал ва маҳаллий миқёсдаги ҳамкорликнинг чуқурлаштиришга йўналтирилган.

Бугунги кунга келиб “Ўзбекистонда Мусаффо Ривожланиш Механизми учун имкониятларни яратиш” БМТРД лойиҳаси катта ижодий натижаларга эришди. “Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларидаги таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини амалга ошириш” ва “Амударё дарё дельтаси ва Қорақалпоғистонда тўқай ўрмонларини сақлаш ва қўриқланаётган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳалари Ўзбекистондаги ноқулай экологик минтақаларидаги муаммолар йиғимини ечишга қаратилган. “Ўзбекистон нефть-газ секторида биохилма-хилликни асраш таъминларини интеграциялаш”, “Ўзбекистондаги ижтимоий-маиший объектлар энерготаяъирини ошириш”, “Мақсадли институционал мустаҳкамлаш ва профессионал ривожланиш йўли билан Рио конвенциясини тадбиқ қилиш учун миллий имкониятларни мустаҳкамлаш”, “Ўзбекистонда барқарор чорвачилик ривожини қўллаб-қувватлаш” каби яқинда бошланган “ёш” лойиҳалар Муқобил ривожланиш жабҳасида долзарб ва муҳим йўналишларни акс эттириб, келажак ривожини учун пойдевор яратаётир.

Жамоатчилик назорати жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини таъминлашнинг, ўтказилаётган чуқур демократик ислоҳотлар, мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш мақсадлари ва устуворликлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишининг, шунингдек халқнинг бахт-саодати таъминланиши ва фаровонлигини оширишнинг, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим қисмига айланмоқда.

Ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар жараёнларида республика парламенти томонидан амалга оширилаётган аниқ мақсадга қаратилган қонун ижодкорлиги иши муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида 500 дан зиёд қонун қабул қилинди, 100 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан БМТнинг инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва унинг уйғун камол топиши

масаласига бевосита алоқадор бўлган олтита асосий ҳужжати ратификация қилинди¹⁷.

Шу билан бирга мамлакатимизда мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ҳал этилмаган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Иқтисодий ўсиш суръатлари 2003 йилдан бошлаб жадаллашди, бироқ бу кўрсаткич барча ҳудудларда бир хил эмас. Иш билан тўлиқ банд бўлмаслик ва меҳнатга яраша даромад олиш имкониятининг йўқлиги собиқ совет давридаги корхоналар ёпилган ёки тўла қувват билан ишламаётган қишлоқ туманлари ҳамда кичик шаҳарчалардаги жиддий муаммолардан ҳисобланади. Катта норасмий сектор ишчилар манфаатлари ҳимоясини тўлиқ таъминламаяпти ва иш ҳақининг пастлиги, иш билан бандликнинг беқарорлиги, шунингдек, солиқ тўловларининг бюджетга келиб тушмаслигининг сабабларидандир. Иш билан бандлик хусусияти ва сифати ҳам муаммолигича қолмоқда. Айнан шу сабабли ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли истиқболдаги вазифаси сермахсул меҳнат билан таъминлайдиган ва расмий секторни кенгайтириш учун замин яратадиган иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш тобора кўпайиб бораётган аҳолининг таълим олиши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий инфратузилмага инвестиция сарфлаш кўринишида ижтимоий-давлат ҳаражатларига йўналтириладиган даромадларни ошириш учун ҳам зарурдир.

Шунингдек кам таъминланиш кўламини янада пасайтириш, айниқса, аҳолининг иқтисодий ночор қатламларининг унумли иш билан бандлигини таъминлайдиган ва секторлар, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги номутаносибликка барҳам берадиган юқори иқтисодий ўсиш суръатига боғлиқдир.

Меҳнат бозорида малакали ходимларга бўлган талаб ва малакасиз ҳамда ортиқча ишчи кучи ўртасида номутаносиблик юзага келгани ҳам сир эмас. Масалан, саноат корхоналарида муҳандислар етишмайди, кичик корхоналар маълумотли ва тажрибали бошқарув ходимларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига эҳтиёж сезмоқда. Янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти олий таълим тизими сингари ушбу соҳалар учун ушбу мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Бироқ бу борада ходимлар малакасини мунтазам ошириш, меҳнат фаолияти давомида уларнинг кўникма ва

¹⁷ www.parliament.gov.uz/uz/events/.../2341

билимини яхшилаш сиёсатини янада изчилроқ давом эттириш зарурлигини ҳам таъкидлаш керак.

Мамлакат Президентининг кўплаб дастурий маърузаларида келтирилган Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегиясида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш (мисол учун, солиқ юкини камайтириш, солиқ солишни мақбуллаштириш, мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш мақсадида институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш), қишлоқ хўжалигига давлат инвестицияларини сарфлашни ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўпайтириш, банк секторини янада ислоҳ қилиш орқали кредит линияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда микромолиялашни ривожлантириш эвазига иқтисодий ўсишни таъминлаш кўзда тутилган. Мазкур стратегияда, шунингдек, мамлакатда давлат харажатларини соғлиқни сақлаш ва таълим учун тақсимлаш орқали инсон капиталини янада ривожлантириш, ушбу секторларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, серфарзанд оилалар, қариялар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Инсон тараққиёти концепциясини ҳаётга тадбиқ этишда БМТ билан ҳамкорлик янада чуқурлашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТ билан ҳамкорликда 2010-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастурини имзолади. Бу Ўзбекистон халқининг БМТ билан ҳамкорлигида янги давр бошланганини, шунингдек, сифатли даражага чиққанлигидан далолат беради ва Мингйилликнинг ривожланиш мақсадини (МРМ) амалга ошириш ишида янги туртки беради.

Назорат учун саволлар:

1. БМТ иқтисодий соҳада асосан қандай йўналиш бўйича фаолият олиб боради ?
2. БМТ ташкил топиши ?
3. БМТнинг мақсадлари ?
4. БМТнинг тизимидаги ташкилотлар қайсилар?
5. БМТ тузилиши қандай ?
6. Секретариат Мақсади ?
7. БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши ?
8. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР)

9. БМТнинг ривожланиш дастури (ПРООН)
10. БМТ нинг саноатни ривожлантириш бўйича ташкилоти (ЮНИДО)
 11. БМТнинг ҳукуматлараро ташкилотлари
 12. Бутун жаҳон туризм ташкилоти
 13. Атом энергияси бўйича халаро ташкилоти
 14. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилот
 15. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди
 16. БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ?
 17. Ўзбекистон учун МРМ ?
 18. Ўзбекистон Инсон салоҳияти ривожининг индекси ?
 19. Ўзбекистонда 2009 йилда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ?

3- Мавзу. Халқаро валюта-молия ташкилотлари

Режа:

- 1. Жаҳон банки гурухи.**
- 5. Халқаро валюта фонди (МВФ)**
- 6. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (МБР)**
- 7. Ислом тараққиёт банки (ИБР)**

3.1. Жаҳон банки.

Штаб-квартираси Вашингтон, АҚШда жойлашган 27 декабр 1945 йилда асос солинган, аъзолари 185 та давлат.

Жаҳон банки – ривожланаётган мамлакатларга молиявий ва техник кўмакни ташкил этиш мақсадида тузилган халқаро молиявий ташкилотдир. Дастлаб Жаҳон банки сифатида Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки тушунилган эди. 1960 йил Халқаро ривожланиш ассоциацияси тузилди ва натижада ҳозирда Жаҳон банки деганда ушбу икки ташкилот тушунилади. Кейинчалик ушбу икки ташкилотга яна уч ташкилот ҳам қўшилди:

- Халқаро молиявий корпорация
- Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўптомонлама агентлик
- Инвестицион баҳсларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ

Ўз фаолиятининг дастлабки босқичларида Жаҳон банки (1945-1968) қарздорларга нисбатан талабларнинг юқорилиги туфайли фаол кредитлаш сиёсатини амалга ошира олмади. Президент – Жон Мак Клой 1968-1980 йилларда Жаҳон банкининг фаолияти ривожланаётган мамлакатларга қаратилди. Президент – Роберт Макнамара 1980 йилда Р.Макнамаранинг ўрнига Клаузен президент бўлди ва 1980-89 йилларда Банкнинг диққат марказида учинчи дунё мамлакатлари бўлди.

1989 йилдан Жаҳон банкининг сиёсати турли нодавлат ташкилотларнинг, хусусан атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ташкилотлар таъсирида жиддий тарзда ўзгарди. Кредитлар тақдим этилиш соҳалари кенгайтирилди.

Мақсад ва вазифалари:

1. Ҳозирда Мингйиллик декларацияга мувофиқ Жаҳон банки ўз фаолиятини минг йилликдаги ривожланиш мақсадларига эришишга йўналтирган. Бреттон-Вудс халқаро ҳамкорлиги томонидан Жаҳон банкига белгиланган вазифалар унга берилган ном – яъни Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) да ўз аксини топди.

Асосий вазифа сифатида иқтисодий тараққиётни молиялштириш юклатилди. Агарда Жаҳон банкининг бирламчи кредитлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европанинг иқтисодиётини тиклашга йўналтирилган бўлса, кейинчалик у ўз эътиборини жаҳоннинг қолоқ мамлакатлари иқтисодини тиклашга қаратди. Ҳозирги вақтда эса Жаҳон банкининг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, мазкур мамлакатларнинг ишлаб чиқариш даражасини оширишга ёрдам бериш ва аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга кўмаклашишдир.

2. Жаҳон банки кредит олиш, уни қайтара олиш даражасида бўлган мамлакатлар учун маблағларни мужассамлайди. Аммо, бой мамлакатларга ёки алоҳида шахсларга жаҳон банки томонидан кредит берилмайди.

3. Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг жон бошига ялпи масулот \$1200 атрофида бўлган тақдирда улар ҳаларо тикланиш ва тараққиёт банкидан кредит олиш имкониятига эга бўладилар. Бу кредитлар 12-15 йил ичида қопланиши лозим. Иккинчи томондан, ҳалқаро тараққиёт ассоциациясини (МАР) кредитларни ҳалқаро мамлакатларга, яъни улардаги ялпи миллий маҳсулот жон бошига 800 дан кам бўлган мамлакатларга беради (асосан МАР томонидан берилаётган кредитларнинг 80 %ини ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига \$ 700 дан кам бўлган мамлакатлар олади). Бу кредитлар бўйича фоизлар олинмасдан, кўпгина ҳолларда улар 35-40 йиллар оралиғида тўлаш шарти билан берилади.

4. Жаҳон банки ўз фаолиятини ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларга техник лойиҳаларни, иқтисодий дастурларни молиялаштириш жиҳатдан ёрдам бериш орқали бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Бу вазифалар банкининг асосий узок муддатли вазифаси ҳисобланади.

5. Охириги йилларда банк олдинги йиллардаги тажрибаларига таянган ҳолда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичлари даражаларини инобатга олиб, лойиҳаларни танлаш жараёнида асосан ривожланаётган мамлакатларнинг тараққиёт даражаларини оширишни назарда тутган ҳолда олиб бориляпти.

6. Шунинг учун ҳам, Банк томонидан техник ва молиявий жиҳатдан ёрдам бериш ва молиялштириш жараёнида БМТ томонидан белгиланган дастурга асосан ҳам техник ёрдам берувчи, ҳам лойиҳани ижро этувчи сифатида қатнашади.

7. Банк томонидан танланадиган лойиҳа, уларнинг йўналишлари миллий мамлакатлар, уларнинг маҳаллий ҳокимиятлари, бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳар томонлама келишилган ҳолда амалга оширилади.

8. Банк кредит ажратиш жараёнида ўз мутахассислари иштирокида кредит олувчи мамлакатларнинг иқтисодини синчковлик билан таҳлил этиш асосида қайси соҳага асосий эътабор бериш ёки қўйилмаларни жойлаштириш борасида у ёки бу соҳани танлаш иккониётидан фойдаланилади. Бундай таҳлилда иш юритиш ушбу малакатларнинг асосий муаммолари ечимида қатнашиб, унинг ривожланишига ёрдамлашишни назарда тутди.

Фаолияти турлари ва йўналишлари:

Пул маблағларини жойлаштириш

ХТТБ томонидан бериладиган қарзлар асосан жаҳон молиявий бозорларида “AAA” ишонч рейтингига эга бўлган облигацияларни сотиш ҳисобига молиялаштириш орқали ривожланаётган мамлакатларга тақдим этилади. ХТТБнинг капитали 185 аъзо-давлатнинг бадалларидан иборат.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) дунёдаги камбағал давлатларни фойсиз қарзлар ва грантлар орқали молиялаштирувчи асосий йирик манба саналади ва унинг капитали ҳар уч йилда 40 донор-мамлакат томонидан тўлдирилади.

Кредитлар:

ХТТБ ва ХРА орқали Жаҳон банки икки асосий турдаги кредитларни тақдим этади: инвестицион кредитлар ва ривожланиш мақсадлари учун кредитлар

Грантлар:

Жаҳон банки грантлар кўринишидаги молиявий кўмакларни амалга оширади. Сўнгги йилларда ХРАнинг грантлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилмоқда:

-юқори қарздорлик даражасидаги мамлакатларнинг қарз юкини енгиллаштириш учун

-канализация ва сув билан таъминлаш хизматлари самарадорлигини ошириш

-безгак сингари инфекцион касалликлар олдини олиш мақсадларида иммунизация ва вакцинация дастурларини қўллаб қувватлаш учун

-ОИВ/ОИТС касаллиги билан курашга

-фуқаролик жамиятини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш

-“иссиқхона” газларини чиқарилишини қисқартирилишини рағбатлантириш

Бошқа хизматлар:

Ривожланаётган мамлакатлар учун таҳлилий-консултация хизматлар, таълим фаолияти, Жаҳон банки институти, [B-SPAN](#) интернет-трансляция хизмати.

3.1.1-жадвал

Фаолият йўналишлари (соҳалари)

<ul style="list-style-type: none"> • Қашшоқлик муаммолари • Озиқ-овқат билан таъминла-ниш муаммоси • Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва ер-дан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа иқтисодий секторлар • Ривожланаётган мамлакатларда ОИТС билан курашиш муам-молари • Коррупция билан курашиш • Вирусли касал-ликлар тарқали-ши билан кураш • Безгак билан кураш 	<ul style="list-style-type: none"> • Энергетикани ривожлантириш, энергия манба-ларига чиқиш ва янги манбаларни излаш муам-молари • Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсат ва қарздорлик муаммолари • Рвожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш • Ривожланаётган мамлакатларга инвестициялаш муаммолари • Таълим муам-молари • Атроф-муҳит муаммоси • Иқлимнинг ўзгариши ва уни инсонлар 	<ul style="list-style-type: none"> • Инсониятни нг ривожланиш и-нинг стратегик вазифалари • Иқтисодий ўсиш, солиққа тортиш, қарздор-лик муаммолари • Молиявий инқироз • Банк соҳаси, молиявий бозорлар, тўлов тизимларини ривожлантириш • Глобаллашув • Нархларнинг ошиши, донор-мамлакатлардаги муаммолар • Урбанизация 	<ul style="list-style-type: none"> • Транспорт • Савдо • Публикация, семинарлар • Миграция муам-молари • Газ, нефть • Тоғ-кон саноати • Гендер муаммола-ри • Интернет ва алоқа • Ҳуқуқ ва ривож-ланиш • Иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантириш
--	---	---	--

<ul style="list-style-type: none"> • Болалик ва ўсмирлик муам-молари • Болаларни эксплуатациял аш муаммолари 	<p>хаётига таъсири</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Маҳаллий молиялаштириш 	
--	------------------------	--	--

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

ХТТБда 186 давлат аъзо (охиргиси Черногория – 18.01.2007)

Жаҳон банкининг асосий кредит муассасаси. 1944 йил Бреттон-Вудсадаги халқаро валюта-молия анжуманидаги қарорга кўра ХВФ билан бир вақтда ташкил этилган. Вашингтонда жойлашган.

ХТТБ мақсадлари:

- аъзо-давлатлар иқтисодиётини реконструкциялаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш
- хусусий хорижий инвестицияларга кўмаклашиш
- халқаро савдонинг мувозанатлашган ўсиши ва тўлов баланси мувозанатини таъминлашга ёрдамлашиш
- статистик маълумотларни йиғиш ва чоп этиш

ХТТБнинг тузилиши:

- Раислар кенгаши.
- Директор- бажарувчиллар кенгаши ёки Бажарувчи Кенгаш, кўмиталар.
- Ривожланиш бўйича кўмитаю
- Банк Президенти.

1995 йилда ХТТБ ўзининг ишига тўртта асосий йўналиш кўшган:

1. Ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларини қондириш учун мақсадида янги битимларни тузишга интилиш;
2. Банк ривожланиш сиёсатини ўзгартирмаган ҳолда уни давом эттириш учун ягона ёдошув;
3. Жаҳон банкни шериклар доирасини глобал ва маҳаллий даражада кенгайтириш ва мукаммалаштириш;
4. Банк фаолиятини такомиллаштириш.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси.

Жаҳон банкидаги аъзолик шарти шундаки, ХТТБнинг ҳар бир аъзо-давлати илк навбатда ХВФ аъзоси бўлиши керак. Фақатгина ХТТБ аъзоси бўлган давлатлар Жаҳон банки гуруҳидаги бошқа ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси 1960 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки филиали сифатида ташкил топган. У БМТ нинг махсус органи бўлиб ҳисобланади. Ассоциация кўп жиҳатдан Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкига ўхшаш. Ҳар иккала ташкилот ҳам ривожланиш лойиҳаларини молиялаштиради ва банкнинг президенти ассоциация президенти ҳисобланади. Бу иккала ташкилотнинг фарқи уларнинг молия маблағларини топишларидадир. Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки ўзининг молиявий маблағларини кўп қисмини халқаро бозорларда ва ривожланаётган давлатларга узоқ муддат ва паст фоизларда бераётган кредитларидан олади. Банкга нисбатан ассоциация ривожланаётган давлатларга фоизсиз кредитлар ажратади. Унинг молиявий маблағлари Донар мамлакатлардир.

Ассоциациянинг мақсадлари:

- Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.
- Жаҳон банки гуруҳидаги ассоциацияга аъзо ривожланаётган мамлакатлар турмуш тарзини яхшилаш.

Тузилиши:

- а) Бошқарувчилар кенгаши
- б) Ижрочи директор
- с) Президент

Ассоциацияга 159 та давлат аъзо. Биринчи гуруҳда 26 та, иккинчи гуруҳда 133 та аъзо шу жумладан Ўзбекистон ҳам.

1 гуруҳ (иқтисодий ривожланган мамлакатлар — 26)

3.1.2 -жадвал

Австралия	БАА	Исландия	Нидерланд	Франция	Қувейт
Австрия	Германия	Испания	Норвегия	Швейцария	
АҚШ	Дания	Италия	Порту- галия	Швеция	
Бельгия	ЖАР	Канада	Россия Федера- цияси	Япония	
Буюк	Ирлан-	Люксем-	Финляндия	Янги	

Британия	дия	бург		Зеландия	
----------	-----	------	--	----------	--

II гуруҳ (ривожланаётган мамлакатлар — 133)

3.1.3- жадвал

Озарбайжан	Джибути	Мавритания	Саудия Арабистони	Экваториаль Гвинея
Албания	Доминика	Микронезия Қўшма штатлари	Свазилендия	Эритрея
Ангола	Доминикан Республика -си	Марказий Африка Республика- си	Сенегал	Эфиопия
Аргентина	Миср	Мадагаскар	Сент- Винсент ва Гренадин	Эрон
Армения	Зоир	Малави	Сент-Китс ва Невис	Яман
Афғонистон	Замбия	Малайзия	Сент-Люсия	Ўзбекистон
Бангладеш	Зимбабве	Мали	Сирия	Қозағистон
Белиз	Исроил	Мальдив	Словакия	Қирғизистон
Бенин	Индонезия	Марокко	Соломон Ороллари	Қохира
Боливия	Иордания	Маршаллов Ороллари	Сомали	Чад
Босния ва Герцеговина	Ироқ	Мексика	Судан	Чехия
Ботсвана	Испания	Мозамбик	Сьерра- Леоне	Чили
Бразилия	Кабо-Верде	Молдавия	Тожикистон	Шри-Ланка
Буркина- Фасо	Камбоджа	Монголия	Таиланд	Эквадор
Бурунди	Камерун	Мьянма	Танзания	Руанда
Бутан	Кения	Непал	Того	Сальвадор

Вануату	Кипр	Нигер	Тонга	Самоа
Венгрия	Кирибати	Нигерия	Тринидад ва Тобаго	Сан-Томе ва Принсипи
Вьетнам	Колумбия	Никарагуа	Тунис	Собик Югославия Республикаси Македония
Габон	Комор Ороллари	Оман	Туркия	Лесото
Гаити	Конго	Пакистон	Уганда	Либерия
Гайана	Коста-Рика	Панама	Фиджи	Ливан
Гамбия	Кот-д'Ивуар	Папуа—Янги Гвинея	Филиппин	Ливия
Гана	Корея Республикаси	Парагвай	Хорватия	Маврикий
Гватемала	Лаос	Перу	Хиндистон	Греция
Гвинея	Латвия	Польша	Хитой	
Гвинея-Бисау	Гондурас	Гренада	Грузия	

Аъзоликка номзодлар: Бруней, Украина, Югославия.

Халаро Молия Корпорацияси

Корпорация Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки филиали сифатида 1956-йилда ташкил топган. Халқаро молия корпорацияси мустақил юридик шахс ҳисобланади. У жаҳон банки гуруҳига қирувчи БМТ ташкилоти тизимидаги махсус муассасадир.

Мақсади:

Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг мақсадларини тўлдирган ҳолда аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш. Унга 170 та давлат аъзо.

Тузилиши:

- а) Бошқарувчи кенгаш
- б) Директор
- с) Президент
- д) Ижрочи вице президент
- е) Банк маслахат комиссияси, ишбилармонлар учун маслахат кўмитаси

Комиссиянинг юқори органи бўлиб бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Корпорация президенти халқаро банк президенти ҳисобланади. Ижро этувчи вице президент умумий бошқарув ва жорий операцияларга жавобгар. Қарор қабул қилиш ва режалаштириш жараёнида менежерлар гуруҳига суянади. Менежерлар гуруҳига 7 та вице президент ҳам киради. Шулардан 3 та президент жорий операцияларга масъул. Бундан ташқари ҳар бир вице президент маълум бир йўналишни бошқаради. Умумий иш 5 та регионал ва 4 та тармоқ департаментларига бўлинади.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўптомонлама агентлик. (МАИГ)

1988 йилда ташкил топган Инвестиция кафолатлари бўйича кўптомонлама агентлик жаҳон банкининг филиали сифатида, аммо у молия жиҳатидан мустақил ҳисобланади. Унинг бюджети аъзо мамлакатлар бадалларидан ташкил топган. Ташкилотнинг устав капитали \$1млрд.дан ошиқ. ИКБКАни ташкил этиш тўғрисидаги конвенция 1985 йил 11 октябрда Вашингтонда имзоланган. Унинг штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган.

Инвестиция кафолатлари бўйича кўптомонлама агентлик инвесторларни турли ҳил ҳолатларда ўз маблағларини олиб чиқиш бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал этади. Бироқ агентлик турли ҳил молиявий рисклар вужудга келган тақдирда инвесторларни ҳимоя қилмайди.

Мақсади:

- аъзо давлатлар айниқса ривожланаётган мамлакатлар ривожланаётган ва аъзо давлатлар ўртасида инвестиция оқимиға кўмаклашиш тадбирлари орқали ёрдам бериш ва нотижорий рисклардан аъзо давлатларнинг бирида капитални жойлаштириш кўринишида биргаликда суғурталаш йўли билан, ишлаб чиқариш мақсади учун киритилаётган инвестицияларни кафолатлаш орқали рағбатлантириш.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши.
2. Директорат, Директорат Раиси.
3. Бажарувчи вице-президент.

Агентликни олий органи Бошқарувчилар Кенгаши ҳисобланади. Кенгаш аъзо давлатларнинг ҳар биридан биттадан бошқарувчилар ва уларнинг ўринбосарларидан ташкил топган. Кенгаш раиси бошқарувчилардан тайинланади.

Директорат Агентликни фаолиятига жавобгар 20 та директордан (ҳар бирида биттадан ўринбосарлари) ташкил топган. Директорат раиси МБРР президенти ҳисобланади.

Агентликни Бажарувчи вице-президенти Директорат томонидан сайланади.

Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича халақро марказ ўз фаолиятини аъзо давлатлар ўртасида имзоланган Конвенцияга асосан олиб боради. Ҳозирда марказга 143та давлат аъзо. Марказ Инвестиция низоларини тартибга солишда арбитраж вазифасини бажаради.

3.2.Халаро валюта фонди.

Бу фонд АҚШнинг Вашингтон штатида жойлашган. 1944-йил Бреттон Вудсда Валюта Молия конференциясида “Халқаро валюта фонди” тўғрисида келишув деб қўйилди. 1945-йилда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки билан биргаликда Халқаро валюта фонди яратилиши белгиланди. 1946-йилда БМТнинг махсус муассасаси сифатида фонд иш бошлади.

Фонднинг мақсадлари:

- Валюта муаммолари бўйича консултациялар бериш халқаро валюта бўйича ёрдам бериш
- Халқаро савдони ўсиши ва кенгайишига шароит яратиш бериш
- Аъзо мамлакатларнинг халқаро тўлов балансини давомий дефицитидан қисқартириш
- Халқаро савдони ривожланишига таъсир қилувчи ва уни алмаштириш бўйича чекловларни бартараф этиш
- Тўлов учун кўп томонлама тизим яратишга ёрдам бериш

Фонднинг функциялари:

- Халқаро валюта тизимида кузатиб бориш
- Валюта курсларини алмаштириш жараёнини стабиллаштиришга ёрдам бериш

- Узоқ ва ўрта муддатга кредитлар бериш
- Аъзо давлатлар валюта резерфларини тўлдириш
- Ҳамкорлик қилишга консултациялар бериш

Фондга 186 та мамлакат аъзо Ўзбекистон ҳам.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар кенгаши
2. Вақтинчалик қўмита ва ривожланиш бўйича қўмита
3. Директорлар кенгаши
4. Директор-тақсимловчи

Фонд олий органи бўлиб бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. У бошқарувчилар ва унинг ўринбосарларидан ташкил топган. Улар 5 йил муддатга сайланади. Бошқарувчилар ва уларнинг ўринбосарлари одатда молия вазирлари ёки марказий банк бошқарувчилари бўлишади. Кенгаш бир йилда бир марта йиғилади. Вақтинчалик қўмита 24 та аъзодан иборат. Улар йилига 3 марта мажлислар ўтказишади.

3.3. Халқаро ҳисоб китоблар банки.

Ушбу ташкилот халқаро валюта ҳамкорлиги доирасида энг қадимий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бир тарафдан халқаро ҳисоб китоблар банки акционерлик компаниясининг тизимига эга.

Мақсади:

1. Халаро молиявий операциялар учун қўшимча ижобий шарт шaroитлар яратилишини таъминлаш
2. Халаро ҳисоб китобларда молиявий агент рўлида иштирок етиш ҳамда тарафлар томонидан ўйилган мажбуриятларни бажариш

Бошқарув ҳолати:

Банк операциялари иштирокчи мамлакатлар валюта сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим. Банк операциялари ўз ҳисобидан олтин ва олтин алмаштириш стандартига жавоб берувчи валюталарда амалга оширилиши лозим. Директорлар кенгаши банк операциялари таснифини аниқлаб беради. Банкнинг марказий банклар билан операциялари банкирлар кооператив бирлашмалар ва алоҳида исталган аъзо мамлакатдаги алоҳида шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Агарда ушбу мамлакат марказий банкнинг бунга қаршилиги бўлмаса. Халқаро шартномалар бўйича ҳисоб китобларни йенгиллаштириш мақсадида банк маҳсус келишувларга киришиши мумкин. Банк тақдим этувчига тўловни амалга оширувчи банкноталарни эмиссия қилишга эга эмас. Ўтказма векселларни

аксептлаш мамлакатларга ссудалар ажратиш ҳукуматлар учун жорий ҳисоб рақамларини очиш ташкилотлар назоратини сотиб олиш кўчмас мулкга узоқ муддат давомида эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Банк фаолиятини бошқариш ликвидликни сақлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Аъзо мамлакатлар 33 та.

Тузилиши:

- а) Умумий йиғилиш
- б) Директорлар кенгаши
- с) Банк президенти
- д) Маъмурият

3.4. Ислон Тараққиёт ва Тикланиш Банки

Саудия Арабистонида жойлашган бўлиб 1947-йилда Ислон Тараққиёт банки яратилиши Ислон конференциясига аъзо 23 та давлатлар томонидан Жидда шаҳрида 1923-йилда имзоланди.

Мақсади:


Иқтисодий ривожланишга иқтисодий ўсишга аъзо давлатларни ва мусулмон халқларини шариат қонун қоидалари бўйича ёрдам бериш

Функциялари:

- а) Акционер капиталга инвестиция киритиш
- б) Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва проектларни кредитлаш
- с) Аъзо мамлакатларга иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бошқа кўринишларда ёрдам бериш
- д) Мусулмон бўлмаган давлатларда мусулмонларга, мусулмон йиғинларига аниқ мақсадларга эришиш учун яратилган фондларни бошқариш. Аъзо давлатлар 47 та.

3.4.1-расм

Ислон ривожланиш банки иштирокчи-мамлакатлари сонининг ўсиши



Тузилиши:

- а) Бошқарувчилар кенгаши
- б) Бажарувчи директорлар кенгаши
- с) Котибят
- д) Банк президенти
- е) Витце президентлар
- ф) Худудий бўлимлар


Ҳар бир аъзо мамлакат бошқарувчилар кенгашида битта бошқарувчи бир бошқарувчи ўринбосарини тақдим этади. Одатда у магистр рангида бўлади. Кенгаш йилда бир марта йиғилади. Олдинги йил ва бу йил мақсадларини кўриб чиқиш учун. Бажарувчи директорлар кенгаши 11 та аъзодан иборат. Уларнинг 5 таси (Саудия Арабистони, Қувайт, Ливия, Туркия, Б.А.А.) Булар банк томонидан энг йирик акционерлар бўлиб тайинланади. Улар ўз ўринларида 3 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мумкин. Кенгаш банкнинг умумий фаолиятига бошқарувчилар фаолиятига ва молиявий операцияларга жавоб беради. Администрация банк президенти, вице президентлардан ташкил топган. Улар банк оператсияларига молиявий бухгалтер резервларига жавобгардир. Секретариат президент бошқарувчилар кенгаши томонидан 5 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мумкин. У банкнинг энг юқори органи ҳисобланади ва банкнинг юзи ҳисобланади. Шу билан бирга бажарувчи директорлар кенгаши бошқарувчиси ҳам ҳисобланади.

Маъмурият 2 та худудий бўлим очган:

- а) Работ Марокаш
- б) Куала Лумпур Малайзия

Молия манбалари асосан устав капиталидан ва қўшимча молия воситаларидан иборат. Банк молия операцияларини кенгайтиришидан қўшимча молия манбаларини келишини таминлайди.

3.4.2-расм



ИРБнинг асосий акционерлари:

а) 1980-йил инвестиция депозит режасини амалга оширила бошлади,бу эса муддатли инвестиция йўли билан банкни молиялаштириш учун иштирок этади.Бу Ислом давлатлари учун алтернатив ёрдам ҳисобланади.Бу тизим билан банк маълум маблағ кўувчилар томонидан ва шунингдек ташкилотлар томонидан депозитлар қабул қилади ва бу “импортни молиялаштириш бўйича операция” программасини рўёбга чиқариш учун қўлланилади.

б) 1987-йилда банк томонидан тасдиқланган капитални ўзлаштириш мақсадида Ислом банки портфели ташкил этилди.У аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини лизинг ва қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш учун қабул қилинди.Ислом шариатига кўра бунга қарз бўлган воситалари кирмайди.

с) 1988-йилда анъанавий бўлмаган товарларни экспортини кенгайтириш учун импортни молиялаштириш программасини тўлдириш учун ва савдони узоқ муддатга молиялаштириш мақсадида аъзо мамлакатлар бошқа аъзо мамлакатларга экспорт қилиш учун 6 ойдан 60 ойгача бўлган оралиғида молиялаштириш амалга оширила бошлади.

д) 1989-йилда алоҳида инвестицион фонд қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш учун ва уларни шариат қонунлари асосида инвестиция қилиш учун ташкил этилди. Ислом динари банк ҳисоб бирлиги ҳисобланади.Банк фаолияти ишлаб чиқариш йўналишига ва корхоналар проектлар учун инвестиция ва заёмлар бериш сифатида

иштирок этади ва шунингдек иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун молиявий ёрдам кўрстиш билан шуғулланади.

Фаолият йўналиши:

Инфраструктура (йўл,алоқа,мактаблар ва хоказо) миқёсида проектларни молиялаштириш ва заёмлар бериш. Ишлаб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалик корхоналарига капиталида иштироки билан, проектларни молиял этади.Банк проектларини ривожланишида қикса ва ўрта муддатли молиялаштириш тизимини импорт соҳасида ишлаб чикди ва экспортни қўллаб қувватлаш мақсадида узоқ муддатли молиялаштиришни ишлаб чикди.

Махсус ёрдам счёти қуйидагиларга мўлжалланган:

1.Аъзо малакатлар иқтисодий ўзгаришларда банк ва молия тизимларида йўлга қўйишда профессионал ўқитишлар ва изланишлар олиб боришларига ёрдам бериш мақсадида молиялаштирилиши, табиий офатларда аъзо давлатлар ва Ислом давлатларига йиғинларига товар ва хизматларни етказишга ёрдам бериш.Ислом эътиқодини қўллаб қувватлашга молиявий ёрдам кўрсатиш банк аъзоси бўлмаган Ислом йиғинларини иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилашга молиявий ёрдам кўрсатиш.

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон банки гурухи. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР)
2. Халқаро ривожланиш ассоциацияси (МАР)
3. Халқаро молия корпорацияси (МФК)
4. Инвестиция кафолатлари бўйича агентлик (МАИГ)
5. Халқаро валюта фонди (МВФ)
6. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (МБР)
7. Ислом тараққиёт банки (ИБР)

4-мавзу. Жаҳон савдосини тартибга солиш тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар

1.Савдо ва иқтисодий муносабатларни моҳияти ва ривожланиш босқичлари

2.Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш механизими, моҳияти ва мақсади

3.Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар таснифи

4.Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ анжумани (ЮНКТАД)

5.Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО)

4.1.Савдо ва иқтисодий муносабатларни моҳияти ва ривожланиш босқичлари

Давлатлараро даражадаги тартибга солиш ўзида турли мамлакат ҳукуматлари томонидан биргаликда иштирокчи-мамлакатларнинг манфаатларини акс эттирувчи иқтисодий сиёсат ва амалиёт соҳасидаги қабул қилинадиган компромисс асосдаги келишувлар (ҳуқуқий ҳолатлар, меъёрлар, жараёнлар, келишилган ўзаро мажбуриятлар, тавсияномалар)ни ифода этади. Тартибга солиш манфаатдор давлатлар орасидаги жаон хўжалиги алоқаларининг кейинги ривожланишига (хусусан, бозорга чиқиш режимининг барқарорлиги ва истиқболлашнинг аниқлигига эриши орқали) таъсир этувчи, аниқ шарт-шароитарни яратишга йўналтирилади.

Замонавий шароитларда жаҳон савдосининг кўптомонлама тартибга солинишининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- Манфаатдор давлатлар томонидан савдо-иқтисодий муносабатларнинг, муҳим тамойил ва меъёрларни қўшган ҳолда, шартномавий-ҳуқуқий асосларини ташкил этиш
- Миллий даражада савдо-сиёсий жаҳон хўжалиги алоқаларига таъсир этиш воситалар мажмуи келишувларининг ишлаб чиқиш
- Иштирокчи-давлатлар, улар бирлашмалари ва гуруҳлари ўртасида вужудга келадиган келишувларга ва баҳсли муаммоларни ҳал этишга эришиш учун кўмаклашувчи халқаро институтларни шакллантириш ва кейинги ривожлантирилиши
- Савдо-иқтисодий алоқаларини ташкил этишда ахборот ва тажрибаларни алмашиш

Кўптомонлама тартибга солишнинг ривожланишида бир неча босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи босқич XX аср бошидан Иккинчи жаҳон урушигача давом этди, ҳамда бунда халқаро савдонинг ривожланиш муаммоларини ҳал этиш бўйича муайян механизмни яратиш борасида кўп сонли уринишлар амалга оширилганига қарамасдан омадсиз бўлди. Буни етакчи саноати ривожлан давлатларнинг манфаатлари орасида компромиссга эришиш учун умумий базанинг йўқлиги билан изоҳланади.

Иккинчи босқич урушдан кейинги йилларни қамраб олади ва бунда давлатлараро асосда иқтисодий муносабатлар тизими йўлга қўйила бошлади ва ривожланишга тушди, ушбу тизимнинг амалга оширилиш механизми ишлаб чиқилди.

50-60 – йилларни ўз ичига олган учинчи босқичда кўптомонлама тартибга солишнинг объекти сифатида моддий-ашёвий шаклдаги товарлар, асосан саноат маҳсулотлари ва хом-ашёлар, импорти кўрилди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги товарлари билан савдо ва экспортни ривожлантириш бўйича давлат кўмаги борасидаги муаммолар кўптомонлама тартибга солиш соасидан четда қолди.

70-йилларни қамраб олган тўртинчи босқичда кўптомонлама тартибга солиш тизими бир неча ўзгаришларни бошидан кечирди. Бу жаҳон хўжалиги тузилмасидаги сезиларли силжишлар билан изоҳланади. Яъни трансмиллий компаниялар доирасида ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувидан келиб чиқувчи ишлаб чиқаришнинг техник характери билан ушбу жараёнларни характерлашимиз мумкин.

Ниҳоят ҳозирги босқичда кўптомонлама тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлди ва давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг турли соҳаларига тарқала бошлади. Бу ишлаб чиқаришнинг нафақат фирма ичида, шунингдек фирмалараро даражада ҳам ихтисослашуви ва кооперациясига асосланган ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашув жараёнларининг кучайиши; жаон товарлар бозорида рақобатнинг кескин зўрайиши; миллий иқтисодиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқлигининг кучайиши; янада кўплаб мамлакатлар доирасига тарқалаётган фан-техника тараққиётининг тезлашиши билан изоҳланади.

Жаҳон товарлари бозоридаги кўптомонлама тартибга солиш хом-ашё товарлари ишлаб чиқарувчи, экспортёр ва импортёр мамлакат ҳукуматлари томонидан жаҳон товарлар бозорларини халқаро механизмлар ва мос ташкилий шаклларни яратиш орқали

барқарорлаштиришга йўналтирилган келишув асосидаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширилишини назарда тутати.

Жаҳон товарлар бозорини кўптомонлама тартибга солишнинг мақсадлари:

- Хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқиш ва истеъмолини пропорционал ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш
- Хом-ашё товарлари билан халқаро савдода қатнашувчи, экспортёр ва истеъмолчиларнинг жаҳон бозорига чиқишларидаги сиёсатини мувофиқлаштириш; нархларни барқарорлаштириш; хом-ашё ва тайёр саноат маҳсулотларига ўзаро маъқул бўлган нархлар нисбатини ўрнатиш йўли билан меъёрга келтириш.

Бозорини кўптомонлама тартибга солиш механизми у ёки бу товар бўйича савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Конференцияси (ЮНКТАД) остида ёки унинг доирасида ишлаб чиқилган ва юритилаётган ҳукуматлараро тузилган келишувларни истеъмолчи ва экспортёр мамлакатлар ҳукуматлараро келишувлар тузишини назарда тутати. ЮНКТАД доирасида ишлаб чиқилган ва юритилаётган ҳукуматлараро келишувлар Халқаро тадқиқот гуруҳи (МИГ) фаолиятида ва Халқаро товар келишуви (МТС) асосида амалга оширилади. Уларнинг мақсади ҳукуматлараро даражада халқаро савдода муҳим бўлган хом-ашё товарлари (дон, шакар, каучук, пахта, рангли металлар, какао, кофе, ёғ-дон) бўйича кўптомонлама ҳамкорликни таъминлаш.

Халқаро товар келишуви (МТС)нинг асосий мақсадлари:

- Аниқ товарни истеъмоли ва ишлаб чиқариш ҳамда халқаро савдо билан боғлиқ муаммони кўрсатиш ва таҳлил қилиш;
- Товар бўйича жаҳон бозори конъюктурасини ўрганиш, иштирокчиларни доимий равишда бозор ҳолати бўйича хабар бериш;
- Статистик маълумотларни йиғиш ва нашр этиш ҳамда бозор ва иқтисодий обзорларни тайёрлаш;
- Берилган товар савдо муаммолари бўйича кўптомонлама маслаҳатларни уюштириш;
- Хом-ашё етиштирувчи мамлакатларда экспорт имкониятларини мустаҳкамлаш ва етиштиришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; тегишли инфротузилмани ривожлантириш; хом-ашёни тақсимланиши ва маркетингда, етиштирувчиларни қайта ишлашда мамлакатлар иштирокини кенгайтиришга кўмаклашиш; атроф-муҳитни муҳофазасини

яхшилаш; аниқ хом-ашё товари бўйича иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини таҳлил қилиш ҳамда хом-ашё етиштирувчи мамлакатлар ҳукуматларига тавсиялар бериш.

4.2. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар

Халқаро товарлар ташкилоти (МТО) деб номланувчи жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича ҳукуматлараро ташкилотларга қуйдагилар киради:

- Халқаро ташкилотлар,
- Халқаро кенгашлар,
- Халқаро маслаҳат қўмиталари,
- Халқаро тадқиқот гуруҳлари.

Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар таснифи



Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ анжумани (ЮНКТАД)

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга ҳозирги кунда 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хом-ашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

4.3. Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО)

Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БСТ) 1995 йилнинг 1 январидан ташкил топди. БСТ кўп томонлама савдо тизимларининг ҳуқуқий ва институтчионал асосидир. У муҳим шартнома мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари ҳукуматларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташқи савдони бошқаришни аниқлаб беради. БСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади. БСТ келишуви халқаро савдонинг янги қонуниятларини, Уругвайдаги кўп томонлама музокаралар жараёнида эришилган битимларни умумий идорага жамлашни қамраб олади. Бу қоидалар ГАТТ доирасида 125 та мамлакат иштирокида етти йил давом этган ва 1993 йилнинг 15 декабрида Уругвайда тугаган кўп томонлама музокаралар натижасидир. Вазирлар 1994 йил апрелда Марокашдаги мажлисда яқунловчи актни имзоладилар. 15 апрелдаги “Марокаш декларацияси” шунини тасдиқладики, Уругвай раунди натижалари жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлаб, савдо ва капитал қўйилмаларини, бандликни либераллаштириб, бутун жаҳонда тушумларни кўпайтиришга олиб келади. ГАТТ-БСТнинг қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни химоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам БСТга аъзо мамлакатлари

ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан химоя қилиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали химоя қилишни талаб этади. Бу тамойлани амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2. “Тарифларни алоқалаш”. Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-қувватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

3. “Энг қулай режим.” ГАТТ нинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Ҳеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. “Миллий режим”. Агар афзал кўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қонунларида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичида ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилиши керак.

БСТ бутунжаҳон савдо тизимининг ягона ҳуқуқий ва институтчионал асоси ҳисобланади. Бутун жаҳон Савдо Ташкилотининг ГАТТдан фарқи. БСТ нафақат ГАТТнинг давомчиси, қолаверса ўзига хос характерга эга.

Орадаги асосий фарқлар қуйидагилар иборат:

- ГАТТдан фарқли ўлароқ БСТ ўзининг шахсий секретари билан доимий ташкилот ҳисобланади.
- БСТнинг фаолият доираси ГАТТга нисбатан анча кенг. Кўп томонлама савдо тизимида хизматлар билан савдо қилиш, тижорий фаолият қўшилди. Интеллектуал мулк химояси ҳам шулар жумласидандир.

- БСТга аъзо-мамлакатлар аниқ мажбуриятларни олиб бирлашган битимлар тўпламини ўзида акс эттиради. Бундан фарқли, ГАТТ ўз ичига битимлар рўйхатини олади. Мисол учун демпингга қарши чекловлар, субсидиялар бўйича давлатларнинг чекланганлиги ва бошқалар.

- БСТ негизида 1947 йилдаги ГАТТнинг ўзгарган версияси (бу версия ГАТТ деб 1994 йилда қабул қилинган) ва барча янги битимлар серияси ётади. ГАТТнинг 1994 йилдаги товарлар савдоси доирасида камситишсиз қонуний савдо қилиш, ички бозорга импорт қилиш ва хусусий маҳсулотлар учун мувозанатлашган савдо режими ётади. БСТ доирасида, янги битимларга мувофиқ умумий тамойилларнинг муҳим соҳалари(хизматлар билан савдо қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти, ўлчовлари) кенгайтирилмоқда.

- БСТ иқтисодиётнинг “сезиларли” ҳудудларидаги алоқаларни химоялаш имкониятини ўзида сақлаб қолади. Бу битимлар доирасида текстил ва тайёр кийим-кечаклар савдосидаги экспорт чекловлари олиб ташланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ислоҳ қилинди.

4.3.1- жадвал

Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар

Австралия	Болгария	Гамбия	Европа Иттифоқи	Камерун	Маврикий	Монголия	Перу	Словакия	Украина	Шри-Ланка
Австрия	Боливия	Гана	Египет	Канада	Мавритани я	Мьянма	Польша	Словения	Уругвай	Эквадор
Албания	Ботсвана	Гватемала	Жибути	Кения	Мадагаскар	Намибия	Португалия	Бирлашган Қироллик	Фиджи	Эстония
Ангола	Бразилия	Гвинея	Замбия	Кипр	Макао	Непал	Корея Республика си	Соломонов Ороллари	Филиппи н	Ямайка
Антигуа ва Барбуда	Бруней	Гвинея- Бисау	Зимбабве	Колумбия	Македония	Нигер	Руанда	Суринам	Финлянд ия	Япония
Аргентина	Буркина Фасо	Германия	Израиль	Конго	Малави	Нигерия	Румыния	Сьерра- Леоне	Франция	Янги Зеландия
Армения	Бурунди	Гондурас	Индонезия	Коста- Рика	Малайзия	Нидерлан д	Сальвадор	Таиланд	Хорватия	Қатар
АҚШ	БАА	Гонконг	Иордания	Кот- д'Ивуар	Мали	Никарагу а	Саудия Арабистон и	Тайвань	Индия	Қирғизис тон
Бангладеш	Венгрия	Гренада	Ирландия	Куба	Мальдив	Норвегия	Свазиленд	Танзания	Китай	Қувайт
Барбадос	Венесуэл а	Греция	Исландия	Латвия	Мальта	Оман	Сенегал	Того	Чад	КДР
Бахрейн	Вьетнам	Грузия	Испания	Лесото	Марокаш	Пакистан	Сент- Винсент ва Гренадин	Тринидад ва Тобаго	Чехия	ЖАР
Белиз	Габон	Дания	Италия	Литва	Мексика	Панама	Сент-Китс ва Невис	Тунис	Чили	МАР
Бельгия	Гаити	Доминика	Кабо-Верде	Лихтеншт ейн	Мозамбик	Папуа — Янги Гвинея	Сент- Люсия	Туркия	Швейцар ия	
Бенин	Гайана	Доминикан Республика си	Камбоджа	Люксемб ург	Молдавия	Парагвай	Сингапур	Уганда	Швеция	

БСТнинг мақсадлари :

- Жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлаш;
- Бутун дунёда барча кучларни савдони кенгайтиришга, инвестицияларни кўпайишига бандликни ва даромад қатламини оширишга йўналтириш.

Функциялари :

- БСТ ташкил қилувчи кўптомонлама келишувлар билан боғлиқ администрация ишлари.
- Халқаро савдони бошқариш масалалари доирасида консултациялар бериш ва жаҳон савдосини ахволини кузатиб туриш.
- Кўптомонлама келишувлар учун форум вазифасини бажариш.
- Савдо келишмовчиликларини бартараф этиш учун келишув механизмлари билан таъминлаш.
- Давлат савдо сиёсатини кузатиб бориш.
- Глобал савдо сиёсатига таъсир қилувчи бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда алоқада бўлиш

Тамойиллари (Принциплари):

- Камситишсиз савдо
- Бозорга кенгайиб борувчи ва олдиндан башорат қила оладиган кириш ҳуқуқи
- Соғлом рақобатга ёрдам бериш
- Божхона бождари орқали ёрдам бериш
- Иқтисодий реформаларни ва ривожланишни рағбатлантириш

Тузилиши:

1. Вазирлар конференцияси.
2. Савдо сиёсатини назорати бўйича Комиссия ва бахсларни бартараф этиш бўйича Комиссия сифатида иш олиб борувчи Умумий кенгаш
3. **Асосий ёрдамчи органлари:**
 - Маҳсулотлар савдоси бўйича Кенгаш;
 - Хизматлар савдоси бўйича Кенгаш;
 - Интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдоси аспекти бўйича Кенгаш;
 - Атроф мухит ва савдо бўйича Кенгаш; Ривожланиш ва савдо бўйича Кенгаш;
 - Тўлов балансини чегаралаш бўйича Кенгаш;
 - Бюджет, молия ва администрация масалалари бўйича Кенгаш.
4. Бошқа ишчи гуруҳлар, музокаралар гуруҳлари, кўмита ва комиссиялар.
5. Котибят (Секретариат).

БСТнинг бош органи бўлиб аъзо давлатлар вакилларидан ташкил топган Минстрлар Кенгаши ҳисобланади. У одатда икки йилада бир марттадан кам бўлмаган ҳолда йиғилади ва кўптомонлама савдо келишувлари масалаларига тегишли қарорларни кўриб чиқади.

Жорий ишларни бажариш учун БСТга аъзо давлатлар вакилларидан ташкил топган Умумий Кенгаш тўлиқ жавобгардир.

Бош директор ва унинг тўртта ўринбосарлари томонидан бошқариладиган Котибят ривожланаётган мамлакатлар билан музокаралар олиб боришда ва уларга техник ёрдам кўрсатишда БСТ органлари фолиятини таъминлашга тўлиқ жавобгардирлар.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёни қийин ва узок вақтни талаб қилади.

Биринчи босқичда БСТга қўшилишни хоҳловчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари БСТда кузатувчилик ҳуқуқини берувчи ариза беради. Бунда ҳукумат БСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган аспектларни тақдим этади. Бу меморандум қўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг БСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишларида ариза берган ҳукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мақсадида қизиқувчи аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида БСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ бир тарифлар беради. Ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гуруҳ асосий қўшилиш шартларини ишлаб чиқади ва йиғилиш натижасига кўра БСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди ва бу ҳужжатлар бош кенгаш ёки вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қўшилиш тўғрисидаги қарор БСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. БСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади.

Ўтказилган раундлар

Йил ва ўтказилган жой	Мамлакатлар сони	Тахлил қилинган саволлар
1947 йил Женева	23	Тарифларни пасайтириш
1949 йил Эннеси	13	Тарифларни пасайтириш
1951 йил Торкуей	38	Тарифларни пасайтириш
1956 йил Женева	26	Тарифларни пасайтириш
1960-1961 йиллар Раунд Дилена	26	Тарифларни пасайтириш
1964-1967 йиллар Раунд Кеннеди	62	Демпингга қарши, тарифларни пасайтириш
1973-1979 йиллар Токио	102	Тарифларни пасайтириш, битимларни қайта кўриш, нотариф ўлчовлар
1986-1993 йиллар Уругвай раунди	125	Тарифларни пасайтириш, нотариф ўлчовлар, хизматлар, қоидалар, интел-лектуал мулк тортишувлари, текстил маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқалар
2001 йил Доха раунди	137	Тарифларни пасайтириш, ривож-ланаётган давлатларга бериладиган имтиёзлар
2003 йил Канкун раунди	148	Тарифларни пасайтириш, қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари савдоси
2005 йил Сингапур раунди	148	Тарифларни пасайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси

Уругвай раунди янги кўп томонлама савдо тизими ташкил топишида муҳим роль ўйнайди. 1994 йилнинг 15 апрелида Марокашда (Марокко) 125 та аъзо-мамлакатларнинг вазирлари Уругвай раунди қуйидаги тизимлардан ташкил топганлигини тасдиқловчи битимни имзоладилар:

Жаҳон Савдо Ташкилоти тўғрисида Марокаш битими.

Товарлар савдоси
Хизматлар савдоси.

Тарифлар ва савдо (ГАТТ-1994) бўйича бош битим ва у билан боғлиқ бўлган битимлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзаро юк ташиш инспекцияси бўйича битим;
- Техник бартерлар ва савдо бўйича битим;
- Санитар ва фито санитар ҳолат бўйича битим;
- Инвестиция савдо аспекти ҳолати бўйича битим;
- Тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича битим;
- Қишлоқ хўжалиги бўйича битим;
- Қоидаларнинг келиб чиқиши бўйича битим;
- Хизматлар савдоси. Хизматлар савдоси бўйича бош битим (GATS)
- Интеллектуал ресурслар ҳуқуқи (IPRS). Интеллектуал ресурслар савдоси бўйича битим ўз навбатида:
- Чегараланган иштирокчилар сонига эга секториал савдо битимга;
- Фуқаро авиатехникаси бўйича битимга;
- Давлат харидорлари тўғрисидаги битимларга бўлинади.

2001 йилнинг ноябрида Доха шаҳрида (Қатар) БСТнинг 4-вазирлар конференцияси бўлди. Унинг натижасида “Доха тараққиёт тартиби” савдо музоқараларининг янги раунди босқичи тўғрисида қарор қабул қилинди.

Конференцияда дунё савдо тизимининг либерализацияси бўйича қўйидаги асосий мавзулар- хизматлар, саноат моллари савдоси тарифлари, интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо томонлари, қишлоқ хўжалигида ички қўллаб-қувватлаш ва экспортга субсидиялар бериш, “Сингапур муаммолари”, савдо ва инвестиция, рақобат борасида сиёсат, давлат харидларида транспарентлик, савдо ҳамкорлиги, савдо ва атроф-муҳит муаммолари каби мавзулар кўриб чиқилди. Бу муаммолар бўйича турли қарашлар концепцияси билан боғлиқ бўлган жаҳоннинг 148 мамлакатни савдо вазирликлари 2003 йилнинг 10-14 сентябрида Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган БСТнинг 5-вазирлар конференцияси чоғида савдо тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган ягона фикрга кела олмадилар.

1994 йилнинг июнидан бери Ўзбекистон ГАТТ-БСТ кузатувчи бўлиб келмоқда. 1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси ГАТТ-БСТга тўла аъзо бўлиши истагида ариза берди.

Ариза ижобий кўриб чиқилгандан кейин 1995 йилнинг январида БСТ томонидан аъзо бўлиш масалалари бўйича назорат гуруҳи тузилди. 1998 йилнинг сентябрида Австралия, ЕИ, Янги Зеландия ва АҚШ мамлакатлари томонидан БСТ котибиятига берилган саволларга Ўзбекистон томонидан ташқи савдо режими асосида меморандум тақдим этилди.

Ўзбекистонда БСТ самарали иш олиб бориши учун мамлакатда БСТ бўйича комиссия идораси тузилди. 2002 йилнинг 17 июлида Женевада (Швейцария) Ўзбекистон Республикасини БСТга аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқиш учун шу гуруҳнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда асосан Ўзбекистон Республикасини ташқи савдо режими бўйича меморандуми ҳолати кўриб чиқилди.

Шу гуруҳнинг раиси бўлиб 2002 йилда жаноб Алехандро Дел Ла Пенъени ўрнига келган жаноб М.Супер Аманиам (Малайзия) иш олиб борди. Бу мажлиснинг якуни сифатида БСТга аъзо мамлакатлар АҚШ, Австралия, Жанубий Корея Республикасининг вакиллари томонидан меморандумга ёзма саволлар ва шарҳлар тақдим этилди.

Шунингдек ЕИ, Канада ва Швейцария вакиллари томонидан эса божхона тарифларини туширилиши талаб қилинди. Хуллас, ҳозирги кунда кўриб чиқилган меморандум масалалари бўйича Ўзбекистоннинг ТИАИСВнинг структуравий бўлинмалари, шунингдек бошқа вазирлик ва республика идоралари томонидан қизгин тайёрганлик ишлари олиб борилмоқда.

БСТга кириш учун муҳим бўлган акт материалларини тайёрлаш мақсадида республика вазирлигида қуйидаги ишчи гуруҳлар ташкил этилди:

- Санитар ва фитосанитар чоралар кўриш ва савдода техник бюролар бўйича БСТ битими доирасидаги тасвирий муаммолар рўйхатини тузиш;

- Қишлоқ хўжалигида экспорт субсидиялар ва ички қўллаб қувватлаш тўғрисида ахборот тайёрлаш;

- Интеллектуал мулк ҳуқуқи савдо аспекти бўйича БСТ битими доирасида ахборот тайёрлаш;

- Товарларга тариф беришлари ва хизматларга мажбуриятлар бўйича таклифлар тайёрлаш;

- БСТ битимига мувофиқ миллий қонун чиқаришга ўзгартиришлар киритиш;

- Ўзбекистоннинг БСТга кириш тўғрисидаги чақириқда иқтисодиётнинг турли секторларида бўладиган натижаларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

Назорат учун саволлар:

1. Савдо ва иқтисодий муносабатларни моҳияти ва ривожланиш босқичларини таснифлаб беринг.
2. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш механизими, моҳияти ва мақсади қандай?
3. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар таснифи ?
4. Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ анжумани (ЮНКТАД)
5. Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО)
6. БСТга аъзо бўлиш босқичларини характерлаб беринг.
7. ГАТТ қандай ташкилот ?

5-мавзу. Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича ҳукуматлараро ташкилотлар

1. Нефть маҳсулотлари бозорини тартибга солиб турувчи халқаро ташкилотлар
2. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича халқаро ташкилотлар (МОК, МОКК, МОС, МСОМ, МСЗ)
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибга солувчи ташкилотлар

Жаҳон товарлари бозоридаги кўптомонлама тартибга солиш хом-ашё товарлари ишлаб чиқарувчи, экспортёр ва импортёр мамлакат ҳукуматлари томонидан жаҳон товарлар бозорларини халқаро механизмларни ва мос ташкилий шаклларни яратиш орқали барқарорлаштиришга йўналтирилган келишув асосидаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширилишини назарда тутди.

Жаҳон товарлар бозорини кўптомонлама тартибга солишнинг мақсадлари:

- Хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқиш ва истеъмолини пропорционал ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш
- Хом-ашё товарлари билан халқаро савдода қатнашувчи, экспортёр ва истеъмолчиларнинг жаҳон бозорига чиқишларидаги сиёсатини мувофиқлаштириш; нархларни барқарорлаштириш; хом-ашё ва тайёр саноат маҳсулотларига ўзаро маъқул бўлган нархлар нисбатини ўрнатиш йўли билан меъёрга келтириш.

Хом-ашё ишлаб чиқарувчи ва экспортёр мамлакатларнинг ҳукуматлараро ташкилотлари 60-йилларда асосий хом-ашё етказиб берувчи мамлакатларнинг ташаббуслари асосида, уларнинг табиё ресурслар устидан миллий назоратини мустаҳкамлаш ва хом-ашё товарлар бозоридаги нархларни барқарорлаштириш мақсадларида ташкил этила бошлади. Ҳозирда нефть, мис, боксит, темир рудаси, симоб, вольфрам, қалай, кумуш, фосфат, табиий каучук, тропик жинсидаги ёғоч, тери, кокос маҳсулотлари, жут, пахта, мурч, какао, кофе, чой, шакар, банан, ерёнғоқ, цитрус мевалар, гўшт ва ўсимлик ёғи экспортёрлари давлатлараро ассоциациялари мавжуд. Товар ассоциациялари ҳисобига жаҳон экспортининг тахминан 20 % ҳамда хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилишининг 55 % тўғри келади.

5.1. Мамлакатлар нефть сиёсатини тартибга солиб турувчи халқаро ташкилотлар

Нефть экспортёри мамлакатлари ташкилоти

ОПЕС – халқаро ҳукуматлараро ташкилот (шунингдек “картель” деб ҳам аталади) бўлиб, нефтнинг нарҳини барқарорлаштириш мақсадларида нефт ишлаб чиқарувчи йирик давлатлар томонидан ташкил этилган. Аъзолари 12та: Иран, Ирак, Кувейт, Саудия Арабистони, Венесуэла, Катар, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жазоир, Нигерия, Эквадор ва Ангола. Штаб квартира – Венада жойлашган. Бош котиб (2007 й.дан) – Абдалла Салем аль-Бадри.

ОПЕК 1960 йил 10-14 сентябрдаги Бағдод анжуманида ташкил этилган. Дастлаб ташкилотга Эрон, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони ва Венесуэла (ташаббускор) кирди. Кейинчалик яна 9 таси қўшилди: Катар (1961), Индонезия (1962—2008, 1 ноябрь 2008 й.да ОПЕКдан чиқди), Ливия (1962), Бирлашган Араб Амирликлари (1967), Жазоир (1969), Нигерия (1971), Эквадор (1973—1992, 2007), Габон (1975—1994), Ангола (2007).

Мақсадлари:

- аъзо мамлакатлар нефт сиёсатини мувофиқлаштириш ва бир ҳиллаштириш (унификация);
- уларнинг қизиқишларини индивидуал ва коллектив ҳимоя воситаларини кўпроқ эффективли бўлганини аниқлаш;
- тебраниш натижасида ва зарар етказмаслик натижасида жаҳон нефт бозорида нарҳини барқарорлигини таъминловчи усул ва воситаларини излаш;
- Доимий равишда нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қизиқишларини инобатга олган ҳолда керакли равишда эътибор қаратиш ва қуйидагиларни таъминлаши лозим:
 - нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар даромадини барқарорлиги;
 - истеъмолчи мамлакатларни эффектив, рентабел ва мунтазам таъминлаш;
 - нефт саноатига қилинган инвестицияларидан одилона фойда кўриш;
 - хозирги ва келажак авлодни ўйлаган ҳолда атроф муҳитни ҳимоя қилиш.

Тузилиши:

1. Конференция, қўмиталар.

2. Бошқарувчилар Кенгаши.
3. Котибият, Бош котиб.
4. ОПЕК иқтисодий комиссияси.


ОПЕК аъзо-давлатлари жаҳон нефть захираларининг 2/3 қисмини назорат қилади. Уларнинг ҳиссасига умумжаҳон нефть ишлаб чиқаришнинг 40 %и ва жаҳон экспортининг ярми тўғри келади.

ОПЕК «саватчаси» 1861 – 2007 йиллар

ОПЕК “саватчаси” термини 1987 йил 1 январда расман киритилган ва “саватча” нархи қуйидаги нефт сортларининг физик нархлари ўртача арифметик кўрсаткичи сифатида аниқланади: : Arab Light (Саудия Арабистони), Basra Light (Ирак), Bonny Light (Нигерия), Es Sider (Ливия), Girassol (Ангола), Iran Heavy (Иран), Kuwait Export (Кувейт), Merey (Венесуэла), Murban (БАА), Oriente (Эквадор), Qatar Marine (Катар), Saharan Blend (Алжир).

6.1.1- расм

ОПЕК «саватчаси»



1861 – 2007 йиллар

ОПЕК квотаси

Кунига минг баррел			
Мамлакат	Квота (01/07/05)	Қазиб олиш (01/07)	Қазиб олиш имконияти
Жазоир	894	1 360	1 430
Ангола	1 900	1 700	1 700
Эквадор	520	500	500
Эран	4 110	3 700	3 750
Ирак		1,481	
Қувайт	2 247	2 500	2 600
Ливия	1 500	1 650	1 700
Нигерия	2 306	2 250	2 250
Қатар	726	810	850
Саудия Арабистони	10 099	8 800	10 500
БАА	2 444	2 500	2 600
Венесуэла	3 225	2 340	2 450
ЖАМИ	31 422	30 451	32 230

Араб Нефть Экспортёр-Мамлакатлар Ташкилоти

ОАРЕС-доимий фаолият юритувчи халқаро ташкилот.У 11 та аъзога эга: Жазоир, Бахрейн, Миср, Ирак, Кувейт, Ливия, Катар, Саудия Арабистони, Сурия, Тунис ва БАА. Штаб квартираси – Қувайтда

Мақсадлари:

- Нефт ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий фаолиятнинг турли ҳил кўринишларида ҳамкорлик қилиш;
- Аъзо давлатларнинг шу соҳа бўйича индивидуал ҳамда коллектив ҳолда ҳуқуқий томонларини ҳамоя воситалари ва йўллари аниқлаш;
- Нефт етказиб беришни тенг ва одилона таъминлаш бўйича кучларни бирлаштириш;
- Аъзо давлатлар нефт ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида техник тажрибани ўргатиш ва капитал киритиш учун яхши муҳит яратиш.

Тузилиши:

- Вазирлар Кенгаши.
- Бажарувчи бюро.
- Арбитраж суди.
- Котибият.

Фаолияти:

ОАПЕК қуйидаги :

- 1972 йилда Қувайтда ташкил этилган Араб нефт денгиз траспорти компанияси;
- 1973 йилда Бахрейнда ташкил этилган кемасозлик ва кемалар таъмири Араб компанияси;
- 1974 йилда Дамманда ташкил этилган нефт ишлаб чиқариш соҳасига инвестиция бўйича Араб компанияси;
- 1974 йилда Боғдодда ташкил этилган нефт ишлаб чиқариш соҳаси бўйича хизмат кўрсатиш Араб компанияси;
- 1978 йилда Боғдодда ташкил этилган нефт бўйича мутахассислар тайёрловчи Араб институти, молиявий таъминотчиси ҳисобланади.

6.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича халқаро ташкилотлар (МОК, МОКК, МОС, МСОМ, МСЗ)

Халқаро товарлар ташкилотлари (МТО) деб номланувчи Жаҳон товарлар бозорини тартибга солиш бўйича ҳукуматлараро ташкилотларга қуйдагилар киради:

Халқаро ташкилотлар

Халқаро Кенгашлар

Халқаро консултатив қўмиталар

Халқаро тадқиқотлар группаси ва бошқалар.

Халқаро товарлар ташкилоти асосан халқаро товарлар соҳасида шартномаларни, шунингдек жаҳон товарлар бозорининг ахволини (ривожлантириш муаммолари, талаб ва таклиф) ўрганеди. Хозирги кунда БМТ тизимида Кофе, какао, табиий каучук, шакар дон маҳсулотлари бўйича халқаро товарлар ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Халқаро ташкилотларнинг ташкилий бошқарув структураси таркибига Халқаро Кенгаш, Ижроя Қўмита ва директорлардан иборат.

Халқаро ташкилотларнинг энг Олий органи Кенгаш ҳисобланади.

Какао бўйича халқаро ташкилот (МОКК)

1972 йилда ташкил топди. 1996 йилда ташкилот таркибида 16 та экспартер ва 21 та импортёр давлатлар (Россия ҳам) ва шунинг ЕҲ давлатлари ҳам мавжуд бўлган.

МОККнинг мақсади:

- Жаҳон иқтисодиётининг барча секторларида какао бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
- Аъзо давлатларнинг қизиқишларини (талаб ва таклифни) ҳисобга олиб жаҳон бозорида какао савдосини стабиллаштириш ва кенгайтириш.
- Какао маҳсулотларини ўз вақтида йиғиш ва жойига етказиш.
- Какао устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш.
- Какао билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ҳал этиш ва бошқалар.

Кофе бўйича халқаро ташкилот(МОК).

1967 йилда ташкил топди. Ушбу ташкилот 1996 йилда жаҳоннинг 54 давлати (18 та экспартер ва 36 та импортёр мамлакатлар) мавжуд бўлган.

МОКнинг мақсади:

- Кофе савдоси бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш
- Кофе бўйича халқаро талаб ва таклифларни, нарх-навони ўрганиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш.
- Халқаро кофе савдосини кенгайтириш.
- Кофе бозорлари бўйича ахборот нашриётларини чиқариб туриш.
- Кофе истеъмолини ривожлантириш, кофе бозорларида қулай нарх-навони белгилаш ва ҳ.к.

Шакар бўйича халқаро ташкилот (МОС)

Ташкилот дастлаб 1937 йилда ташкил топди, бироқ иккинчи жаҳон урушини бошланиши билан, гарчи котибият ўз ишини тўхтатмаган бўлсада, ташкилот ўз фаолиятини тўхтатган. 1953 йилда бўлиб ўтган БМТнинг Конференциясида МОСнинг янги дастурини ишлаб чиқди ва 1954 йилда 5 йил муддатга кучга кирди. Бунда жаҳоннинг 23 та мамлакати (СССР ҳам) қатнашди. 1959 йилда 5 йилга мўлжалланган янги келишув кучга кирди. БМТнинг навбатдаги Конференциясида 1968 йилда шакар бўйича халқаро ташкилотнинг

янги шартномаси муҳокама қилиниб, 1969 йилда 5 йил муддатга кучга кирди. 1992 йилда шакар бўйича халқаро ҳамкорликнинг янги янги кўриниши кучга кирди, унда 46 аъзо давлатлар қатнашди.

Шакар бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий мақсади:

1. Жаҳон бозорида Шакар бўйича халқаро савдони кенгайтириш (ривожланаётган экспартер мамлакатларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда).

2. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун халқаро шакар савдоси бўйича салбий ҳолатларга (нарх, сифат) йўл қўймаслик.

3. Импорт қилувчи мамлакатларнинг шакарга бўлган эҳтижни етарли даражада таъминлаб туриш.

4. Шакар истеъмолини кўпайтириш.

5. Шакар бўйича талаб ва таклифларни ўрганиш ва тартибга солиб туриш.

6. Жаҳон бозорида шакарнинг аҳволи тўғрисида маълумотларни (ахборот) бериб туриш.

Ташкилот ўзининг фаолиятини шакар бўйича Халқаро кенгаш орқали амалга оширади.

Кенгаш қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Йилда икки мартта, йил давомида ва кейинги йилда бўлиши мумкин бўлган, қанча шакар ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши кераклигини баҳолайди.

- Шакар бўйича халқаро бозорда ривожланиш тенденциялари вазиятни кузатиб бориш, шакар ишлаб чиқаришни ривожланиши бўйича қисқа ва узоқ мудатли муаммоларни ҳал этиш ва улар устида тадқиқотлар олиб бориш.

- Шакарни истеъмоли бўйича янги жойлар тўғрисида маълумотларни йиғиш ва тарқатиш.

- Шакар бозори бўйича алоҳида монографиялар ва нашлар чиқариш.

Кенгаш ишига ёрдам берувчи қуйидаги органлар ташкил этилган ва фаолият олиб боради:

- Бажарувчи қўмита.
- Статистик қўмита.
- Шакар истеъмоли бўйича Қўмита.
- Нархларни кўриб чиқиш бўйича қўмита.
- Резерв квоталари бўйича алоҳида Қўмита.

- Мандат Қўмита.
- Келишувга қўшилиш бўйича ишчи гуруҳ ва молиявий Қўмита.

6.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибга солувчи ташкилотлар

Пахта бўйича халқаро консултатив қўмита (МККХ)

ПХКҚ пахта ишлаб чиқарувчи, истеъмол этувчи ва савдо қилувчи давлатларнинг ассоциацияси. Унинг аъзолари ичида МДХдан Россия ва Ўзбекистон бор. Бундан ташқари Польша, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Германия, Италия, Франция, АҚШ, Бразилия ҳам ПХКҚнинг 43 аъзоларидан.

ПХКҚ 1939 йилда АҚШ ташаббуси билан хақаро пахта бўйича конференция чақирилиб, ташкил этилган. Конференцияда 10 та пахта ишлаб чиқарувчи маамлакат (СССР ҳам) қатнашган. 1940 йилда биринчи мартта Вашингтонда ПХКҚ кенгаши бўиб утди. 1946 йилда ташкилотнинг бошқарувчи органлари сифатида Котибият ва бажарувчи қўмита ташкил қилинди. Ташкилотга 6 та ишлаб чиқарувчи ва 6 та истеъмол қилувчи мамлакат аъзо бўлди. Бажарувчи қўмита доимий қўмитага айлантирилди.

ПХКҚнинг асосий функциялари:

- пахтанинг ривожланшига таъсир этувчи пахта бўйича бозор конъюктурасини кузатиш ва факторларни ўрганиш;

- пахта бозори ривожланишига таъсир этувчи текстил матолари бошқа ва шунингдек пахта нархи ва захираси, истеъмоли, жаҳон савдоси, жаҳондаги ишлаб чиқариш бўйича ва бошқа статистик маълумотлар йиғиш ва тарқатиш;

- пахта бўйича жаҳон бозорида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш бўйича ПХКҚ аъзолари ҳукуматларига тавсиялар бериш.

Каучук бўйича халқаро тадқиқот гуруҳи (МИГК)

Каучук бўйича халқаро тадқиқот гуруҳи - бу ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, ўзининг уставига эга. У 1944 йил АҚШ, Буюк Британия ва Нидерланд ташаббуси билан ташкил қилинган. У 27 аъзо давлатни бирлаштиради.

Тадқиқот гуруҳининг мақсадлари:

- табиий ва синтетик каучукни истеъмоли, жаҳон савдоси ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилиш учун халқаро форумлар ташкиллаштириш;
- каучук бўйича жаҳон бозори маълумотларини йиғиш ва нашр этишга тайёрлаш;
- табиий ва синтетик каучук иқтисодига алоқадор саволлар бўйича симпозиумларни ташкиллаштириш ва симпозиум маълумотларини нашр этиш;
- каучукни истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, каучук савдосидаги тўсиқларни бартараф қилиш ва жаҳонда каучукни истеъмолини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни кўриб чиқиш.

Гуруҳга Бош Котиб раҳбарлик қилади. Бош Котиб тадқиқот гуруҳи штатига кирувчи администратор, иқтисодчи, статистлар ва техник ходимлардан иборат котибият фаолиятини бошқаради.

Тадқиқот гуруҳи иштирокчилари Котибиятга каучук бўйича ташқи савдо, каучук истеъмоли ва миллий ишлаб чиқариш бўйича статистик маълумотларни тақдим этиши шарт.

Табиий каучук бўйича халқаро ташкилот (МОНК)

1980 йилда 1979 йилда тузилаган табиий каучук бўйича халқаро келишувни кузатиш учун ташкил топди. Хом ашё товарлари бўйича ЮНКТАДнинг биринчи интеграллашган дастури доирасида тузилган биринчи Келишув бўлган. 1995 йил феврал ойида Женевада бўлиб ўтган табиий каучук бўйича халқаро конференцияда табиий каучук бўйича халқаро келишув имзоланган. У олдин фаолият кўрсатиб турган ва 1995 йил декабрда фаолият вақти тугаган табиий каучук бўйича халқаро келишувни ўрнига алмаштирилаган. 1995 йил жаҳоннинг 4та экспартер мамлакати табиий каучукнинг 94% қисмини ташкил қилувчи, ҳамда 15 та импортёр мамлакати ва шунингдек ЕҲ давлатларининг табиий каучукни импорт қисмини 50%га яқини ташкил қилувчи томонидан шартнома имзоланиб келишув кучга кирган. 1996 йилда унга дунё экспортини 25% ташкил қилувчи яна 3та импортёр мамлакат қўшилган. Келишув фаолият вақти 4 йил.

Табиий каучук бўйича халқаро ташкилотнинг асосий мақсади:

1. Жаҳон бозорида табиий каучукка бўлган талабни ҳисобга олиб, уни ривожлантириш ва табиий каучукка таклифни ортиб кетмаслиги ёки табиий каучук етишмовчилиги юзага келмаслигини

каби жиддий қийинчиликларни келиб чиқмаслиги учун тартибга солиш.

2. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бузилган шартногмаларни бузилишига (нарх, сифат ва х.клар) йўл қўймаслик

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон товарлари бозоридаги кўптомонлама тартибга солиниши
2. Нефть экспортёри мамлакатлари ташкилоти
3. Араб нефть экспортёр-мамлакатлар ташкилоти
4. Халқаро товарлар ташкилотлари
5. Какао бўйича халқаро ташкилот
6. Кофе бўйича халқаро ташкилот
7. Пахта бўйича халқаро консултатив қўмита
8. Табiiй каучук бўйича халқаро ташкилот

6-мавзу. Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳудудий иқтисодий интеграцион гуруҳлари.

1. Жаҳон хўжалигини ҳудудий тартибга солиниши
2. Европа Иттифоқи (ЕС)
3. Европа валюта иттифоқи (ЕВС)
4. Европа инвестиция банки (ЕИБ) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР)
5. Европа эркин савдо асоцияси (ЕАСТ)
6. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)
7. Болтиқ денгизи давлатлари кенгаши (СГБМ)
8. Европа фуқоролик авиацияси анжумани (ЕКГА)

6.1. Жаҳон хўжалигини ҳудудий тартибга солиниши

Аъзо мамлакатлар иқтисодий интеграция жараёнини, ҳудудий иқтисодий гуруҳлар доирасида кўптомонлама иқтисодий ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган ташкилий хўжалик асосида тартибга солишни амалга оширади. Иқтисодий интеграция ўз олдига бозорни кенгайтириш, ҳар бир мамлакатда хорижий шерикларни дискриминация қилишни четлаштириш асосида иқтисодий субъектлар ўртасидаги фарқни йўқотиш мақсадини кўяди.

Замонавий шароитда халқаро савдонинг 60 % дан ортиғи амалдаги ёки режалаштирилган эркин савдо ҳудудий механизмлари доирасида амалга оширилади. 2000 йилларда Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигига – 23,7%; Европа Иттифоқига – 22,8%; Шимолий Америка эркин савдо ҳудудига 7,9% жаҳон савдоси уларнинг улушига тўғри келган. БСТ нинг кенгайишига қарамасдан 40 йилларда бошланган ҳудудий савдони либераллаштириш жараёни ҳудудий иқтисодий ташкилотлар ва гуруҳлар доирасида амалга оширилмоқда .

Ҳудудий ташкилотлар ва гуруҳлар доирасида ўзаро боғлиқликни кўринишлари ва даражасини характерловчи ҳудудий иқтисодий интеграциянинг турли хил кўринишлари мавжуд

6.1.1- жадвал

Худудий иқтисодий интеграциянинг кўринишлари

	Интеграция типлари	Белгилари
1.	Переференциал савдо келишувлари	Ўзаро савдода тарифлар ва бошқа тўсиқлар олиб ташланади. Учинчи мамлакатларга нисбатан миллий тарифлар сақланади. Давлатлараро бошқарув органлари тузилмайди.
2.	Эркин савдо зоналари	Битим шакли. Бунда қатнашчилар бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарини олиб ташлаш тўғрисида ахдлашадилар. Учинчи мамлакатларга нисбатан ҳар кимнинг ўз сиёсати мавжуд бўлади. Мисол учун: НАФТА, АНЗСЕРТА. илгариги Европа иқтисодий ҳамжамияти.
3	Божхона иттифоқи	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қарама-қаршилиқлар пайдо бўлади. Европа иқтисодий ҳамжамияти бунинг мисоли бўлиши мумкин.
4	Умумий бозор	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг барча ҳаракати учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш. Иқтисодий сиёсатни тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглаштириш каби масалалар ҳал этиш жараёнида туради.

5	Иқтисодий ҳамкорлик	<p>Мустаҳкам ривожланишни таъминлаш мақсадида иқтисодий сиёсатда келишиб олиш; ички ҳудудуий савдони ривожлантиришга кўмаклашиш; келажакда эркин савдо ҳудудини ёки умумий бозорни босқичма-босқич яратиш; халқаро ташкилотлар ҳамда халқаро форумларда иқтисодий ва ижтимоий масалаларни кўриши борасида улар буўйича умумий стратегия ва позицияларни ишлаб чиқиш. Бу босқич иқтисодий интеграция йўлида.</p>
6.	Иқтисодий иттифок	<p>Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (хатто ягона иқтисодий сиёсат) келишилади на шунинг асосида барча тўсиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик иқтисодий ислохотлар амалга оширилади.</p>
7.	Тўлиқ иқтисодий интеграция	<p>Ягона иқтисодий сиёсат ва бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бирхиллаштириш. Шартлари: умумий солиқ тизими; ягона стандартларнинг мавжудлиги; меҳнат тўғрисидаги ягона қонунлар ва бошқалар.</p>

8.	Валюта иттифоқи	Иқтисодий Иттифоқ шакли ва айни бир унинг йирик қисми. Қуйидагилар валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: - Миллий валюталарнинг ксчишилган (биргалиқдаги) муомаласи; қатнашчи мамлакатларнинг Марказий банкирлари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўллаб-қувватланадиган қатъий бегиланган валюта курсларининг ўрнатиш; ушбу халқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобданган ягона минтақавий банк шаклантирилиши. Ривожланаётган мамлакатларда валюта иттифоқи деганда клиринг битимлари тушунилади.
----	-----------------	--

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири

Европа ҳамжамияти юзага келгунга қадар иқтисодиёт фанида «иқтисодий интеграция» термини маълум эмас эди. Бироқ миллий давлатлар орасидаги «бозорлар интеграцияси» ва «сиёсат интеграцияси» каби жараёнлар узок вақтлардан бери мавжуд. Ягона миллий бозорлар савдонинг стихияли ривожланиши ва меҳнат тақсимооти натижасида шаклланиб келди. Бу жараёнларнинг юқори босқичи сифатида бирлашган халқ хўжалиги комплексларининг юзага келиши бўлди.

Европа интеграциялашувининг йўли ҳам шу каби бўлди: ягона ички бозор яратилди, Европа ҳамжамияти бўйлаб ягона иқтисодий қонунчилик тизими ва ягона (ёки ҳеч бўлмаганда уйғунлашган) иқтисодий сиёсат олиб борила бошланди. Бироқ алоҳида олинган миллий давлатлар ичидаги бирлаштирувчи жараёнлар билан давлатлараро бирлаштирувчи жараёнлар орасида жиддий сифат жиҳатидан фарқлар мавжуд эди.

Фақатгина 50-йилларга келибгина тадқиқотчилар жамоатчилик диққат-эътиборини эркин савдо зоналарини ва божхона иттифоқларини ташкил этиш шубҳасиз дунё миқёсида эркин савдо парадигмасидан чекиниш эканлигига қарата бошлашди.

Интеграция - интеграцион гуруҳ ичида эркин савдонинг максимал ривожини, лекин шу билан бирга ушбу гуруҳ ва ташқи олам орасидаги протекционизмнинг кучайишини англатади. Шу сабабли, худудий интеграциянинг рационаллиги ёки иррационаллиги масаласи, пировард натижада, икки ўзаро қарама-қарши самараларнинг нисбатига келтирилади.

Бир томондан, агарда эркин савдо зонасини ёки божхона иттифоқини яратилиши натижасида қиммат ички ишлаб чиқаришни арзонроқ импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони ташкил этиш» (trade creation) рўй беради. Бошқа тарафдан, агарда интеграция натижасида учинчи давлатлардан олинадиган арзон импорт, эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқи бўйича қўшни-давлатдан олинадиган қиммат импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони чалғитиш» (trade diversion) рўй беради. Биринчи бор бу концепция Дж.Винер ва М.Бие лар томонидан 1950 йилда, яъни «олтилик»нинг божхона иттифоқи тузишига қадар, илгари сурилган эди.¹⁸

Агар:

- Товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларида мукамал рақобат мавжуд;

- Барча ресурслар тўла машғул;


- Барча катталиклар бирор бир харажатсиз янги шароитларга автоматик тарзда мослашади;

- Алоҳида олинган давлат ичида омилларнинг тўла мобиллиги, ҳамда давлатлараро омилларда мобилликнинг абсолют йўқлиги;

- Харажатлар ва нархларнинг аниқ мослиги;

кабилар ўринли деб қабул қилинса, у ҳолда Н (божхона иттифоқига киришни режалаштираётган мамлакат), давлатлар орасидаги савдонинг шаклланиши ва чалғитилиши орасидаги нисбат, Р (Н давлатнинг божхона иттифоқи бўйича потенциал шериги) ва W (дунёнинг барча бошқа давлатлари) қуйидаги диаграмма кўринишида тасвирланиши мумкин:

¹⁸ Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 242 стр.



6.1.1 -расм. Савдонинг ташкил этилиши ва савдодан четланиш.

Эслатма. .-расмдаги координаталар ўқи маълум турдаги товарнинг нархи ва миқдорини англатади.

D_H - ушбу товарга Н мамлакатнинг эҳтиёжлик эгри чизиғи;

S_W – ушбу товарни жаҳон бозори ёки W мамлакатларининг таклифлари эгри чизиғи (таклифнинг буткул эластиклиги ва божхона тарифлари йўқлиги шарти асосида);

S_H – ушбу товарни Н мамлакати томонидан таклиф эгри чизиғи;

S_{H+P} - Н ва P лар биргаликдаги (тарифлар йўқлиги шарти асосида) таклифларининг эгри чизиғи. Бунда Н ва P мамлакатлардаги таклиф баҳоси ўрта жаҳон баҳоларидан юқори деб фараз қилинади, акс ҳолда божхона иттифоқини тузишга маъно бўлмай қолади.

Агарда Н мамлакат жаҳоннинг барча мамлакатлари билан эркин савдо режимига эга бўлса, талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтаси шундай P нуқта бўладики, бунда ушбу товарнинг минимал ички баҳоси (OA) га ва ички истеъмолнинг максимал ҳажми q_5 га эришилади. Бунда Н мамлакат ушбу товарни ўзида ишлаб чиқармайди ва божхона даромадини олмайди деб фараз қилинади.

Агарда Н мамлакат AD га тенг бўлган нодискриминацион t_H тариф киритса, у ҳолда ушбу товарнинг Н мамлакатдаги самарали таклиф чизиғи BREFQT кўринишни олади: ўзининг таклиф чизиғи E нуқтагача, кейин жаҳон бозорининг $[S_W (1+t_H)]$ тариф билан чегараланган таклиф чизиғи. Товарнинг ички баҳоси бунда OD га тенг, ички ишлаб чиқариш ҳажми Oq_2 , ички истеъмол ҳажми Oq_3 , импорт ҳажми эса- q_2q_3 . Н мамлакат импорт маҳсулот учун $q_2 LMq_3$ а ни тўлайди, ўз навбатида мамлакат ичидаги истеъмолчилар эса- q_2

$Efq_3 (a+b+c)$. Улар орасидаги фарқ ($LEFMq_3b+c$) давлатнинг божхона даромадини ташкил этади.

Фараз қилайлик, H ва P мамлакатлар божхона иттифоқини тузсинлар. Бу ҳолда AD тариф P давлатдан бошқа дунёнинг барча давлатларига тааллуқли бўлади. Унда самарали таклиф $BRGQT$ кўринишдаги чизик бўлади. Божхона иттифоқи ҳудудидаги нарх, H мамлакатдаги ички ишлаб чиқаришнинг q_1 даражагача қисқариши натижасида, OS даражагача тушади. Импорт эса q_1 q_4 гача, истеъмол эса Oq_4 гача кўтарилади, Қўшимча импортнинг ҳаммаси P мамлакатдан келади.

Барча шу ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган иқтисодий самарани баҳолаш, истеъмолчининг фойдаси нуқтаи назаридан амалга оширилади (бунда ишлаб чиқарувчининг қизиқишлари эътиборга олинмайди, чунки аввалдан келишиб олган шартлар бўйича ушбу соҳада банд бўлган ресурслар автоматик тарзда бошқа соҳаларда ишлатила бошлайди).

Нодискриминацион тариф шартларида мавжуд бўлган ҳолатга солиштирилганда, истеъмолчининг ютуғи $CDFG (qd+e+c+f)$ ни ташкил этади. Ютуқнинг бир қисми (d) ишлаб чиқарувчилар фойдасининг камайиши натижасида, бошқа қисми (c) - божхона даромадининг қайтиши натижасида ҳосил бўлади. Шу сабабли, божхона иттифоқини тоза ҳолда ўрганиш натижасида, фақатгина e ва f қисмларнигина ҳисобга олиш даркор.

Ички ишлаб чиқаришнинг Oq_2 дан Oq_1 гача камайиши импортнинг q_1 q_2 катталиқка ошишига олиб келади. Импортнинг нархи q_1Jq_2 ни, худди шу миқдордаги товарни ички ишлаб чиқаришнинг нархи эса q_1JEq_2 ни ташкил этади. Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг ютуғи e га тенг бўлади. Истеъмолнинг Oq_3 дан Oq_4 гача ўсиши импортнинг q_3 q_4 катталиқка ошишига олиб келади. Қўшимча импортнинг нархи q_3HGq_4 га, импорт қилинган товарлар берадиган қониқтириш катталиғи (шартли миқдорий ифодаси) эса q_3FGq_4 га тенг бўлади. Демак, тоза ютуқ f га тенг.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, эркин савдода q_2q_3 импортнинг нархи a га тенг бўлган бўлар эди. Божхона иттифоқини ташкил этилгандан кейин бу рақам $a+b$ гача ошади., лекин бунда давлат b га тенг катталиқдаги божхона даромадини йўқотади. Шунинг учун, божхона иттифоқининг самарадорлигини хулосавий баҳолаш учун савдони ташкил этиш (ёки тоза ютуқ) катталигини ифодаловчи $e+f$

зонаси билан, савдодан четланиш (ёки тоза ютказув) ни ифодаловчи b зонани солиштириш зарур.

Винер ва Биеларнинг концепциясидан яна бир жуда муҳим хулоса келиб чиқади. Агарда божхона иттифоқи тарифнинг уни ман қилувчи даражага олиб келувчи катталигида ташкил қилинаётган бўлса, божхона иттифоқининг ўрнатилиши батамом савдони ташкил этилишига олиб келади. Лекин агарда H мамлакат божхона иттифоқига эркин савдо режимидан ўтса, у ҳолда божхона иттифоқининг яратилиши натижаси батамом савдодан четланишга олиб келади.¹⁹

Савдони «ташкил этиш» ва «савдодан четланиш» тушунчалари халқаро савдонинг «соф» назарияси доирасида пайдо бўлди. Улар бутунлай сунъий шартлар ва фаразлар асосида қурилган. Бунда Европа иттифоқи оддийгина божхона иттифоқи доирасидан анчагина кенгроқ эканлиги ҳисобга олинаётгани йўқ. Шу сабабли, европа интеграциясининг самарали батамом савдони ташкил этиш – савдодан четланиш самараси билангина аниқланиб қолмайди.

А.Купер ва Б.Ф.Масселлар 1965 йили асосли равишда таъкидлашган эдики, H мамлакат божхона иттифоқини ташкил этишдан аввал бўлажак шеригини қўшган ҳолда барча мамлакатлар учун божхона тарифини камайтириши мумкин. У ҳолда божхона иттифоқи ОС нархда ташкил этилади. Бу эса шуни англатадики, савдони ташкил этиш натижасида $e+f$ фойда олинади, савдодан четланиш бўйича йўқотишлар эса бўлмайди, чунки самарали талаб янги язиғи $VJGU$ бўлади. Бундан эса H мамлакатга учинчи мамлакатлардан товарлар аввалгидек a нарх бўйича келаверади. Шу билан бирга савдонинг ташкил этиши муносабати билан келиб чиқадиган барча қўшимча импорт арзонроқ бўлади. Шу йили Х.Дж.Джонсоннинг иши пайдо бўлди, унда яққол кейнсианлик мотивлари янгради, хусусан, хусусий ва жамоат сарф-харажатларини ажратиш кўринди. Джонсон ҳукуматлар тарифлардан асосан иқтисоддан ташқари мақсадлар, биринчи навбатда жамият эҳтиёжларини қондириш, миллий саноат ва даромадни ҳимоя қилиш каби мақсадларга эришиш учун фойдаланишлари исботлашга ўриниб кўрди. Шундай мулоҳазаларга асосланган протекцион сиёсат ўзининг иқтисодий маъносига эга. Унинг лимити миллий саноат

¹⁹ Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения. 2003. 245 стр.

фаолиятининг жамият томонидан истеъмол қилинишинг максимал фойдалилиги билан ишлаб чиқаришни халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш натижасида юзага келадиган максимал ортиқча хусусий сарф-харажатлар орасидаги мувозанат нуқтаси бўлади. Бу сарф-харажатлар икки қисмдан иборат: ишлаб чиқаришнинг чегаравий сарф-харажатлари, ҳамда хусусий истеъмолнинг чегаравий сарф-харажатлари. Биринчи элемент ишлаб чиқаришнинг ички сарф-харажатлари жаҳонниқидан қанчалик кўп бўлиши билан аниқланади. Иккинчиси эса божхона тарифларининг ўрнатилиши ва ички бозорда нархларнинг кўтарилиши натижасида истеъмол талабининг камайишига тенг. Иккинчи элементнинг динамикаси тариф катталиги ва талаб ва таклифнинг эластиклигига боғлиқ бўлади. Мувозанат нуқтаси саноат ишлаб чиқаришининг жамият томонидан афзал деб топилишининг миқдорий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Агарда бу схемани фақатгина N мамлакатга эмас, балки унинг божхона иттифоқи бўйича шеригига ҳам қўлланилса, у ҳолда иккала мамлакат ҳам нафақат савдони ташкил этишдан, балкисавдодан четланишдан ҳам ютиши келиб чиқади. Бундан ташқари, савдодан четланиш N мамлакат учун мақсадга мувофиқроқ, чунки бунда ички саноат ишлаб чиқаришини қисқартириш талаб этилмайди. Савдони ташкил этиш ҳам чалғитиш ҳам ишлаб чиқариш кўламини кегайтириш ҳисобига ижобий самара бериши мумкин.

Европа интеграциясининг жаҳон иқтисодиётида мустақил воқелик сифатида иқтисодий асосларини англаш борасидаги биринчи қадамлар 50-йилларнинг бошларида машхур голланд иқтисодчиси Ян Тинберген томонидан амалга оширилди. У биринчи бўлиб «салбий» ва «ижобий» интеграция орасидаги фарқни кўрсатиб берди. Салбий интеграция, оддийгина, товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторларининг чегаралараро ҳаракатлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этишни назарда тутди. Иқтисодий назариянинг анъанавий канонларига кўра, бу автоматик тарзда рақобатни кучайишига, нархларни тушиши ва товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторларининг сифатини ошишига, ва натижада экономиканинг самарали ўсишига олиб келади. Ижобий интеграция – бу товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторлари мобиллигини янада оширувчи қонунлар қабул қилиниши ва институтларнинг ташкил этилишидир.²⁰

²⁰ А.Киреев Международная экономика Ч 1. М.:Международная экономика 2004.

Интеграция иқтисодий назариясининг ривожланиши йўлидаги муҳим қадам бўлиб Б.Балассанинг ишлари бўлди, у интеграциянинг динамик самараларини ва уларнинг интеграциялашувчи мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларининг ўсиш темпларига таъсирини тизимлаштиришга ҳаракат қилди. Бу каби динамик самаралар қаторига қуйидагилар киради:

- Ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириш ҳисобига ҳосил бўладиган иқтисод. Бундай иқтисод, агарда бозорни кенгайтириш фирмалар ва соҳаларга интеграцион жараёнлар бошлангунга қадар ишлатилмаган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш имконини берганда юзага келади.

- Фирма ва соҳаларга нисбатан ташқи бўлган иқтисод. Бундай иқтисод бутун иқтисоддаги умумий ва хусусий сарф-харажатларни камйтириш эвазига юзага келиши мумкин.

- Қутубланиш самараси самараи. Бу самаранинг моҳияти қатнашувчи мамлакатларнинг бирида бошқа мамлакатда савдони ташкил этиш ёки ишлаб чиқариш факторларининг бошқа ёққа йўналтирилиши натижасида юзага келадиган иқтисодий фаолиятнинг кумулятив қисқаришидан иборат.

- Реал инвестициялар ва ҳажмларни жойлаштиришга таъсир.

- Умумий иқтисодий самарадорликка таъсир.

Али М.Эль-Аграанинг мулоҳазалари ҳам шу йўналишдадир. Унинг концепциясига кўра, эркин савдо ва божхона иттифоқи зоналарининг афзалликлари қаторига қуйидагилар киради:

• Солиштирма афзалликлар қонунига мос равишда ихтисослашишнинг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши.

• Бозор кўламининг кенгайиши натижасида ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш масштабининг иқтисоди самарасидан яхшироқ фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши.

• Савдо шарт-шароитларини яхшилашга имконият берувчи, халқаро майдондаги музокаралар позициясининг мустаҳкамланиши.

• Кучлироқ рақобат натижасида зарур бўлиб борадиган ишлаб чиқариш самарадорлиги соҳасидаги ўзгаришлар.

• Илмий-техник прогресс тезланиши натижасида пайдо бўладиган ва ишлаб чиқариш факторларида миқдор жиҳатидан ҳам, сифт жиҳатидан ҳам акс этувчи ўзгаришлар.

Иқтисодий интеграциянинг янада юқори шакллари қуйидагилар натижасида кўшимча ижобий самара беради:

• Чегаралараро савдога ҳалақит қилувчи тўсиқларни бартараф этиш борасидаги ишлаб чиқариш факторлари мобиллигининг ўсиши;

• Пул-кредит ва солиқ сиёсатининг координацияси;

- Тўла бандликка ўтиш, тезкор иқтисодий ўсиш ва интеграциялашувчи мамлакатларнинг умумий мақсадларига даромадни адолатли тақсимлаш ²¹

6.2. Европа Иттифоқи (ЕС)

Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари В.Гюго, И.Кант каби кўплаб Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга олти мамлакат — Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Ғарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланиши 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатлариини белгилаб берди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб хозирги вақтга нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири — 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият ҳаётидаги "олтин аср" ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИга учта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади.

Кўпинча "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

²¹ В.Шемятенков Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 248стр

1. иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
2. учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
3. "инсонлар, капитал, хизматлар" эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
4. транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
5. валюта иттифоқини ташкил этиш;
6. солиқ тизимини бирхиллаштириш;
7. қонунчиликни яқинлаштириш;
8. келишилган иқтисодий сиёсат принципларини ишлаб чиқиш.²²

Қатнашчи мамлакатлар товарлари, капиталлари, хизматлари ва ишчи кучи умумий бозори ташкил этилиши вазифасининг ҳал этилишини ЕИХ ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бунинг учун божхона иттифоқи ташкил этилди. ЕИХга айнан божхона иттифоқи асос қилиб олинган.

Божхона иттифоқи доирасида:

1. қатнашчи мамлакатларнинг ўзаро савдосидаги савдо чеклашлари бекор қилинди;
2. учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;
3. капиталлар, кредитлар ҳаракати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;
4. иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш таъминланди.

Ушбу чораларнинг барчаси саноат интеграциясининг жадаллашувига кўмаклашди. Айни бир вақтнинг ўзида компенсация йиғимлари ва қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш ёрдамида умумий протекционизм ўрнатиш шаклида аграр интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИнинг аграр сиёсати ЕИ азолари бўлган мамлакатларнинг кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгиланишини кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

Умумий бозор шакллантирилиши ЕИХ миллий монополияларининг трансмиллий монополияларга айланиши жараёнини тезлаштирди, шерик мамлакатлар иқтисодиётига кириб

²² Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 92 бет

боришга кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши ҳамдустлик қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг яққаланиб қолган миллий хўжаликлардан ташқи бозорга қаратилган очик турдаги иқтисодиётга жадал ўтишини англатар эди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўртаси — 80-йиллар ўртаси) ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташқи сиёсий келишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бирок, барибир пайдо бўлган салбий тенденциялар ушбу даврда Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик "Евросклероз" деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Грециянинг ЕИ га кириши билан ушбу тенденция янада аниқроқ намоён бўлди, чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми — 90-йиллар боши) — Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номутаносибликнинг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга айни ушбу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввало, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

ЯЕА да ҳамжамият қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг умумий мақсади - Европа Иттифоқи ташкил этиш тасдиқланди. Европа Иттифоқи ўзида ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини ифодалар ва уларнинг иқтисодий, валюта-молиявий, инсонпарварлик ҳамкорлигининг юқори даражасинигина эмас, балки ташқи сиёсатни, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни келишишни ҳам назарда тутар эди. ЯЕАда ягона иқтисодий макон барпо этиш мақсади унда қайд этилган марказий қоида эди. ЕИХ қатнашчилари бўлган мамлакатлар ягона хўжалик организмини ташкил этиши керак эди. ЯЕА қабул қилиниши билан ҳамдустлик аъзолари бўлган мамлакатларнинг микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳууқуқ фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнлари кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар ягона бозор асосларини барпо этишни амалда тугалладилар ва валюта-иқтисодий ва сиёсий иттифокларни шакллантиришга жуда яқинлашиб қолдилар.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси — XXI аср боши) да Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш омиллари эркин ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатидан янги бооқичига кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бўлган Европа Иттифоқига айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор ташкил этиш амалга оширилди. Бундан буёнги интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта — евро эмиссияси ҳуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабрь) Ғарбий Европа интеграциясининг ривожидида сифат жиҳатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқига қуйидаги вазифаларни юклаган:

- Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёсатни, айниқса, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, (ўринли топилганда) кучайтириш;
- эркин рақобатга асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва ҳимоялаш;
- бой ва қашшоқ минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қоида қўллаб-қувватлаш;
- айрим фуқороларнинг туб ҳуқуққарини эътироф этиш ва ривожлантириш;
- учинчи мамлакатларга нисбатан бамаслаҳат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёсат тўғрисида, иқтисодий сиёсатни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутади.²³

²³ Шодиев Р.Х., Махмудов Э. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 98 бет б

6.2.1 -жадвал

Европа Иттифоқининг кенгайиши

Таъсисчи мамлакатлар 1957й. 25март	Биринчи кенгайиш 1973 й.	Иккинчи кенгайиш 1981 й.	Учинчи кенгайиш 1986й.	Тўртинчи кенгайиш 1995 й.	Бешинчи кенгайиш 2004 й.	Олтинчи кенгайиш 2007 й.
Белгия	Буюк Британия	Греция	Испания	Австрия	Венгрия	Болгария
Франция	Дания		Португалия	Финляндия	Қохира	Руминия
Германия	Ирландия			Швеция	Малта	
Италия					Латвия	
Люксембург					Литва	
Нидерландлар					Польша	
					Словакия	
					Словения	
					Чехия	
					Эстония	

Хозирги кунда 27 давлатдан иборат бўлган Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликда дунёдаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Евростат маълумотларига кўра жаҳон экспортининг 57 фоизи ва импортнинг 55 фоизи унинг улушига тўғри келади.

6.2.2- жадвал

Европа Иттифоқининг 1992–2000 йиллардаги бюджети		
ЕИ даромадлари, %		
	1992	2000


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортидан солиқлар	3,3	2,3
Божхона бождари	18,9	13,0
ҚҚСдан ажратмалар	58,0	38,1
ЯММ ҳажмига боғлиқ бўлган ажратмалар	13,9	42,3
Бошқалар	5,8	4,3
Жами	100,0	100,0
ЕИ харажатлари, 2000		
	Млн. евро	ЕИ бюджети-нинг %
Умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати	40 994	43,9
Тузилмавий фондлар ва бирлашув фондлари	32 678	35,0
Ички сиёсатнинг бошқа йўналишлари	6028	6,5
Ташқи сиёсат	4825	5,2
Номзод-мамлакатларга кўмак	3167	3,4
Маъмурий аппарат таъминоти	4725	5,1
Бошқалар	906	0,9
Жами	93 323	100,0

Айни вақтда ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши кейинги йигирма йилда Иттифоқ аъзолари сони кўпайганлигига қарамай, тушиб кетди.

Харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаб чиқилган аҳоли жон бошига йиллик ялпи ички маҳсулот миқдори ЕИ мамлакатлари учун 17,3 минг еврони ташкил этади.

ЕИнинг ривожланиб бориши Иттифоқда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар йўқ эканлигини аниқлатмайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар қўшилиши натижасида мамлакатлараро ва мамлакат ичидаги номутаносибликлар пайдо бўлганлиги қайд этилган эди. Ягона аграр сиёсатни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ягона марказлаштирилган нархларнинг амалга оширилиши жараёнида анчагина муаммолар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи мафкурачиларини Европа товарларининг халқаро бозорларидаги рақобатбардошлилиги тушиб кетиши, жаҳон савдосида ЕИ улушининг қисқариши, компьютерлаштириш ва бошқаларда АҚШдан орқада қолиш ташвишга солмоқда.

ЕИ ва дунёнинг етакчи мамлакатлари номинал ЯИМ бўйича



Манба: ХВФ маълумоти, 2009 йил.

6.3. Европа валюта иттифоқи (ЕВС)

Дастлабки валюта иттифоқи Австрия-Германия валюта иттифоқи (1857-1866 й.) эди.

Франциянинг ташаббусига кўра 1865 йил Лотин валюта иттифоқи (1865-1878 й.) ташкил этилди, бунга Франция, Бельгия, Италия ва Швейцария кирди.

Скандинавия валюта иттифоқи (1875-1917 й.) Дания, Норвегия ва Швеция ўртасида бир хил монеталар чиқариш тўғрисидаги келишув натижасида ташкил этилди.

Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи 1921 йил ташкил этилиб, Люксембург франки бельгия франкига 1га 1 нисбатда боғланди.

1979 йил 13 мартдан Европа Валюта Тизими ўз ишини бошлади, таркибида 8 мамлакат: Германия, Франция, Бенилюкс, Италия, Ирландия, Дания.

ЕВТ механизми уч элементни вужудга келтирди: европа валюта бирлиги-ЭКЮ, валюта курсларининг биргаликдаги тебраниш режими – “супер илон”, Европа валюта ҳамкорлиги фонди.

ЭКЮнинг саватчасидаги квоталар қуйидагича тақсимланди:

- 32,7 % Немис маркаси
- 20,8 % Француз франки
- 11,2 % Англия фунти
- 10,2 % Голланд гульдени
- 7,2 % Италиян лираси
- 8,7 % Бельгия и люксембург франки
- 4,2 % Испан песетаси

- 2,7 % Дания кронаси
- 1,1 % Ирланд фунти
- 0,7 % Португал эскудоси
- 0,5 % Грек драхмаси

6.3.1 -жадвал

ЕВРОНИНГ киритилиш босқичлари

01.01.1999 й.	ЕВРО 11 та аъзо мамлакат валютаси бўлди (Бельгия, Германия, Испания, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерланд, Австрия, Португалия, Финляндия). ЕВРО: ҳар бир давлатвалютаси учун алмаштириш ЕВРОга нисбатан курслари ўрнатилди. ЕВРО нақд бўлмаган валюта сифатида қолмоқда (банкноталар ва тангалар амалда эмас). Евроҳудуд учун ягона валюта бирлиги сиёсати. Евронинг уқуқий статуси қонуни кучга кирди.
01.01.1999 – 31.12.2001 йиллар.	Иқтисодиётда бутунлай Еврога ўтиш даври
19.06.2000 й.	ЕИИ Кенгашининг Греция алохида валютаси қарори Реш
01.01.2001 й.	Греция алохида валюта қабул қилди .
2001 йил давомида	ЕВРО банкноталарининг ҳимояси хусусиятлари ҳақида информацион компанияси.
2001 йил охири.	Банк ва йирик чана садогарларнинг ЕВРО банкноталари ва тангалари билан таъминланиши.
01.01.2002 й.	Барча битимлар ЕВРОда амалга оширилди. Миллий банкноталар ва тангалар ЕВРОга алмаштирилишининг бошланиши.
28.02.2002 й.	Батамом Еврога ўтиш. Миллий банкноталар ва тангалармуомиладан чиқарилди.

6.3.2 -жадвал

ЕВРОга миллий валюталарнинг конвертация курси

Немис маркаси	1.95583
Француз франки	6.55957
Фин маркаси	5.94573

Голланд гульдени	2.20371
Австрия шиллинги	13.7603
Италия лираси	1936.21
Испан песетаси	166.386
Португал эскудоси	200.482
Ирланд фунти	0.787564
Бельгия/Люксембург франки	40.3399

6.4. Европа инвестиция банки (ЕИБ) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР)

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йил 29 майда Битим асосида тузилган халқаро ташкилотдир. ЕТТБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади

Унинг аъзолари сифатида ХВФ аъзоси бўлган ҳар қандай мамлакат бўлиши мумкин. 1994 йил 1 январ ҳолатига ЕТТБ акционерлари бўлиб 57 мамлакат ҳисобланади. Банк штаб-квартираси Лондонда жойлашган.

ЕТТБ фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсади:

ЕТТБнинг асосий вазифаси – Европанинг илгари социалистик тузумда бўлган мамлакатларини очик бозорга йўналтирилган иқтисодийга ўтишига кўмак бериш, ва шунингдек, хусусий ва тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришдан иборат. ЕТТБ кредитларининг асосий объектлари бўлиб, хусусий фирмалар ёки хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари ва шунингдек, хорижий инвестицияли қўшма корхоналар киритилган янгидан тузилаётган компаниялар ҳисобланади. Банкнинг асосий мақсади минтақада инвестицияларни рағбатлантиришдир. 1991 йил апрелда банк ўз фаолиятини бошланган пайдан ўз олдидаги вазифаларни аниқлаб олди, Улардан энг муҳими ЕТТБ амал қилаётган жойдаги мамлакатларда сиёсий тизимлар ўзгараётган пайтда бу мамлакатларда жамиятнинг бутунлай тарқоқ ҳолга тушишига олиб келадиган ижтимоий шарт-шароитлар пайдо бўлишининг олдини олиш зарурлиги ва уларнинг қўшнилари хавфсизлигини тахдид остига қўйиши мумкин бўлган янги иқтисодий шарт-шароитлар яратишдир.

Бошқа вазифалари :

- инвестицияларни рағбатлантириш
- тижорат амалиётини такомиллаштириш,
- хусусийлаштириш ва структуравий қайта қуриш
- алоқа тармоқларини, энергетика тизимларини, муниципал хизматларни ва уй-жой хўжалигини қайта қуриш.

ЕТТБ кредит фаолиятини амалга оширишда:

- ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иши стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;

- хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган секторлар бўйича кўзда тутилган ва тутилмаган операциялар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштиради;

- хусусий инвесторлар, уларнинг маслахатчилари ва тижорат банклари билан ҳамкорлик қилади;

- ҳукумат билан ривожланишнинг узоқ муддатли режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади;

- халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатларни бажаради;

- давлатлараро ва минтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ишлайди;

- атроф-муҳитни сақлашни ва яхшилашни таъминлашга ҳаракат қилади.

ЕТТБнинг ташкилий тузилиши, ЕТТБ фаолиятига раҳбарликни бошқарувчилар Кенгаши, директорлар Кенгаши ва президент амалга оширади. Бошқарувчилар Кенгаши – ЕТТБ олий фармойиш берадиган органи – банкнинг ҳар бир қатнашувчисидан 2 тадан вакилни (бошқарувчи ва унинг ўринбосарини) ўз ичига олади (мамлакат ёки халқаро ташкилотнинг). Аъзо мамлакатнинг хоҳишига қараб унинг ЕТТБдаги вакили (бошқарувчи ёки унинг ўринбосари) хохланган пайтда чақириб олиниши мумкин.

Бошқарувчилар Кенгашининг ваколатларига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- ЕТТБ янги аъзоларини қабул қилиш, уларни қабул қилиш шартларини аниқлаш, банк аъзолигини тўхтатиш;

- ЕТТБ президенти ва директорини сайлаш, директорлар ёки уларнинг ўринбосарлари хақи ўлчамини ва шунингдек, президент билан шартноманинг бошўа шартларини белгилаш;

- ЕТТБ чиқаришга рухсат этилган низом капиталини кўпайтириш ёки камайтириш;

- бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида бош келишувлар (битимлар) тузишга ваколатлар бериш;

- ЕТТБ фойдаси ва зарарлари ҳисобини ва умумий балансини (аудиторлар ҳисоботини кўриб чиққандан кейин) тасдиқлаш; резервлар ўлчамини аниқлаш, фойдани тақсимлаш, ЕТРБ фаолиятининг батамом тўхталиши ва унинг активлари тақсимооти хақида қарор қабул қилиш;

- ЕТТБ таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш, Битимни тушуниш ёки директорлар Кенгаши томонидан унинг қўлланиши билан боғлиқ апелляциялар бўйича қарорлар қабул қилиш.

ЕТТБ ресурсларининг шаклланиши, ЕТРБ нинг чиқаришга рухсат этилган 10 млрд ЭКЮ га тенг бўлган акционерлик капитали ҳар бири 10 000 ЭКЮ номиналли 1 млн. акцияга, шу жумладан тўланадиган ва талаб бўйича тўловга олинадиган акцияларга бўлинган. Туўланадиган акцияларнинг дастлабки суммаси 3 млрд. ЭКЮга ёки чиқаришга рухсат этилган акционерлик капиталининг 30%и, 70% акциялар эса – туланмаган ва ЕТРБ мажбуриятларини тўлаш учун зарур бўлганда талаб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, 125 акция ЕТРБ аъзолари ўртасида тақсим қилинмайди.

ЕИ, ЕИБ аъзо мамлакатлари ва ЕИининг ўзи ЕТРБ низом капиталида 51% квотасига эгадирлар, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари – 13%, қолган Европа мамлакатлари – 11%, ноевропа мамлакатлари – 24%. Капиталда кўпроқ ҳисса билан АҚШ – 10%, Италия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Япония – 8,5%дан. Низом капиталининг ўлчами ҳар 5 йилда бир марта кўриб чиқилади.

ЕТРБ кредит-молия сиёсатининг муҳим йуналишлари:

- молиявий сектор
- энергетика
- телекоммуникация инфраструктураси
- транспорт
- Агробизнес

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида собиқ социалистик мамлакатларнинг кредит-молия муассасалари жиддий муаммоларни мерос сифатида қабул қилиб олишди: умидсиз кредитлар, молия захираларининг чекланганлиги, капиталлаштириш жараёнининг секинлиги ва молиявий секторнинг ўта монополлаштирилганлиги. Бу кредит муассасаларининг бир вақтнинг ўзида ҳам акционерлари, ҳам йирик қарздор сифатида чиқувчи давлат корхоналари бўлганлигидир.

6.5. Европа эркин савдо асоциацияси (ЕАСТ)

1960 йилда Стокгольмда (Стокгольм конвенцияси) Европа эркин савдо асоциацияси ташкил этиш бўйича конвенция имзоланди ва шу йили у ўз фаолиятини бошлади.

Мақсадлари:

- Аъзо давлатлар ва Асоциация доирасида турмуш даражасини узликсиз кўтариш, молиявий барқарорлик, ресурсларни рационал ишлатиш, аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кўтариш ва иқтисодий барқарор ўсишни фаоллаштиришга кўмаклашиш.

- аъзо давлатлар ўртасида ҳалол рақобатли савдони ривожлантиришни таъминлаш.

- босқичма босқич савдо тўсиқларини бартараф этиш ва жаҳон савдосини ривожлантириш ва кенгайтиришга ёрдам бериш.

Аъзолари:

Исландии Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария.

Тузилиши:

1. Кенгаш.
2. Доимий қўмиталар.
3. Котибият.

Кенгаш Конвенция низомига риоя қилинишини назорат қилувчи олий орган ҳисобланади. Кенгаш таркибига аъзо давлатлардан бир овозга эга биттадан вакил киради.

Кенгаш бир қатор доимий қўмиталарни (иқтисодий, товар келиб чиқиши ва божхона бўйича, савдо бўйича, савдода техник тўсиқлар бўйича, маслаҳат, парламентлар қўмиталари, бюджет, иқтисодий ривожланиш, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик) ҳамда маҳсус экспертлар гуруҳларини тузган.

Котибият ишини бош котиб ва унинг ўринбосари бошқаради. Хозирда у олтита савдо сиёсати, ҳуқуқ, интеграция, наشر ва ахборот

ва маъмурий масалалар билан шуғулланувчи бўлимладан иборат.

6.6. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)

1975 йил Хелсинкида 35 та Европа ва Шимолий Америка давлатлари ҳукуматлари ва давлат раҳбарлари томонидан Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши акти имзоланди. У “тўрт сават”ни қамраб олган принципларни баёнотини ўзида ифодалади, унга мувофиқ бу ҳужжатни имзолаган давлатлар ўзига **қуйидаги шартларни олади:**

Ўзининг ва шу қаторда бошқа давлатлар фуқороларига бўлган муомала нормаларига риоя қилишга ва кенгаш натижалари бўйича кейинги тадбирларини бажариш.

ЕХХТ 1990 йилда аъзо давлатлари янги Европа учун Париж хартиясини қабул қилдилар, унда “ Европани бўлиш ва бир-бирига қарши бўлиш, адоват эраси” тугатилиши ва “янги демократик, тинч ва бирдамлик эраси” бошланганлиги эълон қилинди.

Мақсадлари:

- ЕХХТ мамлакатлари орасидаги алоқаларни яхшилашга ва ўз халқлари хақиқий ва узоқ тинч шароитда яшашини таъминлашга кўмаклашиш;

- бу жараён тўхтатмаслиги, барқарор ва кенг қамровли бўлиши учун кўмаклашиш;

- Барча европа мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантиришда умумий манфаатдор бўлиш ҳамда европада хавфсизлигини бўлинмаслиги сифатида тан олиш;

- Европада ва бутун бир дунёда хавфсизликни ўзаро чамбарчас боғлиқлигини тан олиш;

- Барча халқларнинг фаровонлиги ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, инсон ҳуқуқини фундаментал таъминлаш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

Ҳуқуқлар:

- **Барча қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

фикр, виждон, дин ва ишонч эркинлиги; сўз эркинлиги;

- **Ҳеч ким:**

Ҳибсга олиниши ёки ноқонуний асосда қамалиши; қийноқа солиниши ёки шавқатсиз ёки ваҳшийларча ёки камситилиши, хўрланиши, ёки жазоланиши **мумкин эмас.**

- **Хар ким қуйидаги ҳуқуқга эга:**

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ва шахсий мулкга

эга бўлиши; очик ва ҳаққоний суд жараёни кўрилишига; эркин ва ҳаққоний сайловларда иштирок этишга; ўзининг ҳуқуқини билиши ва уни риоя этилишини талаб қилишга.

6.6.1 -жадвал

Ташкилотга аъзо давлатлар

Австрия	Грузия	Монако
Озарбайжон	Дания	Нидерландия
Албания	Ирландия	Норвегия
Андорра	Исландия	Польша
Арманистон	Испания	Португалия
АҚШ	Италия	Россия Федерацияси
Беларусия	Казоғистон	Руминия
Бельгия	Канада	Сан-Марино
Болгария	Кипр	Словакия
Босния ва Герцеговина	Латвия	Собиқ Югаславия давлати Македония
Буюк Британия	Литва	Тожикистон
Ватикан	Лихтенштейн	Туркия
Венгрия	Люксембург	Украина
Германия	Мальта	Франция
Греция	Молдова	Финляндия
Хорватия	Ўзбекистон	Қирғизистон
Чехия	Швейцария	Швеция
Эстония	Югославия (хозирда аъзо эмас)	

6.7. Болтиқ денгизи давлатлари кенгаши (СГБМ)

1992 йилда Хельсинки яқунловчи актида, Париж хартиясида ва ЕХҲТнинг бошқа ҳужжатларида, БМТ низомида акс этган амалдаги принциплар асосида бутун Болтиқ худудини мувофиқлаштирувчи орган сифатида Германия ва Дания ташаббуси билан Болтиқ денгизи давлатлари кенгашига асос солинди.

Мақсадлари:

- Болтиқ денгизи давлатлари худудий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- Болтиқ денгизи давлатлари умумий аҳамиятга эга қизиқишларини аниқлаш;

- Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан зич алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

6.7.1 -жадвал

Аъзо давлатлари

Германия	Норвегия
Дания	Польша
Исландия	Россия Федерацияси
Латвия	Финляндия
Литва	Швеция
Эстония	

Тузилиши:

1. Энг юқори даражадаги учрашув.
2. Ташқи ишлар Вазирлари Кенгаши.
3. Юқори мансабдор шахслар Қўмитаси.
4. Камчиликка таълуқли, шахс ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича Комиссар.

5. Махсус мавзулар бўйича (иқтисодий ҳамкорлик, ядрер хавфсизлиги, хавфсизлик доирасида сиёсат ва демократик институтлар) ишчи гуруҳлаар.

Фаолияти:

Кенгаш доирасида 1992 йилдаги Копенгаген декларациясида аъзо давлатлар ҳамкорликни турли доираларини аниқлаштириб олдилар.

Улар:

Транспорт ва алоқа, туризм ва ахборот, таълим, маданият, атропо муҳитни ҳимоя қилиш ва энергетика, гуманитар саволлар ва соғлиқни сақлаш, иқтисодий ва техник ёрдам, янги демократик институтларни қўллаб қувватлаш.

1996 йилда аъзо давлатлар Швецария томонидан таклиф қилган Болтиқ денгизи ҳудудида (ҳудудий тинчлик; иқтисодий ривожланиш; Болтиқ денгизи ва бошқа сувларга, атмосфера ва ерга зарар етказиш ва ифлослантиришни қисқартириш бўйича экологик стратегияси, ҳамфикрлилик ва ҳамкорлик) ҳаракат дастурини қабул қилди. Ундан ташқари улар полициячилар ва божхона хизматлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳамда уюшган халқаро

жиноятчиликка қарши кураш бўйича ахборот хизматини яратишни ривожлантиришга келишиб олдилар.

6.8. Европа фуқоролик авиацияси анжумани (ЕКГА)

Европа фуқоролик авиацияси анжумани 1955 йил Халқаро фуқоролик авиацияси ташкилотининг актив ёрдами ва Европа кенгаши ташаббуси билан хаво транспортини мувофиқлаштириш бўйича Конференцияси якунига мувофиқ ташкил қилинди.

Мақсадлари :

- Фуқоролар авиацияси хавсизлигини ва йўлга қўйишни ривожлантириш, янада эффе́ктив фойдаланиш, уни мувофиқлаштириш мақсадида фуқоролик авиацияси ривожлантириш жараёнини ўрганиш.

- Шу соҳада дуч келинадиган аниқ муаммоларни кўриб чиқиш.

ЕФААнинг иш дастури учта принципи:

1. саволларни муҳимлиги ва унинг ечимига кўпчилик Аъзо давлатлар ва бошқа европа ташкилотларининг қизиқишлари.

2. Мақбул ечимларнинг мавжудлиги.

3. Европа учун ўзига хос муаммолар ёки Халқаро фуқоролик авиацияси ташкилотининг ишига ўз хиссасини қўшиш.

Функциялари:

- Маслаҳат бериш.

- Аъзо давлатлар маъқуллаши учун резолюциялар қабул қилиш, маслаҳат ва хулосалар тақдим этиш.

6.8.1 -жадвал

Аъзо давлатлар

Австрия	Дания	Литва	Португалия	Чехия
Бельгия	Ирландия	Люксембург	Руминия	Швейцария
Болгария	Исландия	Мальта	Словакия	Швеция
Буюк Британия	Испания	Монако	Туркия	Эстония
Венгрия	Италия	Нидерланд	Финляндия	
Германия	Кипр	Норвегия	Франция	
Греция	Латвия	Польша	Хорватия	

Тузилиши:

1. Ялпи Кенгаш
2. Фуқоролар авиацияси бўйича бош директорлар йиғилиши.
3. Доимий қўмита ва ишчи гуруҳ.
4. Котибят .

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон хўжалигини ҳудудий тартибга солиниши
2. Ҳудудий иқтисодий интеграциянинг кўринишлари
3. Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири
4. Европа Иттифоқи (ЕС)
5. Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини босқичлари
6. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар
7. Европа валюта иттифоқи (ЕВС)
8. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР)
9. Европа эркин савдо асоциацияси (ЕАСТ)
10. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)
11. Болтиқ денгизи давлатлари кенгаши (СГБМ)
12. Европа фуқоролик авиацияси анжумани (ЕКГА)

7 – мавзу. Марказий ва Шарқий Европанинг ва шунингдек Осиё давлатларининг ҳудудий иқтисодий ташкилотлари

Режа:

1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ).
2. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЭС).
3. Қора денгиз бўйи иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС).
4. Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги халқаро молиявий ташкилотлар

7.1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ).

1991 йилнинг 8 декабрида Белоруссиянинг Вискули шаҳридаги ҳукумат резиденциясида Россия Федерацияси, Белоруссия ва Украина Республикаларининг ҳукумат раҳбарлари МДХ давлатлари иттифоқини тузиш тўғрисида битимни имзолашди. Шу йилнинг 21 декабрида Олма – Ота шаҳрида 11 та суверен давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари (Болтиқ бўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари) Озорбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Молдова, РФ, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина Республикалари МДХнинг тенг ҳуқуқли давлатлари эканлигини қайд этувчи Баённомани имзолашган эди. Кейинроқ 1993 йилнинг декабр ойида эса, Грузия ҳам МДХга аъзо бўлиб кирди. МДХ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Принциплари:

- Аъзо давлатлар тенг ва суверендир
- Аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенгҳуқуқли субъектлари ҳисобланади

Мақсадлари:

- сиёсий, иқтисодий, экологик, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;
- аъзо давлатлар доирасида хар томонлама ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга ва шунингдек давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграцияга кўмаклашиш;
- тан олинган халқаро норма ва принциплар асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликни таъминлаш;
- аъзо давлатлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида, ядровий қуроолларни ва умумий қириш қуроолларини йўқ

қилиш, умумий ва тўлиқ қуролсизланишга эришиш мақсадида ҳамкорликни амалга ошириш;

- аъзо давлатлар ўртасида келишмовчилик ва тортишувларни тинчлик йўли билан бартараф этиш.

Аъзо давлатлар 12 та:

Озарбайжон	Грузия	Тожикистон	Ўзбекистон
Армения	Малдова	Туркманистон	Қозоғистон
Беларусия	Россия Федерацияси	Украина	Қирғизистон

Жаҳон иқтисодиётида МДХ муҳим тизим бўлиб қолаверади. Унда 12 та давлат, умумий ва шунингдек миллий давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириши мумкин. Давлатлараро ҳамкорликнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари МДХ доирасидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланиб, **улар қуйидагилардир:**

- МДХ доирасида мақсадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, балки босқичма – босқич эркин савдо зонасини ташкил қилиш;

- МДХ доирасида савдо – иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятни кўтариш;

- МДХ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида МДХ кординатор ва ахборотчи ролини ўйнаб, барча аъзо давлатлар учун юқори даражадаги ижтимоий – сиёсий ва маданий хўжалик натижаларига эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи платформага айланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнлар МДХ давлатларининг жаҳон хўжалик тизимида босқичма–босқич киришига имкон беради. Бунда самарали фаолият юритаётган эркин савдо зонасининг яратилиши МДХ да тўлақонли бозор инфратузилмасини ва хўжалик ҳамкорлигини юқори босқичларга ўтишнинг шаклланишида объектив зарурият касб этди. МДХга аъзо давлатлар жаҳон хўжалик алоқаларида ҳамда иқтисодий ҳамнафаслик даражасига боғлиқ ҳолда интеграцион жараёнларнинг кейинги босқичларида ва минтақавий бирлашмаларида қатнашиш тўғрисида мустақил қарорлар қабул қилишади. Қабул қилинган қарорларнинг амалий бажарилиши эса МДХ доирасида самарали ҳамкорликда намоён бўлади.

Тузилиши:

1. Давлат бошқарувчилари Кенгаши
2. Ҳукумат раҳбарлари Кенгаши
3. Ташқи ишлар министрлари Кенгаши
4. Мувофиқлаштирувчи маслаҳат Қўмитаси
5. Мудофа вазирлари Кенгаши
6. Ҳамдўстлик аъзо давлатларининг харбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича штаб
7. Чегара қўшинини бошқарувчилар Кенгаши
8. Иқтисодий суд
9. Давлатлар аро банк
10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия
11. Парламентлар аро ассамблея
12. МДХ ижроия котибияти

МДХ доирасидаги мамлакатларнинг ҳукмронлиги ва унинг мувофиқлашган институтлари бўлиб, давлат раҳбарлари Кенгаши, ҳукумат раҳбарлари Кенгаши, Ижроия котибияти ҳисобланади. МДХ уставида мамлакатларнинг унга аъзо бўлиш шартлари, мақсад ва тамойиллари белгилаб берилган.

МДХ ташкил қилинган дастлабки кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хўжалик алоқаларини сақлаш ва кенгайтириш, сиёсий ишларга аралашмаслик, бир-бирига сунъий таъсир қилмаслик тарафдори бўлган давлатлар қаторидан црин олди. МДХ мамлакатлари билан бўлган муносабатда Ўзбекистоннинг ўрни қуйидагилардан иборат эди:

МДХнинг барча иштироқчи-давлатлари манфаатларини тенг ҳуқуқли асосини эътиборга олган ҳолда, иқтисодий интеграциянинг устувор йўналишда бўлишлиги шарти.

Ўзбекистон Республикаси ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишда интилувчи ихтиёрийлиги тамойилини сақлаш тарафдорлиги ва бошқалар.

МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий таҳлиллари билан шуни кўрсатмоқдаки, МДХ давлатлари билан иккиёқлама ва шунингдек ҳар томонлама олиб борилаётган иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

МДХ ёрдамида катта йўқотишларсиз янги мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ҳам яратиб берилмоқда.

7.2. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЭС)
 Техрон (Эрон)да жойлашган бўлиб, 1985 йилда ташкил топган.
Унга 10 та давлат аъзо:

Озарбайжон	Туркия
Афғонистон	Эрон
Покистон	Ўзбекистон
Тожикистон	Қозоғистон
Туркманистон	Қирғизистон

Мақсадлари:

- Ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш
- Регионларда иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратиб бериш
- Маданият ва диний алоқаларни мустаҳкамлаш

Аъзо далаатларнинг асосий фаолият йўналишлари:

- Сиёсий ва техника-технологик соҳадаги ҳамкорлик
- Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик
- Транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик
- Соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик
- Таълим соҳасидаги ҳамкорлик
- Фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик
- ноқонуний наркотик моддалари савдоси ва унга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқалар

Тузилиши:

1. Энг юқори даражадаги Йиғилиш
2. Минстрлар Кенгаши, ихтисослашган муассасалар
3. Ўринбосарлар Кенгаши
4. Режалаштириш бўйича худудий Кенгаш, Қўмиталар
5. Доимий Котибият

7.3. Қора Денгиз бўйича иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС)

1992 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. ЧЭСнинг доимий котибияти Стамбулда жойлашган.

Унга 11та мамлакат аъзо

Озарбайжон	Болгария	Молдавия	Туркия
Албания	Греция	Россия Федерацияси	Украина
Армения	Грузия	Руминия	

ЧЭСнинг иқтисодий ҳамкорлик мақсадлари:

-Келишилган шароитлар бўйича аъзо-давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликларни олиб бориш

Мақсадлари:

-Кўшничилик ва ўртоклик алоқаларини ривожлантириб, Қора Денгизда тинчлик, барқарор ўсиш ва ривожлантиришга эришиш

-Фирма ва корхоналарни индивидуал ва жамоавий ташаббусларини рағбатлантириб уларни фаолияти учун шароитлар яратиб бериш

-Қора Денгиз бўйича иқтисодий ҳамкорликда икки ва кўп томонлама мақсадларни ривожлантириш

-Ҳамкорликни кенгайтиришда ва ривожлантиришда барча имкониятларни қўллаш

Ҳамкорлик соҳалари:

-Траспорт ва коммуникация

-Информатика

-Иқтисодий ва тижорий маълумотлар билан алмашиш

-Маҳсулотларни стандартлаштириш ва стандартлаштириш

-Энергетика

-Минерал (нефть-газ) хом-ашё материалларини қазиб олиш ва қайта ишлаш

-Туризм

-Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги саноати

-Санитар ва ветеринар химоя

-Фармсаноат ва соғлиқни сақлаш

-Фан ва технология

Тузилиши:

1. Ташқи ишлар вазирлари йиғилиши, сессия раиси
2. Қора Денгиз бўйича иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти Кенгаши
3. Қора Денгиз бўйича иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси
4. Қора Денгиз савдо ва ривожланиш банки
5. Олий лавозимдаги шахслар йиғилиши
6. Ишчи гуруҳ (алоқа, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, молия ва банк, статистик ва иқтисодий маълумотлар, транспорт, ва ҳ.к)
7. Доимий халқаро Котибият
8. Иқтисодий ва статистик маълумотлар алмашинувини Қора Денгизмувофиқлаштириш маркази
Ташкилот расмий тили- рус ва инглиз

7.4. Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги халқаро молиявий ташкилотлар

Савдо ва ривожланиш бўйича Қора денгиз бўйи банки (ЧБТР).

Ушбу банк Қора денгиз бўйи иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС) аъзо-давлатларининг келишувига мувофиқ 1994 йилда ташкил топган. Банкка 11 та давлат аъзо бўлиб кирган :

Албания	Греция	Озарбайжон	Туркия
Арманистон	Грузия	Россия	Украина
Болгария	Молдовия	Руминия	

Банкнинг мақсадлари:

- Қора денгиз бўйи минтақасини иқтисодий ривожлантириш
- Инфраструктура проектларини молиялаштириш ва инвестрларни жалб этиш
- Халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва боқалар

Банкнинг ассосий фаолият йўналишлари:

- Қора денгиз бўйи иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС) доирасида тузилган проектларни кредитлаш

-Аъзо-давлатларнинг иқтисодий ривожланиш муаммоларни ҳал этиш

-Қора денгиз бассейинини иқтисодий ривожлантириш ва бошқалар

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки (МБЭС).

Банк Россияда жойлашган бўлиб, у 1963 йилда ташкил топиб, 1964 йилдан бошлаб ўз операцияларини бошлаган.

Мақсади:

-Халқаро савдога кўмаклашиш.

Аъзо давлатлар 9 та:

Болгария	Монголия	Россия Федерацияси
Вьетнам	Польша	Словакия
Куба	Руминия	Чехия

Тузилиши:

1. Кенгаш (аъзо давлатлар вакилларидан ташкил топган олий орган)

2. Ревизия комиссияси(Куба, Монголия, Польша, Руминия ва Словакия миллий банклари вакиллари бешта аъзоси)

3. Бошқарув (Кенгаш томонидан тайинланадиган бажарувчи орган)







4. Маъмурият (Банк операциялари бўйича департаментидан ташкил топган)





Фаолияти:

Бу банкнинг фаолиятини асосий мақсади, иқтисодий ислохатларни бозор иқтисодиётини ривожлантириш асосида олиб бориш. Ўтиш даври мамлакатларининг асосий қисмида иқтисодий пасайиш, инфляция, ишсизлик ва шу билан бир қаторда ташқи қарзларни тўлолмаслик муаммолари мавжуд. Шу муаммоларни ечишда банкнинг асосий фаолиятининг мақсадидир.

Халқаро инвестиция банки (МИБ).

1970 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу банкка 11 та давлат аъзодир:

 Болгария	 Россия Федерацияси	 Куба
 Венгрия	 Чехия	 Вьетнам

 Монголия	 Словакия	Югославия
 Польша	 Руминия	

Банк хозирги кунда халқаро норма ва стандартлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда

Назорат учун саволлар:

1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг мақсадлари
2. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЭС).
3. Қора денгиз бўйи иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС).
4. Савдо ва ривожланиш бўйича Қора денгиз бўйи банки (ЧБТР).
5. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки (МБЭС).
6. Халқаро инвестиция банки (МИБ).

8- мавзу. Америка давлатларининг худудий иқтисодий ташкилотлари

Режа:

1. Америка давлатлари ташкилоти (ОАГ).
2. Америка мамлакатлариаро тараққиёт ривожланиш банки (МАБР).
3. Америка мамлакатлариаро инвестиция корпорацияси. (МАИК)
4. Лотин Америкасидаги халқаро ташкилотлар
5. Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар ривожланишида халқаро ташкилотлар
6. Америка давлатлари ривожланишида интеграцион ташкилотлар
7. Америка маркази иқтисодий интеграция банки (ЦАБЭИ).

8.1.Америка давлатлари ташкилоти (ОАГ).

1948 йилда Боготада Америка мамлакатлари 9-халқаро конференциясида унинг устави имзоланд ва ташкил этилди, унинг ичига аъзо-давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи америка мамлакатлари аро иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши киради.

Такилотга 35 давлат аъзо

Антигуа ва Барбуда	Бразилия	Доминика	Никарагуа	Сант-Люсия
Аргентина	Венесуэла	Доминика республикаси	Панама	Суринам
АҚШ	Гаити	Канада	Парагвай	Тринидад ва Тобаго
Багама ороллари	Гайана	Колумбия	Перу	Уругвай
Барбадос	Гватемала	Коста-Рика	Сальвадор	Чили
Белиз	Гондурас	Куба	Сант-Винсет ва Гоенадин	Эквадор
Боливия	Гренада	Мексика	Сент- Китс ва Невис	Ямайка

Мақсадлари:

- Қиτάда тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлаш
- Аралашмаслик принципларини хурмати ила демократияни мустахкамлаш ва рағбатлантириш
- Аъзо-давлатлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган бахсларни олдини олиш
- Иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий масалалар ечимини топиш
- Маданий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликка ёрдам бериш
- Аъзо-давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қуролланишни сезиларли даражада қисқартириш орқали ресурсларни катта қисмини шунга йўналтириш

Тузилиши:

1. Бош ассамблея
2. Ташқи ишлар Вазирлари маслахат Кенгаши
3. Кенгашлар
4. Америка мамлакатлари аро ҳуқуқий Қўмита
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатлари аро Комиссия
6. Бош Котибият
7. Махсуслашган конференция ва ташкилотлар

8.2. Америка мамлакатлари аро инвестиция корпорацияси (МАИК)

АҚШнинг Вашингтон штатида жойлашган бўлиб, 1989 йилда ўз операцияларини бажаришни бошлади. У Америка мамлакатлари аро таррақиёт банкининг гурухи бўлаги ҳисобланади. Корпорация ҳуқуқий автоном ташкилот ҳисобланади.

Мақсади:

- Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали аъзо-давлатлар иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш.
- Худудий трансчегаравий проектларни қўллаб-қувватлаш.

Аъзо – давлатлари 34 та

Австрия	Венесуэла	Израил	Никарагуа	Франция
Аргентина	Гаити	Испания	Панама	Чили
АҚШ	Гайана	Италия	Парагвай	Швейцария
Барбадос Ороллари	Гватемала	Колумби я	Перу	Эквадор
Багама	Гондурас	Коста-	Сальвадор	Ямайка

ороллари		Рика		
Боливия	Германия	Мексика	Тринидад ва Тобаго	Япония
Бразилия	Доминикан Республикаси	Нидерландия	Уругвай	

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши.
2. Ижрочи-директорлар Кенгаши.
3. Маъмурият.
4. Маслахат органлари.

8.3. Лотин Америкасидаги халқаро ташкилотлар

Лотин Америкаси иқтисодий тизими (СЕЛА)

Панама конвенцияси асосида 1975 йилда тузилган бўлиб, асосий мақсадлари сифатида қуйдагиларни белгилаб олди:

- аъзо-давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тезлаштириш учун ички худудий ҳамкорликка кўмаклашиш;

- иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича умумий позиция ва стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни халқаро ташкилотлар ва халқаро форумларда кўриб чиқиш ҳамда учинчи дунё мамлакатлари ва мамлакатлар гуруҳлари билан музокаралар олиб бориш. Аъзо мамлакатлар 27 та.

СЕЛАнинг асосий фаолият йўналиши:

- Аъзо – давлатларни учинчи дунё малакатларига ички худудий савдоси ва экспортига кўмаклашиш.

- Балиқчилик саноатини имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ушбу соҳада аъзо-давлатлар хатти-харакатларини бир-бирига мослаштириш.

- Худуддаги мамлакатларни ўғит билан таъминлаш мақсадида ўғит савдосини ривожланишига кўмаклашиш.

- Худуддаги мамлакатлар ўртасидаги келишув ва дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш; илм ва техника соҳаларидаги ишларни мувофиқлаштириш, анализ қилиш ва маслахатлар бериш.

- Мамлакатлар худудида касаначиликни ривожлантириш.

-Технологик маълумотлар инфротузилмасини ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Лотин Америкасининг энергетика бўйича ташкилоти (ЛАОЭ).

1974 йилдан кучга кирди, 1973 йилда Лотин Америкасининг энергетика бўйича ташкилотига (ЛАОЭ) Лима келишувига мослашган ҳолда асос солинган.

Ташкилот ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилот сифатида энергетика соҳасида мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат бериш билан шугилланади.

Мақсади:

Худудий энерго ресурсларини маркетинги ва оқилона ишлатиш, сақлаш, химоя қилиш, шу соҳада интеграция.

Принциплари:

-Мамлакатлар худудлари кутганидек ва уларни қизиқишларига жавоб берувчи худудий характердаги муҳимроқ бўлган муаммоларни ўрганиш.

- Умумиқтисодий вазиятдан келиб чиқган ҳолда энргия соҳасида ривожланишнинг алтернатив концепцияларини ва умумхудудий дастурларни ишлаб чиқиш.

-Интеграция жараёнига кўмаклашиш.

-Халқаро ташкилот ва агентликлар билан алоқаларни ривожлантириш.

Аъзо-давлатлар 25 та:

Барбадос	Гватемала	Колумбия	Панама	Тринидад ва Тобаго
Боливия	Гондурас	Коста-Рика	Парагвай	Уругвай
Бразилия	Гренада	Куба	Перу	Чили
Венесуэла	Гаити	Мексика	Салвадор	Эквадор
Гайана	Доминикан Республикаси	Никарагуа	Суринам	Ямайка

Функциялари:

- Худудда умуман табиий ресурсларни химоя қилиш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар ўтказишга чақириш.

- Аъзо-далатлар энерго-ресурсларини маркетинги ва қайта ишлаш, казиб олиш, разведка бўйича оқилона сиёсатига кўмаклашиш.

- Илмий, технологик ва ҳуқуқий маълумотларни тарқатиш ва алмашишда техник ҳақорликка кўмаклашиш.

- Худудда энерго-ресурсларни ишлатиш, сақлаш, ташиш ва казиб олишда атроф муҳитни ифлосланишини олдини олиш бўйича эффе́ктив тадбирларни қабул қилишга аъзо-давлатларни чақириш.

Тузилиши:

1. Вазирлар Кегаш.
2. Экспертлар Кенгаши.
3. Доимий Котибият.

8.4. Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар ривожланишида халқаро ташкилотлар

Кариб ҳамжамияти ва Кариб умумий бозори (КАРИКОМ).

1965 йилда ташкил этилган эркин савдо бўйича Кариб ассоциацияси давомчиси сифатида Чагуарамас (Тинидад ва Тобаго) даги Келишувга асосан 1973 йилда Кариб ҳамжамияти ва Кариб умумий бозори ташкил қилинди.

Ҳамкорликнинг учта асосий соҳалари:

1. Кариб умумий бозори орқали иқтисодий интеграция.
2. Функционал ҳамкорлик, умумий хизмат кўрсатиш соҳаларида ва ноиқтисодий соҳаларда ҳамкорлик.
3. Ташқи савдони мувофиқлаштириш.

Фаолияти:

КАРИКОМ интеграцион сиёсати иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, коммуникация, маданият, таълим ва умумий хизмат тизими соҳаларида ҳамкорлик қилишга қаратилган

Мақсадлари:

- Умумий бозор тартибини (режимини) қўллаш йўли билан аъзо – давлатлар иқтисодий интеграциясига кўмаклашиш.

- Аъзо-давлатлар ташқи савдо сиёсатини мувофиқлаштириш.

- Техник, маданий ва ижтимоий ривожланишга эришишда ва Кариб бассейни халқлари ўртасида бир-бирини тушунишларини кўтаришга кўмаклашиш, шунингдек халқларга аниқ ёрдам берувчи умумий тадбирлар ўтказиш ҳамда умумкариб хизматларини эффе́ктив бошқариш.

Аъзо-давлатлари:

Аргентина	Парагвай
Боливия	Перу
Бразилия	Уругвай
Венесуэла	Чили
Колумбия	Эквадор
Мексика	

Тузилиши:

1. Давлат бошқарувчилари Коференцияси, Конференция бюроси, Марказий банклар раислари Қўмитаси.
 2. Кариб ҳамжамияти Кенгаши, ҳуқуқий масалалар бўйича Қўмита, доимий бюджет Қўмитаси.
 3. Умумий бозор Кенгаши.
 4. Худудий институт ва ташкилотлар.
 5. Ассоциялашган Институтлар.
 6. Кариб ҳамжамияти парламентлари Ассамблеяси.
 7. Кариб ҳамжамияти котибияти.
- КАРИКОМ молия манбалари аъзо-давлатлар бадаллари ҳисобига молиялаштирилади.

Кариб тараққиёт банки (КБР ёки КАРИБАНК).

Кариб тараққиёт банки, худудий молиявий институт банк ташкил қилиш келишувига асосан 1969 йилда имзоланиб, 1970 йилдан кучга кириб ўз фаолиятини бошлади.

Мақсадлари:

- Кариб бассейни мамлакатлари ривожланиши ва иқтисодий ўсишига кўмаклашиш.
- Иқтисодий ҳамкорлик ва интеграцияни рағбатлантириш.
- Худуддаги кам ривожланган мамлакатлар талабларига алоҳида эътибор бериш.

Фаолияти:

Банк кредит оперцияларини икки категорияга бўлиш мумкин: оддий ресурслардан молиялаштирилладиган, оддий операциялар ва махсус фондлардан молиялаштирилладиган махсус операциялар. Алоҳида дастурлар иккала манбалардан молиялаштирилиши мумкин.

Аъзо-давлатлар 25 та:

Ангилья	Британ Вирги Ороллари	Гренада	Колумбия	Сент-Китс ва Невис
Антигуа ва Барбуда	Буюк Британия	Доминика	Мексика	Тринидад ва Тобаго
Багем ороллари	Венесуэлла	Италия	Монесеррат	Тёрке ва Кайкос ороллари
Барбадос	Гайана	Канада	Сент- Винсент ва Гренадин	Франция
Белиз	Германия	Кайманова ороллари	Сент-Люсия	Ямайка

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши.
2. Директорлар Кенгаши.
3. Президент.

Функциялари:

- Худудий аъзоларни ривожланиш дастурларини мувофиқлаштиришда ёрдам бериш.
- Ресурсларни оқилона ишлатишда ёрдам бериш.
- Аъзо-далатлар ички худудий ва халқаро савдосини кенгайтиришга ёрдам бериш.
- Қўшимча молиявий ресурсларни мобиллаштириш
- Инвестицион дастурлар тайёрлашда ва танлашда анализ ўтказиш билан керакли техник ёрдам кўрсатиш
- Худуддаги молия институтларига ёрдам кўрсатиш йўли орқали ривожланиш дастурларига давлат ва хусусий инвестицияларини йўналтириш.
- Капитал бозорлари ва худудий молия институтларини ривожланишига кўмаклашиш

Шарқий Кариб малакатлари ташкилоти. (ОВКГ)

1981 йилда кучга кирган.

Мақсадлари:

-БМТ низоми ва КАРИКОМни ташкил қилиниши Келишувига биноан аъзо-давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш

-Аъзо – давлатларнинг мустақиллигини, худудий бутунлигини ва уларнинг суверенитетларини ҳимоя қилиш ва уларни бирлигини кучайтириш.

-Аъзо – давлатлар ташқи савдо сиёсатини максимал даражада келишилганлигига эришишга интилиш.

-Иқтисодий интеграцияга кўмаклашиш.

-Икки томонлама қизиқишдаги саволлар ечимини тадбирлар ўтказиш ва ўзаро келишганлик йўли билан хал қилиш.

Тузилиши:

1. Ҳукумат бошқарувчилари Кенгаши.

2. Тўртта кўмиталар: ҳуқуқий кўмита, иқтисодий кўмида, муҳофаза ва мудофа кўмитаси, ташқи ишлар кўмитаси.

3. Бош котибият, иқтисодий масалалар бўйича котибият ва бош директор.

Аъзо-давлатлар 7 та

Антигуа ва Барбуда	Сент-Винсент ва Гренадин
Гренада	Сент-Китс ва Невис
Доминика	Сент-Люсия
Монсеррат	

Фаолияти:

Шарқий Кариб малакатлари ташкилотининг (ОВКГ) барча фаолияти 5та асосий бўлимларга гуруҳлашган:

1) иқтисодий ривожланиш ва савдо;

2) табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиий ресурсларни ривожлантириш; 3) ижтимоий ривожланиш;

4) авиация ташувчилари;

5) трансекториал ёрдамлашувчи хизматлар.

8.5. Америка давлатлари ривожланишида интеграцион ташкилотлар

Лотин Америкаси интеграция ассоциацияси. (ЛАИ)

1980 йилда ташкил топди ва Монтевидео Келишувига мувофиқ 1982 йилдан кучга кирди, ассоциация 1960 йилда ташкил топган эркин савдо бўйича Лотин Америкаси ассоциациясини ўрнига алмашди.

Ассоциацияга 11 давлат аъзо

Аргентина	Колумбия	Уругвай
Боливия	Мексика	Чили
Бразилия	Парагвай	Эквадор
Венесуэла	Перу	

Мақсадлари:

- Худуд мамлакатлари ўртасида ўзаро савдони тартибга солтш ва ёрдам бериш;
- Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларини иқтисодий тизимини ривожлантириш;
- Бозорни кенгайтиришга йўналтирилган иқтисодий ҳамкорликни активлаштириш ва ривожлантириш.

Узоқ мудатга мўлжалланган мақсад:

- переференция иқтисодий худудларни ташкил этишни рағбатлантириш орқали латинамерикаси умумий бозорини босқичма-босқич ташкил қилиш.

Принциплари:

- иқтисодий ва сиёсий масалаларда интеграцияга интилиш.
- Латин Америкаси мумий бозорини яратиш учун олиб борадиган у ёки бу келишувларни имзолаш.
- Эгилувчанлик.
- Аъзо мамлакатларни уч босқич асосида (ривожланган, ривожланаётган ва кам ривожланган) алоқаларни дифференциялаш.
- Келишувларни турли хил механизмларда олиб бориш.

Тузилиши:

1. Вазирлар кенгаши.
2. Доимий вакиллар кўмитаси.
3. Бош котибият.

Жанубий умумий бозор (МЕРКОСУР).

90-йиллар ўртасига келиб интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида МЕРКОСУР савдо пакти тузилиши воситасида фаоллашди. Жанубий конус мамлакатларининг умумий бозори -МЕРКОСУР ўзи мавжуд бўлган ерларда жаҳоннинг энг динамик интеграция гуруҳларидан бирига

айланди. 1998 йилдаёқ бирлашманинг тўрт қатнашчиси ўртасидаги савдо хажмининг деярли 95 фоизига пошлина солинмади.

Агар, 90-йиллар ўртасида Лотин Америкаси мамлакатлари НАФТА блокига интиломқдалар деб ҳисобланган бўлса, ҳозир вазият ўзгарди. МЕРКОСУРга эркин савдо тўғрисидаги битим асосида Чили ва Боливия кўшилди (ассоциацияланган аъзолар сифатида). МЕРКОСУР билан Анд гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги музокаралар олға силжимокда. Унга Боливиадан ташкари Венесуэла, Колумбия, Перу, Эквадор киради. МЕРКОСУР якин истиқболда Панама каналдан Магеллан бўғозигача бўлган ерни қамраб олувчи Жанубий Америка эркин савдо зонаси - САФТАни ташкил этиш режасига эга.

МЕРКОСУРнинг барпо этилиши ўзаро савдонинг кескин кўпайишига, бошқа минтақавий савдо гуруҳлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келди. Ўзаро инвестиция фаоллиги сезиларли равишда ўсди, чет элдан келувчи инвестициялар ўсмоқда. МЕРКОСУРнинг муваффақиятли фаолияти минтақада сиёсий барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ғарбий Европа интеграциясидан фарқ қилган ҳолда, ушбу Жанубий Америка бирлашмаси ўз даражасига кўра турлича бўлган давлатлар ягона ташкилотда мавжуд бўлишидангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишидан ҳам далолат беради. Бунинг учун бундай бирлашмаларнинг барча бўғинларини пухта тайёрлаш, улар фаолиятига юқори малака билан раҳбарлик қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат учун унинг ўз ўрнини топиш учун, қарама-қаршиликларни юмшатиш, мурасага бориш истаги талаб этилади. 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай томонидан эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқи яратиш мақсадида қўл қўйилган ва 1995 йилда Асуньсон келишувига асосан ташкил топган.

Анд пакти давлатлари

Анд пакти давлатлари ёки Анд гуруҳи.

Картахен келишувига асосан 1969 йилда ташкил топган.

Унга 5 та давлат аъзо:

Боливия

Венесуэла

Колумбия

Перу
Эквадор

Анд пакти гуруҳи Анд интеграцияси тизимининг бир бўлагини ташкил қилади. Аъзо-давлатлар томонидан ташкил топган сиёсий институтлар бу тизимнинг иккинчи бўлаги ҳисобланади.

Анд гуруҳининг мақсадлари:

- аъзо-давлатларни ижтимоий-иқтисодий ва интеграцияси ҳамкорлиги орқали ривожланишига кўмаклашиш;
- Бандликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш;
- Лотин Америкаси умумий бозорини яратиш.

Анд гуруҳи фаолиятининг асосий йўналишлари:

- аъзо-давлатларнинг умумий битта иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиш; аъзо-давлатлар иштирокида бажарилаётган проектларни мувофиқлаштириш;
- Анд гуруҳи доирасида ҳуқуқий нормаларни бир хилда қабул қилиниши ва ижросини текширувини яратиш;
- Анд меҳнат институти ва хусусий тадбиркорлар Иттифоқи ёрдамчи органлари орқали Анд гуруҳи органлари ва худудлари ўртасида янада яқин алоқаларни ўрнатиш.

Анд гуруҳи доирасида қўйидагилар яратилган:

- Ривожланиш Анд корпорацияси 1986 йилда;
- Анд резерв фонди;
- Телекоммуникациялар компанияси Ассоциацияси.

**8.6. Марказий Америка иқтисодий интеграция банки
(ЦАБЭИ)**

Банк капитал қўйилмалари орқали Марказий Америка иқтисодий ривожланишига ва интеграцияга ёрдам бериш иақсадида 1960 йилда ташкил топган бўлиб, банк 1961 йилдан ўз операцияларини бажаришга киришди.

Банкка 7 та мамлакат аъзо

Гватемала	Никарагуа
Гондурас	Сальвадор
Коста – Рика	Тайвань
Мексика	

Мақсади:

Марказий Америка давлатлари иқтисодий интеграция ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши
2. Директорлар Кенгаши
3. Маъмурият, президент, бажарувчи вице-президент

Дастурий фаолият соҳалари:

- мавжуд ҳудудий тизимларга кўмаклашишга қаратилган инфратузилмавий объектлар.

- Ҳудудий ишлаб чиқаришга ёки Марказий Америка умумий бозори учун манфаатли бўлган узок муддатли инвестициялар

- Қишлоқ хўжалиги секторига капитал қўйилма.

- Тадқиқот ишларини, хизмат кўрсатиш соҳаларини, корхоналарни молиялаштириш.

- Ички ҳудудий савдони миқдорини ва шунингдек учинчи дунё мамлакатлари билан Марказий Америка савдосини кўпайтриш.

- Ижтимоий ҳимоя.

- Атроф-мухитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурсларни оқилона ишлатиш.

Назорат учун саволлар:

1. Америка давлатлари ташкилотининг мақсадлари.
2. Америка мамлакатлари аро тараққиёт ривожланиш банки (МАБР).
3. Америка мамлакатлари аро инвестиция корпорацияси (МАИК).
4. Лотин Америкаси иқтисодий тизимининг асосий фаолият йўналиши.
5. Лотин Америкаси интеграция ассоциацияси мақсадлари ва узок мудатга мўлжалланган мақсади.
6. Кариб ҳамжамияти ва Кариб умумий бозори ҳамкорликнинг учта асосий соҳалари.
7. Кариб тараққиёт банки (КБР ёки КАРИБАНК) функциялари.
8. Шарқий Кариб малакатлари ташкилотининг мақсадлари.
9. Жанубий умумий бозор (МЕРКОСУР).
10. Анд пакти давлатлари фаолиятининг асосий йўналишлари.
11. Марказий Америка иқтисодий интеграция банкининг дастурий фаолият соҳалари.
12. Лотин Америкасининг энергетика бўйича ташкилоти функциялари.

9-мавзу. Осиё ва Тинч океани минтақасининг худудий иқтисодий ташкилотлари

- 1.Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС).
- 2.Жануби-Шарқий Осиё малакатлари ассоциацияси (АСЕАН).
- 3.Жанубий Тинч океан форуми (ЮТФ).
- 4.Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК).
5. Осиё ва Тинч океанининг иқтисодий ҳамкорлик ва ижтимоий ривожланиш бўйича “Коломбо режаси”.
- 6.Ишлаб чиқариш масалалалри бўйича Осиё ташкилоти (АОП).
- 7.Осиё тараққиёт банки (АзБР).
8. ОТБнинг Тошкент анжумани: ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

9.1.Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС).

Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС) 1989 йилда Осиё - Тинч океани минтақаси (АТР) мамлакатларини иқтисодий ўсиши ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил топди жумладан : хизматлар соҳасида, капитал ва технология соҳасида, савдо тизимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш соҳасида Осиё - Тинч океани минтақаси (АТР) да савдо ва инвестицияларни эркинлаштиришни кенгайтириш соҳасида, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш соҳасида, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида эркин бозор принципларини амалда ошириш соҳасида ва бошқалар.

Осиё - Тинч океани ҳамкорлик ташкилотининг аъзолари:

Иқтисодиётда иштирокчилар	Аъзо бўлган йили
Австралия	1989
Бруней	1989
Канада	1989
Индонезия	1989
Япония	1989
Корея Республикаси	1989
Малайзия	1989
Янги Зеландия	1989
Филиппин	1989

Сингапур	1989
Таиланд	1989
АҚШ	1989
Хитой Тайбэйи	1991
Гонконг, Хитой	1991
Хитой Халқ Республикаси	1991
Мексика	1993
Папуа — Янги Гвинея	1993
Чили	1994
Перу	1998
Россия	1998
Вьетнам	1998

ОТИХга аъзо-давлатлар улишига жаҳон ЯИМнинг 60%, жаҳон савдосининг 40%, олтин-валюта запасининг 80% тўғри келади.

ОТИХ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- аъзо-давлатлар ўртасида ривожланишни такомиллаштириш мақсадида ахборот алмашуви билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва сиёсий учрашувларни ўтказиб бериш;

- Товар ва хизматлар ҳаракати шунингдек инвестиция ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳар қандай чекловларни бартараф этиш;

- Энергетика хўжалиги, транспорт ва телекоммуникация хўжалиги, туризм ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳалари бўйича ҳамкорликларни йўлга қўйиш;

- Минтақавий савдони, инвестиция, молиявий ресурслар ҳаракатини, технологик алмашувлар ва саноат соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, меҳнат ресурслари билан таъминлаш соҳалари бўйича ҳамкорликларни йўлга қўйиш.

9.2. Жануби-Шарқий Осиё малакатлари ассоциацияси (АСЕАН).

Ушбу ассоциацияси Жакартада жойлашган бўлиб, 1967 йилда Бангкокда («Бангкок декларацияси» сифатида машҳур) ташкил топди ва унга қуйдаги давлатлар аъзо бўлди:

Бруней	Малайзия
Вьетнам	Мьянма
Индонезия	Сингапур
Камбоджа	Таиланд
Лаос	Филиппины

Мақсади ва фаолият йўналишлари:

- аъзо-давлатлар ўртасида фан-техника, ижтимоий ва маданий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиш;

- Молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, атроф-муҳитни ҳимояси ва телекоммуникация соҳаларида ҳамкорлик қилиш;

- Жаҳоннинг минтақавий ва халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Тузилиши:

1. АСЕАНнинг энг олий органи - ҳукумат ва давлат бошқарувчилари учрашуви (уч йилда бир мартта ўтказилади, норасмий учрашувлар ҳар йили).

2. АСЕАН давлатлари ташқи ишлар вазирлари учрашуви, асосий сиёсий йўналишлар ишлаб чиқилади ва бир йилда бир мартта ўтказилади (ўтказиладиган мамлакат алфавит бўйича танланади).

3. Иқтисодиёт вазирлари учрашуви, иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари аниқланади (бир йилда бир мартта ўтказилади).

4. Соҳалар бўйича вазирлар учрашуви, иқтисодий ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларига (энергетика, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги) жавоб беришади (зарур ва лозимлигига қараб ўтказилади).

5. АСЕАН давлатлари бошқа соҳалар (таълим, энергетика, соғлиқни сақлаш, меҳнат, ижтимоий таъминот, илм ва техника, экология ва ахборот) вазирлари учрашуви (зарур ва лозимлигига қараб ўтказилади).

6. Иқтисодиёт ва ташқи ишлар вазирлари қўшма ўзаро учрашуви.

7. АСЕАН котибияти, бош котиб (вазир даражасида) бошқаради, унга ўринбосар, учта департамент директорлари ва тўққита директор ёрдамчилари ёрдам беришади. Бош котиб маслаҳат беради, мувофиқлаштиради ва ташкилот фаолиятини йўналтиради.

8. АСЕАН доимий қўмиталари.

9. Юқори лавозимдаги шахслар учрашуви.

10. Иқтисодий масалалар бўйича юқори лавозимдаги шахслар учрашуви.

11. Бошқа соҳалар (экология масалалари бўйича, наркотик модаллар бўйича, ижтимоий ривожланиш қўмитаси, илм ва технология қўмитаси, давлат ҳарбий хизмати масалалари бўйича АСЕАН конференцияси, маданият ва ахборот бўйича қўмита) бўйича юқори лавозимдаги шахслар учрашуви.

12. Маслаҳатчи қўшма қўмита, АСЕАН бош котиби, юқори лавозимдаги шахслар учрашуви ва иқтисодий масалалар бўйича юқори лавозимдаги шахслар учрашуви қатнашчилари, ҳамда АСЕАН бош директорлариидан ташкил топган.

9.3. Жанубий Тинч океани форуми (ЮТФ)

Ушбу форум 1971 йилда ташкил этилди. Форумга жаҳоннинг 15 та мамлакати аъзо бўлиб кирган.

Австралия, Маршал ороллари, Гвенея, Канада, Вануату, Науру, Саламон орллари, Хитой, Ғарбий Самоа, Янги Зеландия, Тонго, Буюк Британия,

Карибан, Ницэ, Тавалу, АҚШ, Кук ороли , Янги Гвения-папуаслари, Микронезия Бирлашган штатлари, Япония.

Форумнинг мақсади:

- минтақадаги глобал муммолар билан боғлиқ бўлган иқтисодий, атроф-муҳит , хафсизлик масалаларини ҳал этиш ва х.к.

Ушбу форум жаҳоннинг бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлари (ПРООН, ЕХ) билан ҳамкорлик олиб боради. БМТнинг Бош Ассамблеяси йиғилишларида ҳам Форум қатнашиш ҳуқуқига эга.

Форумнинг асосий фаолият йўналишари:

- аъзо-давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари билан мувофиқлаштирувчи фаолият юритиш.

- БМТнинг атроф-муҳит дастурида (ЮНЕП), Жанубий Тинч океанининг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш (ЭСКАТО) Дастурида иштирок этиш.

- Жанубий Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни олиб бориш ва бошқалар.

Форум доирасида қуйидаги ташкилотлар ташкил этилган:

- “Балиқчилик хўжалиги бўйича агентлик”. Ушбу агентлик аъзо давлатларга жаҳон бозорларида балиқ нархи, балиқ маҳсулотларини

қайта ишлаш ва ташиш тўғрисидаги зарурий маълумотларни етказиб беради.

- “Маркетингни қўллаб-қувватлаш фонди”. Ушбу фонд асосан минтақа мамлакатларини ва шунингдек учунчи дунё давлатларини тадбиркорларини (экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини) қўллаб қувватлайди.

-“Жанубий Тинч океани савдо комиссияси”. Ушбу комиссия асосан Австралияда (Сиднейда) ва Янги Зеландияда (Окланда) фаолият кўрсатиб, халқаро савдони ривожлантириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

-“Туризм масалалари бўйича давлатлараро ташкилот”. Ушбу ташкилот асосан Жанубий Осиё мамлакатлари ва Тинч океанида туризмни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

1989 йилда форумнинг Телекоммуникация Дастури тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосан минтақада телекоммуникация соҳасини ривожлантириш (техник воситалр, хизмат кўрсатиш) ишлари билан шуғулланиб келади.

9.4. Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК)

Ушбу ассоциацияси 1985 йилда ташки топди. Ассоциацияга Жанубий Осиёнинг 7 та давлати:

Бангладеш, Бутан, Хиндистон, Малдивлар, Непал, Покистон, Шри-Ланка аъзо бўлиб кирган.

СААРКнинг мақсади:

Аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, фан ва техника, ижтимоий ва маданий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари СААРКнинг мақсади минтақада иқтисодий ўсишни кўтариш ва кучайтириш, аҳолини маданий турмуш тарзини яхшилашдан ҳам иборат.

СААРКнинг асосий фаолият йўналишлари:

-Мувофиқлаштиручи дастур бўйича ҳамкорлик қилиш ва уни молиялаштириш.

-Тармоқлараро устиворликни аниқлаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш.

- Иқтисодий савдо ва техник соҳалар бўйича Дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш.

Ушбу Дастур ва лойиҳалар бўйича СААРК ҳозирги кунда 12 та соҳа бўйича (қ/х, коммуникация, атроф-муҳит, қишлоқ районларини ривожлантириш, фан-техника, туризм, транспорт, наркотик моддаларини тайёрлаш ва уни истеъмол қилишга қарши кураш соҳалари ва бошқалар) фаолият кўрсатиб келмоқда.

Принциплари:

- Қуйидагиларга асосланган ҳамкорлик:

Суверен тенглик, ҳудудий бутунлик, сиёсий мустақил, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаат.

- Икки ва кўп томонлама ҳамкорликда бир- бирини тўлдириш.

- Икки ва кўп томонлама мажбуриятлар ҳамкорликдаги мажбуриятлар билан мо бўлиши керак.

9.5. Осиё ва Тинч океанининг иқтисодий ҳамкорлик ва ижтимоий ривожлантириш бўйича “Коломбо режаси”

1950 йилда Миллатлар ҳамдўстлиги аъзолари ташқи ишлар вазирлари учрашувида қабул қилинди ва 1951 йилдан Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё халқлари ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бўйича ўзаро қўшма ташаббуси сифатида амалга оширила бошлади. Ушбу планга жаҳоннинг 24 та давлати аъзо бўлиб кирган.

“Коломбо режаси”нинг мақсади:

- аъзо-давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ривожлантириш.

- аъзо-давлатларнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш

- Аъзо-давлатларни иқтисодий ривожланишига молиявий ва техник ёрдамлар кўрсатиш.

“Коломбо режаси”нинг асосий фаолият йўналишлари:

- Аъзо – давлатлар ўртасида икки томонлама техник ёрдамларни амалга ошириш. Ушбу ёрдамлар асосан миллий ривожланишни техник лойиҳаларни молиялаштириш шаклида, озиқ-овқат ва хом-ашё материалларини етказиб бериш шаклида, маслахатлар бериш ва таълим соҳаси билан боғлиқ дастурларни амалга ошириш ва бошқа шакилларда амалга оширилмоқда.

- Иқтисодий ва ижтимоий ривожланган турли соҳалари билан боғлиқ (кичик ва ўрта тадбиркорлик ни ривожланиш соҳаси, фан ва техника, таълимни ривожлантириш соҳаси, экологик муаммоларни ҳал этиш ва бошқ.) бўлган ҳамкорликларни амалга ошириш.

- Наркотик моддаларини ишлаб чиқариш ва истеъмолига қарши кураш Дастурларини амалга ошириш соҳаси ва бошқ.

Тузилиши:

1. Маслаҳатчи қўмита.
2. “Коломбо режаси” Кенгаши.
3. “Коломбо режаси” бюроси.

9.6. Ишлаб чиқариш масалалари бўйича Осиё ташкилоти (ОАП)

Ушбу ташкилот 1961 йилда давлатлараро минтақавий ташкилот сифатида ташкил топди. Ташкилотга Осиёнинг 18 та давлати аъзо бўлиб кирган.

АОПнинг асосий фаолият йўналишлари:

- саноат ва қ / хўжалигида меҳнат унумдорлигини кўтариш.
- Хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш.
- Лойиха-дастурларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.

АОП нинг саноат ва хизмат кўрсатиш Дастурлари ўз ичига қуйдагиларни (самарадорлик, ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхонада меҳнат унумдорлигини кўтариш, бошқарув механизми сифат назорати, ишлаб чиқариш, маркетинг, технологик бошқарув, ахборот воситалари билан таъминлаш ва х.к.) олади.

Тузилиши:

1. Бошқарув.
2. Бош котиб.
3. ИМТ (ишлаб чиқариш масалалари бўйича миллий ташкилотлар) бошқарувчилари ишчи учрашуви.

9.7. Осиё тараққиёт банки (АзБР).

1963 йилда Манилада биринчи мартта ўтказилган Осиё иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар конференцияси тавсияси билан ташкил қилинди. Банкни ташкил этиш бўйича келишув 1965 йилда имзоланди ва 1966 йилдан бошлаб банк уз операцияларини амалга ошира бошлади.

Банкнинг бешта стратегик вазифалари:

- Узоқ шарқ ва Осиё худудида ҳамкорлик ва иқтисодий ўсишга кўмаклашиш.
- Камбағаллик даражасини пасайтириш.
- Инсон ресурсларини ривожлантириш.
- Табиатдан фойдаланишда рационал таъминлаш.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар кенгаши.
2. Директорлар кенгаши.
3. Президент

9.8. ОТБнинг Тошкент анжумани: ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

“3 май куни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Президент Ислам Каримов ва Ўзбекистон халқига ОТБнинг мазкур форуми – банк Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган мажлисини ташкил этишда кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди. ОТБнинг асосий вазифаси Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишда кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик муаммолар, жумладан иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. 67 давлат, жумладан, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг саноати ривожланган қатор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда

ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ОТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён ушбу йирик халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «ўзбек модели» деб кенг эътироф этилган ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш самарасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмода.

Шу боис ушбу нуфузли халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумини айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилинди. Мамлакатимизнинг Президент Ислон Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасидаги тажрибаси жаҳонда кенг ўрганилмоқда.

2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши комплекс чоралар самарадорлигининг амалий натижасидир.

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми қарийб 26 фоизга, жумладан, хорижий инвестициялар 68 фоизга кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижлик ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга, бу ерда яратилган қулай инвестиция муҳитига ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, 2010 йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Ўзбекистон молия сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий кредитлар, жумладан, ОТБнинг кредит линиялари бўйича маблағлар узоқ муддатли асосда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлида жалб этилмоқда.

ОТБ мамлакатимиз билан кредит ҳамкорлиги бўйича халқаро молия институтлари орасида биринчи ўринда туради. Ушбу ҳамкорлик кўплаб йўналишларда амалга оширилмоқда. Жумладан, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика, қишлоқ

хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда стратегик аҳамиятга эга қўшма лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон ва ОТБ автомобил ҳамда темир йўллар тармоғини кенгайтириш, хусусан, Марказий Осиё минтақаси транспорт йўлагининг бир қисми бўлган Ўзбекистон миллий автомагистралини ривожлантириш учун фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Қиймати 300 миллион долларлик “Сув таъминоти ва канализация соҳасида мултитраншли молиялаш дастури” 2009 йилдан амалга ошириладиган йирик лойиҳалардан биридир. Илгари қабул қилинган ана шундай лойиҳани амалга ошириш доирасида Қашадарё ва Навоий вилоятларининг 170 аҳоли пунктида қувурлар ўтказилмоқда ҳамда мавжуд ускуналар ҳолати яхшиланмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС).
2. Жануби-Шарқий Осиё малакатлари ассоциациясининг мақсади ва тузилиши.
3. Жанубий Тинч океани форуми доирасида ташкил этилган ташкилотлар.
4. Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциациясининг асосий фаолият йўналишлари.
5. “Коломбо плани”нинг асосий фаолият йўналишлари.
6. Ишлаб чиқариш масалалари бўйича Осиё ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари.
7. Осиё тараққиёт банкининг бешта стратегик вазифалари.
8. ОТБнинг Тошкент анжумани: ривожланиш йўлидаги ҳамкорлиги

11-мавзу. Араб ва Африка минтақасидаги мамлакатлар ривожланишда иқтисодий ташкилотларнинг роли

1. Араб мамлакатларининг интеграцион бирлашмалари
2. Араб иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жамғармаси (АФЭСР)
3. Араб валюта жамғармаси (АВФ)
4. Форс кўрфази давлатлари ҳамкорлик кенгаши (ССАГПЗ)
5. Африка бирлик ташкилотлари (ОАЕ)
6. Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқи (ЮДЕАК)
8. Африка мамлакатлари молиявий ташкилотлари (БДЕАС, БОАД, ВАБР, АфБР, АФР)
9. Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти ва иттифоқи (ЭКОВАС, УЭМОА)
10. Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти (САДК) ва Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори (КОМЕСА)

10.1. Араб мамлакатларининг интеграцион бирлашмалари

Ислом анжумани ташкилоти (ОИК).

1969 йилда муслмон давлатлари бирдамлигига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Унинг таркибида 55 та мамлакат аъзо.

Анжуман доирасида доимий кўмиталар ташкил қилинган ва давлатларнинг бошқарувчилари томонидан бошқарилади.

Уч йилда бир мартта ўтказиладиган давлат ва укумат бошқарувчилари конференцияси асосий рол ўйнади, ҳар йили вазирлар ва ташқи ишлар вазирлари конференцияси чақирилади. Бу кенгашларда исломни маданий ривожлантиришда умумий муаммолар муҳокама қилинади. Анжуман ислом динида бўлган мамлакатар халқаро сиёсий муаммоларига (масалан: палистин, афғон) ўзининг ёндашуви билан бефарқмаслигини ҳам аниқлаштиради.

Араб минтақавий бирлиги кенгаши (САЭЕ)

Ушбу кенгаш 1964 йилда ташкил топди. Кенгашга араб давлатларининг 12 таси Миср, Ироқ, Яман, Қувайт, Ливия, Мавритания, БАА, Фаластин, Сурия, Сомали, Судан, Иордания аъзо бўлиб кирган. Кенгашга аъзо давлатларнинг 7 таси Миср, Ироқ, Иордания, Яман, Ливия, Мавритания ва Сурия булар араб давлатларининг умумий бозори сифатида аъзо бўлиб кирган.

Мақсади:

- минтақада умумий бозорни ташкил етиш – бу ўз ичига давлатни иқтисодий (озик-овқат аҳоли ва товар ҳаракати) эркинлаштиришни олади.

- транспорт ва транзит йўллари, шунингдек инфратузилманинг эркинлигини таъминлаш – бунга денгиз портлари, фуқоролик аэропортлари ҳаракатлари, ахборотлар эркинлигини киритиш мумкин.

- Ҳусусий мулкчиликни ривожлантириш ва ҳоказо.

Кенгашнинг асосий фаолият йўналишлари:

- транзит юк ташишда экспорт импорт операцияларини доимийлигини таъминлаш; - жаҳон мамлакатлари билан савдо ва тўлов шартномалари бўйича келишувларни олиб боориш;

- аъзо давлатларнинг аъзо давлатларда инфратузилмани, савдо қишлоқ хўжалиги ва саноатни, интеграцион жараёнларни ривожлантириш ва координацион бошқариш;

- аъзо давлатларда иқтисодий соҳани координацион ривожлантириш;

- араб давлатлари ўртасидаги кўп томонлама ўзаро шартномаларни такомиллаштириб бориш;

- Халаро ташкилотлар (ЮНКТАД, Халаро савдо маркази ЮНИДО, ФАО ва минтақавий ташкилотлар СЕЛА, ЕС) билан ҳамкорликни кенгайтириш.

- аъзо давлатларнинг ҳамкорлигида араб компанияларини ташкил этиш – бундай компаниялар (масалан, Иорданияда медицина саноати, қазиб олиш соҳасидаги компаниялар, Сурияда чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги компаниялар, Ироқда инвестиция соҳасидаги компаниялар) фаолият кўрсатиб келмқода.

Кенгаш доирасида тадбиркорлик фаолиятни мувофиқлаштиришни бошқариш уюшмалари ташкил этилган бўлиб улар қуйдаглардан иборат:

1. Араб давлатларининг тўқимачилик саноат Уюшмаси (Сурия).

2. Араб давлатларининг цемент ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича уюшмаси (Сурия).

3. Араб давлатларининг шакар ишлаб чиқариш бўйича Федерацияси (Судан).

4. Араб давлатларининг кимёвий минерал ўғитлари ишлаб чиқариш бўйича Федерацияси (Қувайт).

5. Араб давлатларининг машинасозлик соҳасидаги Федерацияси (Ироқ)

6. Араб давлатларининг балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Федерацияси (Ироқда).

7. Араб давлатларининг озиқ-овқат саноати бўйича Федерация (Ирода).

8. Араб давлатларининг кemasозлик саноати бўйича федерацияси (Ироқда).

9. Араб давлатларининг коператив Федерацияси (Ироқ).

10. Араб давлатларининг ер ости транспорти Иттифоқи.

11. Араб давлатларининг медицина жиҳозлари ва медикаментлар ишлаб чиқариш бўйича Федерацияси.

10.2. Араб иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт фонди (АФЭСР)

Ушбу фонд ҳамкорлик шартномасига мувофиқ 1968- йилда ташкил топиб, 1971 – йилда кучга кирди.

1974-йилдан бошлаб эса фонд молиявий лойиҳалари бўйича операцияларни амалга ошира бошлаган. Ҳозирги кунда фонднинг аъоси бўлиб 21 та давлати ҳисобланади.

Фонднинг мақсади ва асосий фаолият йўналишлари:

- иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш, аъзо давлатларнинг ҳусусий сектори ва давлат ташкилотларига ва институтларига имтиёзлар бериш;

- давлат ва ҳусусий инвестицияларни кенгайтириш араб давлатларини иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

- аъзо давлатларга иқтисодий ривожланишнинг турли соҳалари бўйича техник ёрдамлар кўрсатиш;

- араб давлатлари аро савдони молиялаштириш дастурларини амалга ошириш;

- араб давлатлари билан минтақавий институтларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши (таркибига ҳар бир аъзо давлатлардан биттадан бошқарувчи ва бошқарувчилар ўринбосарлари киради. Олий бошқаруви орган ҳисобланади).

2. Директорлар Кенгаши (7 та аъзодан иборат. Бошқарувчилар кенгаши томонидан унга берилган ваколат орқали Фонднинг фаолиятига жавобгар).

3. Бош директор (Директорлар Кенгаши раиси).

10.3. Араб валюта фонди (АВФ)

Ушбу фонд 1976-йилда Араб давлатлари Лигасига аъзо давлатларнинг ташаббуси ва ўзаро келишувига мувофиқ 1977-йилда ташкил топди.

Тузилиши:

1. Бошқарувчилар Кенгаши.
2. Директорлар-ўринбосарлар Кенгаши.
3. Бош директор, доимий қўмиталар, департаментлар.

Мақсади:

- аъзо давлатларга кредит бериш;
- аъзо давлатлар тўлов балансини тенглаштириш;
- араб мамлакатларида валюта курслари ва унинг конвертациясининг барқарорлаштириб туриш;
- аъзо давлатларни иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий интеграцияни тезлаштириш;
- араб мамлакатларида молиявий бозорни ривожлантириш;
- халқаро валюта муаммоларини ва шунингдек халқаро валюта ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш;

Асосий фаолият йўналишлари:

- иқтисодий ислоҳатларга оид дастурларини қўллаб - қувватлаш учун кредитлар бериш;
- тўлов балансидаги молиявий камомадларни, ички ва ташқи иқтисодий муаммоларни, шунингдек иқтисодий қайта қуришларни ташкил этиш учун аъзо давлатларга имтиёзли заёмларни таклиф этиш;
- инвестицион фаолиятни амалга ошириш;
- араб молиявий бозорларини ривожлантириш ва улар ўртасидаги алоқаларни такомиллаштириш;
- мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳалари бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;
- халаро ва бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- араб давлатлари ташкилотлари давлатлари билан (Араб иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш Фонди АФЭСР, ОПЕК ва ҳ.к.) ҳамкорлик қилиш.

Фонднинг асосий молиявий ресурслари бўлиб тўлов капитали, резерв капитали, заёмлар ва кредитлардан тушган тушумлар ҳисобланади. Фонднинг ҳозирги кунда араб давлатлари Лигасининг иқтисодий кенгаши, Араб иқтисодий бирлиги кенгаши Араб

иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш фонди билан ҳамкорликда ривожлантириб келмоқда.

10.4. Форс кўрфази давлатларининг ҳамкорлик кенгаши (ССАГПЗ)

Ўзаро ҳаракатлар режаси ва Низом имзолангандан сўнг Кенгаш 1981 йилда ташкил топди. Низомда Кенгашнинг ҳудуддаги асосий ҳаракатлар фаолияти аниқланган, ўзаро ҳаракатлар режасида ҳамкорликни мақсад ва принциплари белгиланган. Ушбу кенгаш аъзо давлатлари Бахрайн, Қатар, Қувайт, БАА, Уммон, Саудия Арабистони ўзаро ҳамкорликда интеграцияни ривожлантириш ва мувофиқлаштирувчи бошқарув мақсадида ташкил этилган. Кенгаш доирасида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда режалаштириш ишлари молиявий, иқтисодий ва савдо соҳасида, саноат соҳасида ва нефт (форс кўрфази давлатлари жаҳон нефтининг 1/3 қисмини беради) ишлаб чиқариш соҳаларини, ижтимоий ва маданий, ҳизмат кўрсатиш соҳалари, валюта молия соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақа давлатлари иқтисодий савдо молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва аёлоқа, ижтимоий таъминот, қонунчилик соҳалари бўйича коллектив ҳамкорликни босқичма босқич амалга ошириб келмоқда.

Мақсади:

1. Бирликка эришиш мақсадида барча соҳаларда аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларини ва интеграцияни мувофиқлаштиришни амалга ошириш;
2. Турли соҳаларда аъзо давлатлар халқлари аро ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;
3. Турли соҳаларда (молия, иқтисодиёт, савдо, таълим ва маданият, ҳуқуқ, бошқарув, ахборот) ўхшаш тизимларни яратиш;
4. Чорвачилик, сув таъминоти, кон саноати, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришда фан-техника ривожини рағбатлантириш;
5. Илмий изланишларга кўмаклашиш;
6. Қўшма корхоналар тузиш;
7. Хусусий секторда ҳамкорликни рағбатлантириш.

Тузилиши:

1. Олий Кенгаш, баҳсларни бартарф этиш бўйича Комиссия.
2. Вазирлар Кенгаши, доимий вазирлар қўмитаси.
3. Бош котиб.

Фаолияти:

- Кенгашнинг эътибор марказида араб бирлигини яратишга интилиш мақсади шуниндек халқаро аҳамиятга эга Форс кўрфази ҳудуди ва унинг давлатлари сиёсий ва иқтисодий вазият жиҳатидан дунёнинг нефт захирасининг уч қисмини назорат қилиш масалалари туради.

- Ҳамкорлик кенгаши ўзининг фаолиятини Араб давлатлар Лигаси Низомига келишган ва мувофиқ тарзда фаолиятини олиб боради.

- Ҳамкорлик кенгаши араб давлатлари орасидаги умумий мақсадлар ва кучларни кенгроқ доирада алоқа ва ҳамкорликни ривожлантиришга йўналган икки ва кўп томонлама келишувларни таъминлаш.

Ташқи сиёсат:

- аъзо давлатлар ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликга жавобгарлар деб ҳисоблашади;

- улар мустақиллик, суверенитет ва хавфсизликни амалда ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаб борадилар.

10.5. Африка бирлик ташкилотлари (ОАЕ)

1900 йил Манчестердаги (Буюк Британия) биринчи панаафрика учрашувидан бери қилинган кўп ҳаракатлардан кейин, 1963 йилда Аддис-Абебеда Африка бирлик ташкилоти Низоми давлат ва ҳукумат бошқарувчилари Конференциясида имзоланиб ташкил этилди.

Мақсадлари:

- Африка мамлакатлари бирлиги ва ҳамфикрлиликка кўмаклашиш;

- Африка халқлари ҳаёт даражасини кўтариш бўйича ҳаракатларни кучайтириш ва мувофиқлаштириш;

- Африка халқлари суверенитетлиги, ҳудудий бутунлиги ва мустақиллигини ҳимоялаш;

- Африкада мусамлакачиликни (колониализм) барча кўринишларига барҳам бериш;

- БМТнинг умумий инсон ҳуқуқлари Декларцияси Низомига мос ҳолда халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш;

- Фан ва техника, озиқ-овқат таъминоти ва соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият, иқтисодиёт (транспорт ва алоқа ҳам),

ҳавфсизлик ва муҳофаза, сиёсат ва дипломатия соҳаларида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва мослашиш.

Принциплари:

- Барча аъзо давлатлар суверен тенглиги.
- Бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик.
- Ҳар бир давлатнинг суверенитетлиги, ҳудудий бутунлиги ва дахлсиз мустақиллигини ҳурмат қилиш.
- Третей суди ҳукми ва битимлари, воситачилик, музокаралар орқали барча баҳсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш.
- Ҳар қандай бошқа қўшни давлат томонидан, бузғунчилик фаолиятини ва сиёсий котилликни қатъий равишда ҳукм қилиш.
- Хали ҳам қарам бўлган африка ҳудудларини бутунлай озод қилинишига курашиш.

Аъзо давлатлари 53 та.

Тузилиши:

1. Давлат ва ҳукуматлар Ассамблеяси (олий орган, ҳар йиллик йиғилиш).
2. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши (Ассамблея кун тартибига тайёргарлик, йиғилиш бир йилда икки марта ўтказилади).
3. Бош котибият (4 йилга Ассамблея томонидан сайланадиган Бош котиб ва 5 та ўринбосарлари билан бошқариладиган доимий орган).
4. Арбитраж, келишув ва воситачилик бўйича Қўмита.
5. Маҳсус қўмиталар: Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича, илм-фан, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш, муҳофаза бўйича, вақтинчалик қўмиталар.

10.6. Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқи (ЮДЕАК)

Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқи, Экваториал божхона иттифоқи давомчиси сифатида, 1964 йилда Бразилия келишувига асосан, 1966 йилда ташкил қилинган. Аъзо мамлакатлар умумий ҳудуди 3 млн. кв.км, аҳолиси эса 25 млн кишини ташкил этади.

Мақсадлари:

- аъзо давлатлар иттифоқининг субҳудудий бирдамлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- Марказий Африкада босқичма-боқич умумий бозорни яратиш ва ривожлантириш;
- Халқларнинг яшаш тарзи ва шароитини яхшилаш;

- Амалда ишлайдиган умумий бозорни яратишга кўмаклашиш ва африка бирдамигини мустаҳкамлаш.

Аъзо давлатлари:

1. Габон
2. Камерун
3. Конго
4. Марказий африка Республикаси
5. Чад
6. Экваториаль Гвинея.

Тузилиши:

1. Давлат бошқарувчилари Кенгаши.
2. Бошқарувчи қўмита.
3. Бош котибият.

Давлат бошқарувчилари Кенгаши, Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқининг олий органи ҳисобланади. Аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинган резалюциялар, маслаҳатлар ва бошқа қарор қилинган актлар асосида фаолият юритади. Иқтисодий, ҳуқуқий, божхона ва солиқ соҳаларида муаммоли саволлар вужудга келганда, аъзо давлатлар тегишли конституциясига мувофиқ миллий ассаблея ёки бошқа органларга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Бошқарувчи қўмита, молия ва иқтисодиёт вазирларидан ташкил топган бўлиб, йилда икки мартта Кенгаш томонидан берилган ҳуқуқлар доирасида йиғилади. У давлат бошқарувчилари Кенгаши ваколати доирасидаги саволлар юзасидан хулосалар тайёрлайди.

Бош Котибият, Кенгаш томонидан уч йилга сайланадиган, бош котиб ва бош котиб ўринбосари (қайта сайланиши мумкин) томонидан бошқарилади, у Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқининг бажарувчи органи ҳисобланади. Бош котиб шартномаларга амал қилинаётганликни текшириб боради ва маъмурият фаолиятига жавобгар.

В 1992 йилда Бош Котиб транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, озиқовқатва атроф – муҳит, ишлаб чиқариш ва тадқиқотлар соҳаларига аҳамиятни кучайтириш ва ишчи дастурларни кенгайтиришни тақлиф қилди.

Молия манбалари:

Бош котибият фаолияти аъзо давлатлар бадаллари ҳисобидан фаолият юритади.

10.7. Африка мамлакатлари молиявий ташкилотлари (БДЕАС, БОАД, ВАБР, АфБР, АФР)

Африка Тараққиёт Банки

АфТБ 1964 йилда Африка мамлакатларига ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун кредитлар бериш мақсадида ташкил этилган. Банкга 77 та давлатлар аъзо бўлиб улардан 53 таси Африка мамлакатлари 24 таси бошқа мамлакатлардир.

Банк фаолияти йўналишлари:

1. Ривожланиш дастурларини олиб бориш ва имзолашда қатнашиш
2. БОТ дастури бўйича ишлаш
3. Иқтисодий ривожлантириш дастурларини кўриб чиқиш
4. Молиялаштириш объектларини танлаш ,ҳужжатлаштириш ва нау-хаулар киритишни назорат қилиш ва молиялаштириш
5. Африка мамлакатларининг арзларини камайтиришга ёрдамлашиш

Банк мақсадлари:

1. Аъзо мамлакатлар миқёсида иқтисодий ижтимоий дастурларни олиб бориш
2. Инвестиция дастурларини молиялаштириш
3. Банк билан ҳамкорликда икки ва кўп томонлама молиялаштиришни олиб бориш
4. Ривожланиш дастурларини олиб боришда аъзо мамлакатларга кўмаклашиш

Банкнинг кредитлаш дастурлари:

- 1997йилда Банк Конго, Ангола ва Либерияга 579млн бирликдаги суммани берганди. 90- йилларда банк Африка мамлакатларида қишлоқ хўжалигини рағбатлантириш мақсадида қуйидагича кредитларни берганди.

- Жазоир-136млн доллар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун

- Бурунди-55 млн долл. Иқтисодиётни ўстиш учун

- Замбия-23 млн. Долл. Таълим ва сув хўжалигини ривожига

- Марокаш-82 млн , долл. Темирйўл ни замонийлаштириш учун жалб қилинган 450 млн долл. нинг бир қисми сифатида

- Сенегал- 14 млн долл қишло хўжалиги дастурини молиялаштириш мақсадида

- Эритриа-12 млн долл ирригациани молиялаштириш мақсадида

Банк бюжети манбалари:

- Аъзо мамлакатларнинг акциялари ҳисобига
- Аъзолик бадали ҳисобига
- АфТБ нинг берган заёмлари фоизлари ҳисобига
- Халқаро капитал бозорида тушган манбалар ҳисобига

Кредитлаш шартлари ва кредитланадиган мамлакатлар:

Бу банк тўловга ликвидлиги юқори бўлган мамлакатларга кредит беради. Ҳозирда юқори рискли Либерия ва Конго ДР каби давлатлар кредитга муҳтож ҳисобланади. 53 Африка давлатларидан фақат 14 таси банкнинг кредитлаш дастурига тушган. Қолган 39 мамлакатни Африка тараққиёт фонди кредитлайди. 1997 йилда Тунис Маракко ва ЖААР га етти турдаги кредитлар берилганди. 1996 йилда банк даромади 149 млн долл.ни ташкил этганди.

10.8 Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти ва иттифоқи (ЭКОВАС, УЭМОА)

Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти (ЭКОВАС)

1975 йилда Лагосда Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий бирлашмаси Келишувига асосан имзоланиб, 1976 кучга кирган. 1993 йилда Келишувга интеграция жараёнларини чуқурлаштириш мақсадида ўзгартириш киритилган.

Мақсадлари:

- Ғарбий Африкада иқтисодий бирлашма тузишга борувчи ҳамкорлик ва интеграцияга кўмаклашиш;
- Ғарбий Африка халқларининг ҳаёт даражасини кўтариш;
- Иқтисодий барқарорликни кучайтириш ва сақлаш;
- Африка минтақасини ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- Ғарбий Африка мамлакатлари халқларининг маданияти ва таълим даражасини кўтариш.

Принциплари:

1. Аъзо давлатлар тенглиги ва мустақиллиги.
2. Бирдамлик ва жамоавийликни таъминлаш.
3. Давлатлар аро ҳамкорлик, сиёсий ва интеграцион дастурларни мувофиқлаштириш.
4. Аъзо давлатлар бир-бирига хужум қилмаслик.
5. Ҳудудий тинчликни, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш.

6. Тинч хаёт тарзига кўмаклашиш, қўшни давлатлар билан актив ҳамкорлик қилиш ва аъзо давлатлар ўртасида баҳсларни тинчлик йўли билан ҳал этиш.
7. Халқлар ва инсон ҳуқуқларини тан олиш, ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш.
8. Ривожланишда барчанинг иштироки ва иқтисодий ва ижтимоий ҳақонийлик.
9. Демократиктизимли бошқарувга кўмаклашиш. (Сиёсий принциплар Декларацияси Абуджа, 1991 й.)
10. Фойда ва оғирликни одил ва тенг тақсимлаш.

Тузилиши:

1. Бирлашма Парламенти Сообщества.
2. Ҳукумат ва давлат бошқарувчилари Кенгаши.
3. Вазирлар Кенгаши.
4. Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш.
5. Бирлашма суди, Арбитраж суди.
6. Бажарувчи котибият.
7. Ривожланиш, компенсация ва ҳамкорлик Фонди
8. Маҳсус техник комиссия.

Молия манбалари.

ЭКОВАС Вазирлар кенгаши томонидан белгиланадиган аъзо давлатлар тўлайдиган бадаллардан молиялаштирилади.

10.9. Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти (САДК) ва Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори (КОМЕСА)

Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори (КОМЕСА)

Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори, 1944 йилда Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори тузиш тўғрисидаги Келишувга асосан ташкил этилди.

Мақсадлари:

— маркетинг тузилмалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўли билан барқарор ўсишга эришиш;
 — аъзо давлатлар ўртасида чамбарчас ҳамкорликни рағбатлантириш, биргаликда халқларнинг хаёт даражасини кўтариш мақсадида дастур ва макроэкономик сиёсатни қабул қилиш ва иқтисодиётни барча соҳа ва тармоқларида ривожланиш сари биргаликда қадам ташлашга кўмаклашиш;

- хорижий, трансчегаравий ва маҳаллий инвестициялар учун қулай муҳит яратиш ҳамда ривожланиш учун илмий-техник ютуқларни излаш ва қўллашни, биргаликда рағбатлантириш;
- Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори ва бошқа ҳудудий ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш;
- Африка иқтисодий ҳамжамияти мақсадларини амалга ошириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ҳудудда иқтисодий ривожланишни тезлаштириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасида барқарорлик, хавфсизлик ва тинчликни сақлашга кўмаклашиш.

Асосий принциплари:

1. мустақиллик ва тенглик. Равенство и независимость.
2. аъзо давлатлар тенг ва коллектив ўз-ўзини таъминлаш.
3. интеграция ва сиёсий дастурларга мослашишда давлатлараро ҳамкорлик.
4. аъзо давлатлар бир-бирига ҳужум қилмаслик.
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясига биноан халқлар ва инсонларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва тан олиш.
6. ривожланишда аҳоли қатламининг кенг миқёсда қатнашиши, иқтисодий адолатлилик ва жавобгарлик.
7. Қонун уситиворлигини тан толиш ва риоя қилиш.
8. барча аъзо давлатларда демократияни қўллаб-қувватлаш ва демократик тизим орқали бошқариш.
9. раҳмдил қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш орқали ҳудудий барқарорлик ва тинчликни қўллаб-қувватлаш.
10. аъзо давлатлар ўртасида баҳсларни тичлик йўли билан бартарф этиш ривожланиш учун замин сифатида қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва тинчликни сақлаб туришга кўмаклашиш.

Фаолият доираси:

- савдони эркинлаштириш ва божхона ҳамкорлиги.
- Транспорт ва алоқа.
- Ишлаб чиқариш ва энергэтика.
- Валюта ва молия.
- Қишлоқ хўжалиги.
- Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш.

Аъзо давлатлари: (20)

Тузилиши:

1. Давлат ва ҳукумат бошқарувчилар Учрашуви.

2. Вазирлар кенгаши.
3. Суд.
4. Қўмиталар (Марказий банк раислари Қўмитаси, Ҳукуматлараро қўмита, техник қўмита, Консултатив қўмита).
5. Котибият.

Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти (САДК)

Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти 1992 йилда давлат ва ҳукуматлар Декларацияси имзоланлик муносабати билан ташкил этилди.

Мақсадлари:

- Жанубий Африкада ҳудудий интеграция орқали ижтимоий ҳимояни қўллаб-қуватлаш, яшаш тарзи ва сифатини ошириш, иқтисодий ўсиш ва ривожланишга эришиш;
- Умумий институт ва сиёсий кадрни мустаҳкамлаш;
- Аъзо давлатлар коллектив ўзаро боғлиқлиги ва ўз ўзини таъминлаш асосида ривожланишга кўмаклашиш;
- Миллий ва ҳудудий стратегия ва дастурларни бир-бирини тўлдиришга эришиш;
- Атроф-муҳитни эффе́ктив ҳимоялаш, ҳудудий ресурсларни рационал ишлатиш ва ишлаб чиқаришда бандликка кўмаклашиш;
- Ҳудуд халқлари ўртасида маданий, ижтимоий ва миллий тарихий алоқаларни мустаҳкамлаш.

Принциплари:

1. Суверен тенглик.
2. Ҳамфикирлийлик, тинчлик ва хавфсизлик.
3. Қонун устиворлиги, инсон ҳуқуқлари ва демократия.
4. Ўзаро фойда ва тенглик.
5. Баҳсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш.

Асосий мажбуриятлари:

- Ҳамжамитнинг мақсадларига эришишда унга мос чораларни қабул қилиш;
- Ҳар қандай инсонга ногиронлиги, маданияти, этник келиб чиқиши, ирқи, сиёсий қарашлари, дини ва жинсига қарамасдан камситилишига йўл қўймаслик;

Функциялари:

— Ҳудуд халқларини ва уларнинг институтларини ривожланишда иштирок этиш учун сафарбар қилиш;

- Ҳамжамият дастурларини амалга ошириш учун тегишли институт ва механизмларни яратиш;
- Товар ва хизматлар, ишчи кучи ва капитал ҳаракати йўлидаги тўсиқларга изчиллик билан барҳам бериш;
- Инсон ресурсларини ривожланишига кўмаклашиш;
- Технологиялар бериш ва ривожланишни рағбатлантириш;
- Худудий ҳамкорлик орқали эффе́ктив иқтисодий ўсиш ва иқтисодий бошқаришни такомиллаштириш;
- Аъзо давлатлар ташқи сиёсатида мослашиш ва мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;
- Худудга халқаро хусусий ва давлат ресурсларини оқимини жалб этиш.

Тузилиши:

1. Саммит.
2. Суд.
3. Вазирлар Кенгаши.
4. Вазирлар саноат бўйича кўмитаси, комиссиялар, саноат бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ва саноат бўйича алоқа пунктлари.
5. Мансабдор шахслар доимий кўмитаси.
6. Алоқа бўйича миллий бюро.
7. Котибият.
8. Ҳамжамиятнинг маслаҳат конференциялари.

Назорат учун саволлар:

1. Ислом анжумани ташкилоти.
2. Араб минтақавий бирлиги кенгашининг асосий фаолият йўналишлари.
3. Араб иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт фондининг мақсади ва асосий фаолият йўналишлари.
4. Араб валюта фонди асосий фаолият йўналишлари.
5. Форс кўрфази давлатларининг ҳамкорлик кенгашининг мақсади.
 1. Африка бирлик ташкилотларининг мақсадлари.
 2. Марказий Африка иқтисодий ва божхона иттифоқи мақсадлари.
 3. Африка Тараққиёт Банки фаолияти йўналишлари.
 4. Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти принциплари.
 5. Жанубий ва Шарқий Африка умумий бозори мақсадлари.
 6. Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти мақсадлари.

11-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни амалга оширувчи халқаро ҳудудий ташкилотлар

1. Товарларни сертефикатлаш ва стандартлаштириш тизимида халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти
2. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО)
3. Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС)
4. Патентлар бўйича европа ташкилоти (ЕПО)
5. Фуқоролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА)

11.1. Товарларни сертефикатлаш ва стандартлаштириш тизимида халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти

Товарларни халқаро сертефикатлаш ва стандартлаштириш асослари Халқаро иқтисодий ҳамкорликда қатнашувчи тадбиркор, дунёдаги қабул қилинган қоидаларга бўйсиниши керак. Бу эса стандартлаштириш ва сертификациялашга асосланган, ишлаб чиқарилаётган товарларга қўйилган, миллий ва халқаро норма ва талабларни билиши ва қўллаш билишини талаб қилади. Жаҳон бозорида товарни миллий, ҳудудий ва халқаро даражада талаб қилинадиган стандартлаштириш ва сертификациялашни ҳуқуқий ва ташкилий талабларини ҳисобга олиш, рақобатбардошлигини таъминловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Стандартлаштириш – бу сифати яхши ва мувофиқ нарҳда товарни сотиб олишда, истеъмолчи ҳуқуқларини таъминловчи ҳамда меҳнатни хавсиз ва қулайлигини бажарилишини талаб қилувчи ва маслаҳат берувчи, бажарилиши лозим бўлган талаб, меъёр, қоидалар ва характеристикаларни ишлаб чиқиш ва қўллашга йўналтирилган фаолият.

Стандартлаштиришни объекти (предмети) бўлиб- маҳсулот, жараён ва хизмат кўрсатиш ҳисобланади ва улар учун талаб, характеристика, параметрлар, қоидалар ва х.к., ишлаб чиқилади.

Стандартлаштириш халқаро, ҳудудий (регионал), миллий даражаларда амалга оширилиши мумкин. Халқаро сертефикатлаш-фаолият, барча давлатлар стандартлаштириш органлари иштироқи учун очик. Ҳудудий сертефикатлаш- фаолият, дунёнинг бир ҳудуди тегишли давлат органлари учун очик. Миллий сертефикатлаш-

алоҳида бир мамakat фаолият, ассоциациялар, фирмалар, муассасалар томонидан амалга оширилади.

Халқаро стандартлаштиришда етакчи роль иккита нодавлат халқаро ташкилотлари Халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) ва Халқаро электротехника комиссияси (МЭК) га тегишли. Халқаро стандартлаштиришда муҳим аҳамият иккита ҳукуматлараро ташкилотлар Бутунжаҳон садо ташкилот (БСТ) ва ЕВропа иқтисодий комиссияси (ЕК/ООН) га берилади.

Стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилотларига қуйдагилар киради:

1. Стандартлаштириш бўйича ЕВропа қўмитаси (СЕН);
2. электротехникада стандартлаштириш ва бўйича ЕВропа қўмитаси (СЕНЭЛЕК);
3. Стандартлаштириш бўйича скандинавияро ташкилоти (ИНСТА);
4. Панамерикан стандарт қўмитаси (КОПАНТ).

Стандартларни қўллаш бўйича халқаро нодавлат ташкилотлари ИСО ва МЭК стандартни қўллаш бўйича бир қатор дастурлар ишлаб чиқди.

ИСО/МЭК 2 дастурида қуйидаги ҳужжатлар келтирилган.

Стандарт – тан олинган орган тасдиқлаган ва консенсус асосида ишлаб чиқилган норматив ҳужжат.

Техник шартлар ҳужжати - маҳсулот, жараён ва хизмат кўрсатиш учун техник шартларни белгилаб қўяди, ушбу ҳужжатдаги шартларга риоя қилишни текшириш учун ишатилиши керак.

Қоидалар тўплами мустақил равишда стандарт ҳамда стандартнинг қисми ҳам бўлиши мумкин. У буюм, конструкция, объектни эксплуатация қилишда ёки техник хизмат кўрсатиш, конструкциялар ва асбоб ускуналарни монтажи, лойиха жараёнлари учун ишлаб чиқилади.

Регламент- бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий нормаларни таркибига олган ҳужжат. Регламент стандартлаштириш органи эмас, балки ҳукумат томонидан белгиланади.

Стандартлаштиришга тегишли соҳа доирасида бошқа халқаро ташкилотлар – Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БСТ), Туризм бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОТ), Электралоқа халқаро кенгаши (МСЭ)Темир йўллари халқаро кенгаши, ЕВропа автотуризм ташкилоти ҳамхалқаро стандартлар ишлаб чиқади.

11.2. Халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО)

Халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) 1964 йилда ташкил қилинди ва 1967 йилда иш бошлади. Ташкилотни асосий асосчиларидан бири бошқарувчи органларнинг доимий аъзоси СССР бўлган. Ташкилотни ташкил қилишда унинг номи барча тилларда бир хил ишлатилиши мақсад қилиб олинган эди, бу учун грекча ισοσ – тенг, деган сўзни олиш қарор қилинди ва унинг қисқартирмаси “ИСО” деб, бутун дунёда шу қисқартирма юритиладиган бўлди.

ИСОнинг фаолияти стандартлаштириш соҳасининг электротехника ва электроника (Халқаро электротехника комиссияси) дан ташқари барчасига тегишли.

ИСО ўзининг фаолититини қуйидагича белгилайди: халқаро товар ва хизматлар алмашувини таъминлаш мақсадида дунёда стандартлаш ва унга яқин соҳаларни ривожланишига кўмаклашиш ҳамда иқтисодий, илмий-техник ва интеллектуал соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш.

Хозирда ташкилотга 163 мамлакат ўзининг миллий ташкилотлари билан аъзо.

ИСОга ташкилий жиҳатдан бошқарувчи ва ишчи гуруҳлар киради.

Бошқарувчи органлари:

1. Бош ассамблея (олий орган).
2. Кенгаш.
3. Бошқарувчи техник бюро.

Ишчи органлар:

1. Техник Қўмита.
2. Қарамоғдаги қўмиталар (подкомитетлар).
3. Маслаҳатчи техник гуруҳлар.

Кенгаш 7 та қўмита:

ПЛАКО (техник бюро);

ПРОФКО (методик ва информацион ёрдам);

КАСКО (мосликни баҳоловчи қўмита);

ИНФКО (илмий-техник маълумотлар бўйича қўмита);

ДЕВКО (ривожланаётган мамлакатларга ёрдам берувчи қўмита);

КОПОЛКО (истеъмолчилар истакларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита);

РЕМКО (стандарт нусхалар бўйича қўмита).

Халқаро стандарт ИСО ташкилотлари қатнашчилари ўртасидаги консенсус маҳсули ҳисобланади. Халқаро стандартлар ИСОнинг

техник қўмитаси ва қарамоғдаги қўмиталар олти босқичли жараёнда ишлаб чиқилади.

Олти босқичли жараён:

- 1- жараён: Таклиф жараёни
- 2- жарён. Тайёрлов жараёни
- 3- жараён. Қўмита жараёни
- 4- жараён. Саволлар жараёни
- 5- жараён. Маъқуллаш жараёни
- 6- жараён. Чоп этиш жараёни

11.3. Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС).

1970 йилда Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС) Стокгольмда (Швеция) бўлиб ўтган Конвенцияда кучга кирган. 1974 йилдан бошлаб Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС) БМТнинг махсус муассасаси ҳисобланади.

Интеллектуал мулк иккита асосий соҳа доирасини қамраб олади:

- ишлаб чиқаришда ҳаққоний бўлмаган рақобатни ушлаб туриш, товар белгилари ва ихтироларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

- Адабий нашрлар, бадиий, мусиқий, фото ва аудио асарларга авторлик ҳуқуқи.

ВОИС келишув асосида амал қилаётган бирлашмаларни бошқаради, улар:

- Париж иттифоқи (ишлаб чиқариш бўйича Париж конвенцияси, 1983 й.);

- Товарни келиб чиқиши бўйича нотўғри ёки қалбаки маълумотлар билан кураш бўйича Мадрид келишуви (товар белгиларини халқаро миқёсда регистрациясига боғлиқ келишув, 1891й.);

- Гаага иттифоқи (ишлаб чиқилган нусха ва моделларни халқаро миқёсда депонирования (сақлашга бериш), 1925й.);

- Ниц иттифоқи (халқаро миқёсда товар белгиларини регистрация қилиш ва классификациялаш бўйича келишув, 1957й.);

- Локарн иттифоқи (халқаро миқёсда ишлаб чиқарилган нусха ва моделларни классификацияси бўйича келишув, 1968 й.) ва ҳ.к.

Мақсадлари :

- Бутун дунёда давлатлар аро ҳамкорлик йўли билан интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- Интеллектуал мулк доирасида иттифоқлар ўртасида маъмурий ҳамкорликни таъминлаш.

Функциялари:

- Бутун дунёда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда кўпроқ эффеқтли йўллари ва чоралари ишлаб чиқишга ҳамда бу соҳа бўйича миллий қонунчиликка кўмаклашиш;

- Париж иттифоқи ҳамда маҳсус иттифоқлар маъмурий функцияларини бажариш;

- Интеллектуал мулкни имояси бўйича ҳуқуқий ва техник ёрдамга муҳтож мамлакатлар билан ушбу соҳа бўйича ҳамкорлик қилиш;

- Маълумотларни йиғиш, уларни тарқатиш, изланишлар олиб бориш ва улар натижаларини нашр этишда кўмаклашиш;

- Интеллектуал мулкни халқаро ҳимоя қилишни яхшилаш билан шуғилланувчи ташкилотлар фаолиятини таъминлаш.

Аъзо давлатлар :

Учта бошқарув органи:

1. Бош ассамблея.
2. Конференция.
3. Мувофиқлаштириш бўйича Қўмита.

Бошқа органлари:

1. Ишлаб чиқариш мулки ахбороти бўйича доимий кўмита.
2. Бошқа қўмиталар.
3. Бош директор, халқаро бюро.

11.4. Патентлар бўйича европа ташкилоти (ЕПО).

1973 йилда Мюнхенда Патентлар бўйича европа ташкилоти Европа патент бериш Конвенциясига асосан ташкил қилинган ва 1977 йилда кучга кирди. Европа патент тизими европа патент идораси миллий патент идоралари билан актив ҳамкорликка асосланган.

Европа патенти унинг соҳибига худди миллий патентда келишилган ҳуқуқларни беради. Патент 20 йил муддат амал қилади. Европа патентлари шунингдек 1980 йилда кучга кирган 1970 йилдаги патент кооперацияси бўйича Келишув низомига мос ҳолда берилган халқаро талабномалар асосида ҳам берилади. Париж конвенцияси аъзолари учун барча давлатлар учун очик бўлган патент кооперацияси бўйича Келишув ташкил қилинган.

Европа патентларини бериш бўйича Конвенция Европа Иттифоқининг 12 аъзо мамлакатлари томонидан имзоланган 1975 йилдаги ва 1989 йилда ўзгартиришлар киритилган патент Уюшмаси бўйича Конвенцияси асосини ташкил қилади. Шу битим кучга киргандан кейин ЕПО патентларни бериш, бекор қилиш ва муддатини чегаралаш бўйича маъсулиятни бўйнига олади. 1993 йилдан бошлаб ЕПО интеллектуал мулкни ҳимоя бўйича қонун қабул қилган, аммо ЕПО га аъзо бўлмаган мамлакатларда европа панентларини ҳаракатланиши бўйича келишувлар тузади.

Мақсадлари:

- Европа патентларини бериш;
- Ихтироларни ҳимоясини таъминлаш мақсадида европа мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- Патент беришни ягона процедураларини ва ягона қоидаларни бошқариш ва йўлга қўйиш орқали ҳимоялашни кучайтириш.

Аъзо давлатлари 18 та

ЕПО аъзоси бўлиб 15 та Европа Иттифоқига аъзо давлатлари ҳам киради.

Тузилиши:

1. Европа патент муассасаси.
2. Маъмурий кенгаш.

Молия манбаси:

У молиявий мустақил ташкилот ҳисобланади ва ўз хизматларига тўланадиган ҳақлардан фаолият юритади .

Фаолияти:

Европа патенига талабнома Европа патент идораларига (Мюнхен, Гаага, Берлин) ёки келишилган томонлар миллий патент идораларига берилиши мумкин.

Патент бериш билан боғлиқ жараён ўртача 3 йилдан иборат ва уч фаза (давр)дан иборат:

- Биринчи фаза (Мюнхен ёки Берлинда) - талабнома бериш, уни расмий тешириш, патент қидируви, талабнома ва қидирувни чоп этиш;
- Иккинчи фаза (Мюнхен) – синчиклаб текшириш (экспертиза) , патентни бериш ёки рад этиш;
- Учинчи фаза (Мюнхен) – шикоятларни кўриб чиқиш.

11.5.Фуқоролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА)

1926 йилда Миллатлар Лигаси ёрдамчи органи сифатида ташкил қилинган эди. Миллатлар Лигаси ўз фаолиятини тугутгандан сўнг у 1940 йилда УНИДРУА низоми кўптомонлама келишувлари асосида қайта ташкил қилинди.

Ташкилотнинг мақсади давлатлар гуруҳлари ва давлатлар ўртасида айниқса тижорий, шахсий ҳуқуқларни мувофиқлаштириш ва муқобиллаштириш амда керакли модернизация методларини ўрганиш ҳисобланади.

Ташкилотга аъзолик ташкилот низомини имзолаган давлатар томонидан чегараланилади. Хозирда ташкилотга турли хил ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий тизимлари , ҳамда турли хил маданий одатлар номоёда 5 та қитадан 63 та мамлакат аъзо.

Институт фойяти Бош ассамблея томонидан белгиланадиган аъзоларнинг йиллик бадаллари, ҳамда Италия ҳукумати томонидан хар йили бериладиган молиявий ёрдам ҳисобига молиялаштирилади.

Тузилиши:

1. Бош Ассамблея.
2. Кенгаш бошқарувчиси.
3. Котибият.

Бош Ассамблея УНИДРУАнинг ягона қарор қабул қилувчи органи ҳисобланди. Ассамблея ташкилотнинг хар йиллик бюджетни, институтнинг уч йиллик иш дастурини тасдиқлайди, ҳамда хар 5 йилда Бошқарувчилар кенгашининг аъзоларини сайлайди.

Бошқарувчилар кенгаши айниқса, Котибият томонидан институт дастурларини бажарилиш жараёнини, ташкилотнинг низомидаги мақсадларига эришиш йўлида ёрдам бўладиган барча воситалар аспектларини назорат қилади. Бошқарувчилар кенгашига Институт президенти ва 25 та сайланадиган аъзоларга кирувчи судя, амалиётдаги юристлар, академиклар ва хизматчи фукоролар киради.

Котибият УНИДРУАнинг бажарувчи органи ҳисбланади. Котибиятни институт президенти тавсия этган Бошқарувчилар кенгаши тайинлайдиган Бош котиб бошқаради.

УНИДРУА бошқа ҳукуматлараро ташкилотлар ичида мустақил статуси институт асосан ҳуқуқнинг сиёсий эмас балки техник масалалари билан шуғилланадиган ташкилот бўлишига имкон берди.

Назорат учун саволлар:

1. Товарларни халқаро сертификатлаш ва стандартлаштириш асослари.

2. Стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилотларига қайси ташкилотлар.
3. Халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот.
4. ИСОнинг олти босқичли жараёни.
5. Интеллектуал мулк масалалари бўйича бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС).
6. ВОИСнинг функциялари.
7. Патентлар бўйича европа ташкилоти.
8. Фуқоролик ҳуқуқларини унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА).
9. Халқаро электро- техника комиссияси.

12-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви.

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти – мамлакатнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг асоси
2. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги иштироки. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
3. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалардаги (ИХТ, ЕТТБ, ХВФ, ОТТБ,) иштироки
4. Ўзбекистоннинг ШХТ интеграция жараёнларидаги иштироки
5. Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари

12.1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти- мамлакатнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг асоси

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилнинг 31 августида суверен мустақилликка эришди. Шу кундан бошлаб республиканинг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида ривожланишнинг янги даври бошланди. Ўзбекистон худудий жиҳатдан Ўрта Осиё минтақасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, республикада Марказий Осиё аҳолисининг 45%и яшайди. Ўзбекистон кўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон давлатлари билан чегараланиб, Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатлари билан транспорт ва телекоммуникация ва ахборот воситалари орқали боғланиб турувчи муҳим стратегик коридор ҳисобланади.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш шароитида жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш жараёнларини ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларида куч-ғайратни жамлаш зарурияти юзага келди. Етакчи халқаро иқтисодий, молиявий, ва гуманитар ташкилотлар, илғор Европа мамлакатлари ва АҚШ, Осиё -Тинч Океани минтақаси давлатлари, МДҲ мамлакатлари ва айниқса, Россия, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ана шундай йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида чуқур интеграциялашуви муаммоларини ҳал қилиш учун республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт қилинаётган тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва кенгайтириш, шунингдек, республиканинг жаҳон бозоридан ўрин

олишини фаол мустаҳкамлаш зарур. Ҳозирги кунда амал қилаётган рағбатлантиришлар ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда миллий ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини кучайтириш, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш муҳимдир.

Айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг назаримизда, давлатлараро иқтисодий интеграция–иқтисодий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлган давлатларнинг бирлашининг объектив жараёнидир. У фақат тегишли мамлакатларнинг ташқи савдо алмашуви соҳасини, уларнинг бозор алоқадорлигини (халқаро ҳамкорликда бу кўпинча учраб туради) камраб қолмай, балки мазкур мамлакатларнинг моддий ишлаб чиқариши соҳасига ҳам чуқур кириб боради ва турли даражадаги қайта ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигига олиб келади.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гуруҳлар ёки иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграцион салоҳияти ташкил қилади. Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, халқаро иқтисодий интеграциянинг субъектлари (интеграциялашаётган мамлакатлар) амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳамкорлик предмети бўлган табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти билан боғлиқ бўлган мажмуини тушунмоқ зарур. Ўзбекистоннинг интеграцион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган омилларнинг (интеграцион салоҳиятининг) қуйидаги устунликларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистоннинг Евроосиё минтақасида қулай геостратегик жойлашуви;

- ер, минерал-хомашё ва ўсимликларнинг катта захираси;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тупроқ-иқлим шароитлари;

- ташқи савдода экспорт салоҳияти;

- давлатлараро коопрециялашув ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;

- одамлар салоҳияти, нисбатан арзон ва тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларининг, (жаҳон миқёсида олиб қараганда) мавжудлиги;

- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда МДХнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобиль ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;

- республикада чет эл капиталини инвестиция қилиш ва ўзаро фойдали ташқи иқтисодий интеграцион ҳамкорликни кафолатлайдиган барқарор сиёсатнинг мавжудлиги.

Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитида мамлакатнинг интеграцион салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун унинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак.

Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хом ашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятларни тавсифлаш лозим.

XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон мамлакатлари ўртасида интеграцион мойиллик яққол кўзга ташланди. Халқаро меҳнат тақсимоти шу даражага етдики, миллий хўжаликлар тобора кўпроқ интеграциялашув хусусиятини касб эта бошлади. Бу эса ўз навбатида халқаро хўжалик фаолиятининг байналминаллашувига олиб келди. Ушбу шароитда ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари–халқаро савдо, капиталнинг кўчиши, ишчи кучи миграцияси янги ва аниқ ифодаланган институционал шаклларга эга бўлди. Бир томондан, давлатлараро иқтисодий аҳамиятга эга бўлган минтақавий ташкилотлар ташкил топди (Евроҳукумат ва Европарламентга эга бўлган ЕИ каби), бошқа бир томондан эса ўз фаолиятининг хусусияти бўйича жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган йирик трансмиллий корпорациялар (ТМК) кенг фаолият кўрсата бошлади. Интеграция ҳақида Республикамиз Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: “-Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлатлар тушунчасига мувофиқ келгандагина мумкин бўлади. Айни пайтда мамлакатни замонавийлаштириш унинг, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топиши, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимини яратиш шартлари мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси учун ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув муаммоси замонавий давлатчилик шаклланаётган, жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини

топаётган бир пайтда ва цивилизациялашган демократик жамият куришда ўта муҳимдир. Республикамиз Президенти И. Каримов интеграция ҳақида фикр билдириб, “ Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёсида ва минтақа кўламида-интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: “бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қараши. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир”, - деб алоҳида таъкидлаган эди¹.

Экспорт салоҳиятини республикада ривожлантириш жаҳон иқтисодиётига хос бўлган миллий иқтисодиётнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви билан тавсифланувчи глобализация жараёнларида фаол иштирок этиш имконини беради.

Кўп томонлама халқаро иқтисодий, валюта-молиявий ва савдо ташкилотларининг алоқалари миллий иқтисодиёт учун ҳам, жаҳон иқтисодиёти учун ҳам катта аҳамият касб этади, чунки айнан ана шу ташкилотлар шундай ҳуқуқий маконни яратишга ёрдам беради, жаҳондаги ташқи иқтисодий ва интеграцион алоқалар шу макон доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг БМТ, ЕТТБ, ЕИ, НАТО, Жаҳон банки, ХВФ, ЭКО, ва бошқа ташкилотлар фаолиятида фаол иштироки мамлакатимизга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, замонавий илмий-техникавий ахборотлар, “ноу-хау”ларни, беғараз бериладиган ёрдам ва материалларни олиш имкониятини беради. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари турли тармоқларда кўп томонлама ҳамкорликни тартибга солишнинг тенги йўқ механизмидир. Валюта-молия ва савдо муассасалари эса савдо ҳамда валюта-кредит соҳаларини тартибга солувчи ролни ўйнаб, Ўзбекистонга давлат ва хусусий инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашади.

Жаҳон тажрибаси цивилизациялашган интеграция интеграциялашаётган давлатларнинг умумий ривожлангани маълум бир даражада бўлишини назарда тутди (буни ЕИ тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди). Бироқ собиқ Иттифоқ республикаларининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва барқарор тараккиёт йўлида. 6-том, Т.: Ўзбекистон 1997. 241-242-бетлар.

(ҳозирги МДҲга аъзо-мамлакатлар) умумий ривожланиш даражаси, уларнинг миллий хўжаликларига бозор ислохотларининг поёнига етмаганлиги учун ҳам бу давлатларга Ғарбий Европа давлатларига ўхшаш бирор-бир янги иттифоқни ташкил этиш имконини бермайди.

Давлат мустақиллигига эришгандан сўнг Ўзбекистон учун ривожланишнинг ўз моделини (ўзбек моделини) ишлаб чиқиш имконияти очилди. Ушбу ривожланиш моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашуви каби масалаларга катта эътибор қаратилган. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг кўламда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни қуришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг келажагини унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати негизида ташқи алоқаларда очиклик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ўз миллий-давлат манфаатлари устунлигини сақлаган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтиш тамойиллари ётади.

Республикамизнинг ўз тараққиёт моделини такомиллаштириш ва жорий этишни ишлаб чиқишда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш учун республикада ислохотларни янада самаралироқ амалга ошириш ва бошқа хорижий давлатлар йўл қўйган хатоларни такрорламаслик зарурдир. Республикамиз бошқа хорижий мамлакатлар йўл қўйган хатолардан сабоқ олиш ва шу билан биргаликда, уларнинг ютуқларидан фойдаланиш имкониятига эга. Республикамиз Президенти И. Каримов: “Алоҳида мамлакатлар ривожланиш моделидан кўр-кўрона андоза олиш керак эмас, кўплаб давлатлар тажрибасини ички шарт-шароитларга мувофиқ равишда уйғунлаштириш зарурдир”, - деб таъкидлаган эди²⁴.

Ўзбекистонда очик ташқи сиёсат тамойилини амалга ошириш барча тинчлик севар давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу тамойилга риоя қилиш, мафкуравий омиллардан қатъи назар, қисқа муддатларда кенг кўламдаги ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, бир асрлик ташқи

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том, Т.: Ўзбекистон 1997.

оламдан ажралганлик исканжасидан қутулиш имкониятини беради. Ғайритабиий ҳодисага дуч келамиз: умуман олганда “очик” иқтисодийга эга бўлган ҳолда, яъни ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг тахминан 30%и республикадан ташқарига олиб чиқилган, истеъмол қилинадиган товарларнинг 65%и импорт қилинган ҳолда республикамиз амалда ёпиқ мамлакат эди, жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмасди, унинг барча ташқи алоқалари собиқ СССРнинг ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида чекланиб қолган эди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасининг 83 – 85 %и собиқ иттифоқ республикаларига тўғри келган. Шу билан биргаликда республикамизнинг экспорт салоҳиятидан (пахта, олтин, рангли металллар, газ ва бошқалар) Марказий ҳукумат (собиқ СССР) бермасдан аёвсиз фойдаланиб турган.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишни тубдан қайта ислоҳ қилиш зарур. Умуман олганда, ташқи иқтисодий фаолият янада очикроқ бўлиши керак, бироқ бу республикамиз манфаатларига зиён етказмаслиги керак.

Ташқи иқтисодий сиёсат республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини янада яхшилашга, қулай инвестицион муҳитни яратишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун республикамизда зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд.

Ривожланиш ва тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон нуфузли халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Республикамиз Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банклар гуруҳи, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электралоқалари иттифоқи, Осиё - Тинч океани минтақасининг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), ҳудудий иқтисодий ҳамдўстлик ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши каби машҳур халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Республикамиз Халқаро атом энергиясини назорат қилиш бўйича ташкилотга, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши учун фаол тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи савдосида, шунингдек, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларида қуйидаги йўналишлар устувор саналади:

- Республиканинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган

иқтисодий шакллантириш. Экспорт салоҳияти республикада ривожлантирилмаса, Ўзбекистон ёрқин келажакка эриша олмайди. Экспортга йўналтирилган иқтисодий республикада шакллантириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти ;

- Экспорт таркибини фойдали бўлган хом ашё ресурслари билан таъминлашнинг кўринишларини (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали тайёрланган маҳсулотлар, енгил саноат, илм-фанни кўплаб талаб қиладиган тармоқлар ва бошқаларни) тубдан ўзгартириш керак. Хом-ашёга йўналтирилган экспортни сақлаб туриш республика учун фойдали эмас. Пахтани эса республиканинг қудратли замонавий енгил саноат тармоқлари вужудга келгунга қадар экспорт қилиш даркор. Нафақат пахта билан, балки цивилизациялашган мамлакатлар сингари тайёр маҳсулот билан ҳам савдо қилиш керак;

- Нафақат ички бозорда, балки, энг аввало, жаҳон бозорида ҳам харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш керак.

Жаҳон бозорларида аллақачон талабга эга бўлишга улгурган, киритилган инвестицияларни қисқа вақтда қоплабгина қолмасдан, балки республикамизга валюта тушумларининг мустаҳкам манбаи сифатида хизмат қиладиган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни устувор ривожлантириш даркор. Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, энг аввало, нодир хом-ашё маҳсулотларни қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан меҳнат ресурсларига яқин жойларда ихчам корхоналарни ташкил этиш зарур. Одатда, бу корхоналарнинг барчаси илғор технологиялар билан жиҳозланиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши даркор. Ушбу йўллар орқали бир неча йиллардан сўнг республикамиз замонавий технологиялар билан қуролланган маҳаллий аҳолини ташкил этувчи замонавий ишчи кучига эга бўлади. Ўзбекистон ўзининг ишлаб чиқариши негизда маҳаллий хом- ашёлардан тайёрланган юқори сифатли товарлар билан тўлиб-тошади. Экспортни кенгайтириш сиёсати бўйича стратегияни фаол олиб бориш билан бирга аниқ йўналтирилган импорт ўрнини қоплаш бўйича сиёсатни ўтказиш талаб қилинади. Бунда ўзимиз ишлаб чиқара оладиган товар ва маҳсулотлар импортини мумкин даражада камайтириш керак. Импорт ўрнини қоплаш дастури доирасида асосий эътиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурслар импорти соҳасидан

экинларнинг юқори ҳосил берадиган навлари ва бу экинларга ишлов берувчи саноат технологиялари, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган замонавий асбо-ускуналар, шунингдек, фермер (деҳқон) хўжаликлари учун техникалар импорти соҳасига кўчириш керак. Илғор технологик қурилмалар, илғор технология, ишлаб чиқаришни қайтадан техник жиҳозлаш учун лицензиялар, шунингдек, энг зарур бўлган истеъмол товарлари, хом ашё ва доридармонлар импортига ҳам диққат-эътиборни қаратиш даркор.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бундан буён ҳам эркинлаштириш бўйича аниқ бир мақсадга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш даркор. Бунинг учун хўжалик субъектларига хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишда катта эркинликлар бериш, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижда сотиш, товарлар экспорти ва импортига янада имтиёзли тартибларни жорий қилиш зарур. Буларнинг барчаси сиёсатимизнинг замонавий босқичдаги устувор йўналишларидир. Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида кўплаб товар турларига импорт божлари аллақачон олиб ташланган, экспорт ва импортга божхона божи ставкалари сезиларли даражада пасайтирилган, валюта тушумларини тақсимлаш тизими тубдан ўзгартирилган. Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, тўғридан-тўғри капитал кўйилмаларини устун равишда кенг кўламда жалб қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратишга, кўшма корхоналарни ташкил қилишга, шунингдек, инвесторлар манфаатларини химоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини яратиш – бу ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатларига ва шарт-шароитларига жавоб берадиган ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалари, транспорт тизими, алоқа ва коммуникация тизимларини барпо қилиш демакдир. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг тез орада жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви учун иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий замин яратиш имконини беради.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ тизимида энг бой мамлакатлар ўзларини эркин савдога қатъий риоя қилиш тарафдорлари қилиб кўрсатишади. Бироқ, айнан ана шу мамлакатлар жуда усталик билан

мураккабдан-мураккаб ва ниқобланган савдо тўсиқларини ўрнатиб келишмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар ва шунингдек кўп сонли жаҳоннинг ижтимоий ташкилотлари Сиэтлдаги учрашувнинг барбод бўлишига эришиб, жаҳон иқтисодиётидаги етакчи мамлакатларнинг икки юзламачилигини, шунингдек, сайёрамизнинг 80% аҳолиси яшайдиган қисмининг манфаатларини эътиборга олмаётганлигига қарши яқдил қарши чиқишди. Натижада ушбу раунд 2003 йилга қолдирилди. Шунингдан ташқари олиш жоизки, БСТнинг келажакдаги музокараларида жаҳон тараққиёти учун тенг ҳуқуқли халқаро савдо режимини ва глобал иқтисодий тартибнинг адолатли асосларини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг кўзга кўринган йирик ва обрўли халқаро ташкилотлари, дунёнинг ўнлаб давлатлари билан алоқаларни ўрнатган бўлиб, уларнинг йирик банк ва молиявий ташкилотлари билан, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг 43та элчихонаси, 49та нодавлат ва шунингдек 15та давлатлараро ташкилотлари аккредитация қилинган. Республикамиз энг муҳим халқаро конвенцияларнинг қатнашчисидир. Ўзбекистон турли давлатлар билан халқаро иқтисодий интеграцион жараёнлар асосида интенсив ривожланиб боровчи давлатлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан олиб борилаётган ташқи иқтисодий алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ушбу давлатлар ҳиссасига Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо ҳажмининг 30-35%и тўғри келади. Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан бўладиган товар айланмасининг ривожланиши тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали принципларга асосланган.

12.2. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятдаги иштироки. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлиши унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқаро майдондаги фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг БМТдек нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши унинг жаҳон муносабатларидаги фаолиятининг кенгайиб боришига олиб келди.

БМТнинг давлатлар ва халқлар тақдирида, жахондаги барча эркпарвар халқлар тақдирида тутган оламшумул тарихий ролини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида қуйидагича жуда аниқ қилиб таърифлаб берган эди: «Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг, минтақаларнинг. Бутун жахон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ - бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётганлиги равшан кўриниб турибди. Айни шу пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жахон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда»²⁵.

Ўзбекистоннинг бу нуфузли ташкилотдаги иштироки фақат мамлакатимиздагина эмас, шунинг билан бирга Марказий Осиёда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов БМТнинг хавфсизлик ва ҳамкорлик соҳасидаги роли ва аҳамиятини кўп марталаб таъкидлаб, бу ташкилот дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишнинг ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўла олишига чуқур ишонч билдириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлгандан буён ўткан давр мобайнида мамлакатимизнинг бу халқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенг тус олиб бормоқда. Бу алоқаларнинг ривожланишида БМТнинг 1993 йилда мамлакатимизда иш бошлаган ваколатхонасининг аҳамияти каттадир. Ваколатхона ўз ишини бошлаган кунларданок, орадан кўп вақт ўтмай, у ўз таркибига БМТнинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли Олий комиссари, Болалар жамғармаси, Саноат ва тараққиёт дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиши жамғармаси, каби кўплаб ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштирди ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда.

²⁵ И.А.Каримов. Биздан Озод ва Обод Ватан қолсин. «Ўзбекистон», 1994, 139-бет

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ишонч асосига қурилгандир. Мамлакатимизнинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, маданиятни тиклаш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Эндиликда Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги кенг тус олмоқда. Бу ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳам етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. БМТ мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ишларга беғараз ёрдам бермоқда. Бу ёрдам БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини қўллаб қувватлаш дастурига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда демократиялаш жараёнларининг чуқурлашиб бориши мамлакатимизнинг БМТ билан алоқалари ва ҳамкорлигининг янада кенгайиб боришига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни тобора чуқурлаштириш ташаббускори бўлиши билан бирга, бу халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган қудратли ташкилотга айланишининг тарафдори бўлиб қолмоқда. Бунинг учун БМТ ўз тузилмаларини қайта қуриш соҳасидаги ишларини муваффақиятли ҳал этиши, ўзининг раҳбарлик идоралари ва ихтисослашган муассасалари ишини тубдан қайта қуриш ғоясини изчиллик билан амалга ошириши лозим. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов БМТ фаолиятини ҳозирги давр талаблари асосида қайта қуриш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаб, бу иш «... миллий, минтақавий ва жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишдаги дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришда уларнинг аҳамиятини кучайтиришга имоним комил»²⁶ деб ишонч билдирганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон - 1992 йил 2 мартдан БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 17-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг тенг ҳуқуқли субъектидир».

1992 йил Ўзбекистон Конституциясининг Муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормалари устиворлиги

²⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон», 1995, 64-бет

мустаҳкамланган. Бу дегани, Ўзбекистон Республикаси нафақат ўз халқи, балки бутун дунё давлатлари халқларининг демократик ривожланиши шарти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари ва нормаларига амал қилиш, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мажбуриятларини олади..

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқди. И.А.Каримов БМТ нинг бутунжаҳон ҳамжамияти учун энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилишдаги , тинчлик ва хавфсизликни қўллаб қувватлашдаги , жамики халқлар тараққиётига кўмаклашишдаги ролини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон сиёсий барқарорликнинг, тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликнинг сақланиб турилганлиги бунинг яққол исботидир. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги, маданий ва маърифий тажриба алмашинувидаги қадимий ва улуғвор БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб аниқ равшан айтилганидек, истиқлол йиллари янги уйғониш босқичига кирди. БМТ ишида тўлақонли иштирок этиш Ўзбекистон учун нафақат фахрланиш манбаи, балки ҳамкорлик ва кенг манфаатлар сари имкониятлар очилди дегани ҳамдир.

12.3. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалардаги (ИХТ, ЕТТБ, ХВФ, ОТТБ,) иштироки

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзоси бўлди. ИХТ Афғонистон Ислом Давлати, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Покистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркия Республикаси, Туркманистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси каби давлатларни бирлаштиради. 1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви пайтида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий фаровонлиги йўлида кўптомонлама минтақавий ҳамкорлигини кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифалар эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига интеграциялашуви -транспорт, алоқа савдо, инвестиция ва энергетика сингари устувор соҳаларни ривожлатириш учун имконият яратади. Бу соҳалардаги ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириш имконини беради. Транзит савдо, минтақа ичида халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ божхона тадбирларининг умумий тизимини яратиш

юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистонни Афғонистон орқали Карачи ва Гвадар портлари билан бирлаштирувчи транзит йўлларига алоҳида эътибор берилмоқда. Термиз-Хирот-Кандахор-Чаман темир йўли ва унинг Хирот-Кушка, Керман-Зоҳидон, Астаре(Озарбайжон) -Решт-Казвин тармоқлари билан, шунингдек Авн кули атрофидан айланиб ўтувчи темир йўлини тугаллаш мақсадида уларга ҳам устивор аҳамият берилиши лозим.

Минтақада газ ва нефть ўтказиш тармоқларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Бунда Туркменистондан Эрон ва Туркия орқали Покистонга, шунингдек Эрондан Покистонга ўтадиган газ қувурлари қурилиши алоҳида эътиборда турибди. ИХТ аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ҳам бу газ қувурларидан фойдаланишлари мумкин.

ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдони янада ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо муҳитидаги тажрибани ҳисобга олган ҳолда эркин савдо минтақаси (ЭКОФТА) тузишга аста-секин ўтиш кўзда тутилмоқда. ИХТ минтақасидаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда тобора кўпроқ рол ўйнамоқда.

Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни енгиллаштиради. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишда, маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришда катта ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистон 30 та обрўли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Буларнинг жумласига Жаҳон Банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар, шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро Валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт Банки, Ислон тараққиёт банки, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, Бутунжаҳон саёҳат ташкилоти, Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитаси ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди. Республика ҳозирги кунда БСТга аъзо бўлиш учун қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳон Банки билан ҳамкорлик. 1992 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси ЖБга аъзо бўлди. 1992 йил сентябрдан Тошкент шаҳрида Жаҳон банкининг ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикасига қарзлар қуйидаги шартлар асосида берилди:

- қайтарилиш муддати 20 йил
- имтиёзлар даври 5 йил
- фоиз ставкаси сузиб юрвчи, ҳар йили аниқланадиган.

Банк стратегияси босқичма-босқич ривожланишда ҳукумат ислохатларини қўллаб қувватлаш ва тадбиқ этиш мақсадида маслаҳатлар бериш, шунингдек техник-молиявий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Жаҳон Банки кредитларни асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сув таъминоти ва санитария ирригация тизими ва дренажни қўллашга ажратади. ЖБнинг мамлакатга бераётган ёрдамнинг асосий мақсади:

А) валюта ва савдо тартибини либераллаштириш масаласида сиёсий ҳолатни такомиллаштириш ва давлат бошқаруви самарасини ошириш.

Б) хусусий сектор ва тўғридан-тўғри инвестициялар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

В) ижтимоий инфратузилмадаги давлат ресурсларини қўллаш ва тақсимлашдаги самарадорликни ошириш.

Г) техник хизмат ва мамлакат инфратузилмасида ирригация-мелиорация, шуларни ишларини олиб боришдаги тизимни қувватлашларни ўз ичига олди.

Жаҳон Банкининг нинг 2003 йил сентябрь ҳолати бўйича Ўзбекистонга бериладиган кредити 559,14 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан тўловни амалга ошириш миқдори 328,86 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2003-2004 йил давомида 4та қарз бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга оширилди. Бунга:

- Қарши каскад насос станцияси лойиҳаси бўйича Қувайт фонди ва ОПЕК фонди билан молиялаштиришда 55 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз суммаси.

- Экологик дренаж лойиҳаси бўйича (Қорақалпоғистон) қарз ва кредитнинг умуми миқдори 25 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

- Давлат молиясини бошқариш бўйича ислохатлар соҳасидаги техник ёрдам лойиҳаларига, шунингдек соғлиқни сақлаш лойиҳаси бўйича қарз ва кредитларни ташкил этади.

Ўзбекистон шунингдек икки лойиҳанинг қатнашувчиси ҳисобланади. Булардан бири глобал экологик фонд (ГЭФ) ҳамкорлигида молиялаштирилиб, 1998 йил тасдиқланган Орол денгизида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларининг бошқариш тўғрисидаги лойиҳа ҳисобланади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик. Ўзбекистон 1992 йил 19 апрелдан ЕТТБ га аъзо бўлди. Ўзбекистонга ЕТТБ томонидан келган вакиллар республикадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганиш ва келажакдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадидаги ташрифи давомида банк директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонга нисбатан ЕТТБ ўз стратегиясини белгилади. Бунда банк келгусида Ўзбекистон хусусий секторини ривожлантириш ва кенгайтириш; табиий ресурсларни ўзлаштириш; энергетика секторини, кичик ва ўрта корхоналарни, пахтани қайта ишлаш ва бошқа енгил саноатни, туризм инфраструктурасини ривожлантириш каби соҳалардаги асосий йўналишларни аниқлади.

Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик натижаси ўлароқ иқтисодий ислохатларни ривожлантириш йўлида ҳозирги кунда банк томонидан 7 лойиҳа амалга ошириш режалаштирилган ва 13 таси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларнинг умумий миқдори 1,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Ундан ташқари 320 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 8 лойиҳанинг амалга оширилиши кутилмоқда. Дизель локомотив паркларини янгилаш, Андижон муниципал инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва микро корхоналарга бериладиган кредит линиялар. «Ўзбек лизинг интернейшнал АО» компаниясининг лизинг кредити каби лойиҳалари 2002 тасдиқланган ва ҳозирда амалга оширилган лойиҳалар жумласига киради.

Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик. Ўзбекистон 1992 йил сентябрь ойидан бошлаб ХВФга аъзо бўлиб келмоқда.

ХВФ 1995 йил январда Ўзбекистон Республикасига мамлакат бошқаруви томонидан қабул қилинган дастур асосида биринчи 72,4 млн. АҚШ доллари миқдорида транш маблағлари берди. Шунингдек 1995 йил декабрь ойида миллий валютани қўллаб-қувватлаш мақсадига 2 транш берилган. Берилган маблағлар бўйича фоиз ставка сузиб юривчи ҳисобланади. қарзни тўлаш муддати 5,5 йилни ташкил этади. 1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига «Стэнд Бай» кредитини берди. Бу маблағлар иқтисодий ислохатларни давлат томонидан 1995-1996 йил қўллаб қувватланиши учун кўзланган 2000-2001 йил давлат томонидан валюта сиёсатини тартибга солиш учун қўллаш чора тадбирларини ҳисобга олган ҳолда 2001 йил августда Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасида Ўзбекистон Республикаси 31 июль ва 31 декабрь 2001 йил оралиғидаги молиявий ва иқтисодий сиёсат тўғрисида меморандум қабул қилинган. Меморандум асосида Ўзбекистон ва ХВФ вакиллари ҳамкорлигида 1 январь ва 30 июнь 2002 йил оралиғига макроиқтисодий ва структуравий сиёсатни асосини ишлаб чиқилди. 2002 йил ХВФ мониторинг дастури асосида бир қанча вазифаларни бажаришди. Ўзбекистон Республикасида турли вазирлик ва идоралар ўртасида чора тадбирлар ўтказилди. Бундан асосий мақсад иқтисодий ислохатларни ривожлантиришда кредит ва солиқ бюджет сиёсатини қаттиқ сақлаган ҳолда валюта режимини тартибга солиш бўлди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикасига ХВФ дан вакиллар ташриф буюришган. Бу музокараларда ХВФ низомидаги 8-модда давлат режаси асосида бир неча шартлар имзоланди. Бунга савдо соҳасидаги солиқ бюджет ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда самарали унсурлардан фойдаланилди (2003 охири). Шунингдек тузилмавий ислохатлар соҳасида бир қанча ишларни амалга ошириш киради. 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХВФ келишувидаги 8-модда, 3-4 модда, 2а қисмидаги шартларини қабул қилишини маълум қилди.

Осиё Тараққиёт Банки. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 30 августда ОТБ нинг тўлақонли аъзоси бўлди. ОТБ билан ўзаро молиявий ва техник ҳамкорлик мақсадида, шунингдек ОТБга тақдим этилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш ишларини мўлжаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 16

январдаги №27 фармойиши билан ОТБ билан ҳамкорлик учун идора ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки ОТБ авуарида Ўзбекистон Республикаси миллий вальютасидаги расмий банк депозитарийси деб эълон қилинди. Молия Вазирлиги ОТБ билан алоқаларда маъсул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг МБ Ўзбекистон Республикасини ОТБнинг директорлар кенгаши гуруҳига кўшиш тўғрисида мурожаат қилди. Бу гуруҳга Малайзия, Сингапур ва Тайванд мамлакатлари киради. ОТБ бу мурожаатномани қабул қилгандан сўнг Ўзбекистон иқтисодий интеграция мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Осиё тинчлик минтақаси мамлакатлари билан тенгликда аъзо бўлди.

ОТБ республика ҳукумати билан келишган ҳолда банк томонидан келгусида такомиллаштириш учун баъзи иқтисодиёт секторлари аниқланган: қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, ижтимоий инфраструктура. 2003 йил 11-12 октябрда Тошкентда Ўрта Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича ОТБ Вазирликлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда аҳолининг ижтимоий ахволини яхшилаш, транспорт, савдо ва энергетика соҳасидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, энергетика ресурсларидан тўғри фойдаланиш, атроф мухит химоясини кучайтиришда хусусий секторни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий инфратузилмани такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

БМТнинг Қишлоқ хўжалиги савдоси ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси 2001 йил ноябрда ФАОга аъзо бўлди. 2002 йилда Ўзбекистон ФАОнинг «Минтақада парвариш қилинаётган ерларнинг ҳосилдорлигини ўстириш» минтақавий дастурида иштирок этди. Бу лойиҳанинг умумий миқдори 1,34 млн. АҚШ долларини, шунингдек, Ўзбекистонга 350 минг АҚШ долларини ташкил этади. ФАО дастурида Ўзбекистондан ташқари Хиндистон, Покистон, Миср каби мамлакатлар қатнашдилар.

2002 йил январда республикага ФАО томонидан жаноб Тим Жексон бошчилигида бир нечта вакиллар ташриф буюришди. Бу ташрифдан асосий мақсад Амударёнинг пастки қисмидаги ерлардаги қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни енгиллаштириш учун қишлоқ хўжалиги амалиётида кўп йиллар давомида синаб кўрилган

лойиҳаларга техник ёрдам кўрсатишни режалаштириш бўлди. Музокаралар давомида бу дастурларнинг ҳолати ва уни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди. 2000 йил 16 мартдан 1 апрелгача Ўзбекистон Республикасида Қоҳира шаҳридаги ФАО Яқин Шарқда иш олиб бориш бўйича минтақавий бўлими бошлиғи жаноб Д. Абдоу бўлди. Бу ташрифдан асосий мақсад Ўзбекистон идора ва вазирликлари вакиллари билан техник ёрдам кўрсатилиши таклифини муҳокама қилиш бўлди. 2002 йил 20 мартда ТИААда жаноб Абдоу билан бўлиб ўтган музокараларда ФАО ва Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик томонлари муҳокама қилинди.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик. Ўзбекистон ва ИТБ ўртасидаги биринчи алоқалар 1992 йилда бошланган. 1992 йили ИТБ Ўзбекистон мусулмонлар бошқармаси грантларини маъқуллади. Бу грантлар бир қанча лойиҳалар Ал-Бухорий институти учун ётоқхона қуриш, Тошкент шаҳридаги бир қанча шифохоналарни, Хива, Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасини таъмирлаш, араб тилини ўргатишни кўллаб-қувватлаш ва бошқаларни молиялаштиришни ўз ичига олади. 1997 йил 30 июнь - 4 июлда Ўзбекистонга ИТБ президенти ёрдамчиси К.И.Абдулҳақ бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ташрифдан асосий мақсад республиканинг расмий шахсларини ИТБ фаолияти билан таништириш ва Ўзбекистон Президенти қошидаги давлат ва ижтимоий қурилиш академияси билан ҳамкорлик ўрнатиш бўлди.

2002 – 2003 йил давомида бир неча бор ИТБ техник вакиллари ташриф буюрди. 2003 йилда Ўзбекистонда инвестицион конференцияларни ташкил этиш мақсадида 25 июнда ИТБ ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида шу тадбирни ўтказиш тўғрисида меморандум имзоланди. 2003 йил 17-18 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига ташрифида ИТБ Президенти Ахмад Муҳаммадали билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида Ўзбекистонни ИТБга аъзо бўлиш тўғрисидаги масалалар, шунингдек, ҳамкорлик йўналишлари, Ўзбекистоннинг молиявий ташкилотлари билан банк ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва Ўрта Осиё минтақасида банк роли каби масалалар муҳокама қилинди. 2003 йил 2-4 сентябрда Олма-Ота шаҳрида ИТБ нинг 28 йиллик йиғилишида Ўзбекистон ВМ раиси ўринбосари Э.Ғаниев бошчилигидаги делегация қатнашди. Бу йиғилишда Ўзбекистон

Республикасида ИТБнинг инвестициявий конференцияси бўлиб ўтди. Бу тадбирда ИТБга аъзо мамлакатларнинг дипломатик корпус вакиллари халқаро молия ташкилотлари вакиллари, ИТБга аъзо мамлакатлар ишбилармонлар доираси вакиллари, ИТБнинг раҳбар ва ходимлари қатнашди. Конференция якунланиши биланоқ 2003 йил 6-10 октябрда Ўзбекистонга ИТБ вице-президенти доктор Амаду Буманар Сисс бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Бу ташрифнинг асосий мақсади Ўзбекистон билан ИТБнинг 2004-2006 йил оралиғидаги ўзаро ҳамкорлик дастурини аниқлаш ва вазирлар ва идора бошлиқлари билан музокаралар ўрнатиш бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ва ИТБ қўйидаги муҳим ҳамкорлик муносабатларни белгилаб олди: транспорт, автомобиль ва темир йўллар, соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти, ирригация, нефть ишлаб чиқариш ва энергетика, ўрта ва кичик бизнес. 2003 йил 10 октябрда ўтказилган учрашувда Ўзбекистон ҳукумати ва ИТБ вакиллари томонидан 2004-2006 йилда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Бу дастурга биринчи босқичда ўн та лойиҳа киритилди. У қўйидаги соҳалардан иборат: валюта маржалар, тез ёрдам пунктларини техник воситалар билан таъминлаш, алоқа линияларини қуриш, темир йўл станциялар ва кўприкларни қайта тиклаш, кичик ва ўрта бизнес учун молиялаштириш, вагонларни таъминлаш заводини модернизациялаш ва бошқалар.

12.4. Ўзбекистоннинг ШХТ интеграция жараёнларидаги иштироки

Бугунги кунда дунёда ягона геосиёсий макон, яъни глобаллашув жараёни жадал ривожланиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ахборот алмашуви, ўзаро келишувга риоя қилган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, халқаро маданий алоқаларнинг ўсиши ва уларнинг бир-бирига таъсири, умуминсоний қонун ва қоидалар нормасига амал қилиш ҳисобланади.

Дунёда давлатлараро муносабатларда очиклик сиёсати тамойилларига амал қилинмоқда. Лекин бу сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик муаммолар исканжасида таранглашиб бораётган зиддиятлар ўз-ўзидан барҳам топади, дегани эмас, албатта. Тараққиёт узлуксиз жараён бўлганлиги туфайли бундай ҳолатнинг юзага

келиши табиийдир. Шундай экан, тараққиёт инсониятнинг яратуввчанлиги билан боғлиқ барча салбий ва ижобий жараёнларни ўзижа мужассам этган, ўзининг табиий ривожланиш диалектик қонуниятларига эга ижтимоий ҳодисадир. Кишилиқ жамиятининг яқин тарихи ва бугуни ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Жаҳон XX аср иккинчи ярмида шаклланиб улгурган барқарорлик мувозанатидан беқарорлик даврига қадам қўйди. Ҳаттоки, бу омил объектив, қолаверса, субъектив жараёнлар боис кескинлашмоқда ҳам. Терроризм, экстремизм, наркотрафика каби салбий жараёнларнинг халқаро аҳамият касб этаётганлиги эса бунинг асосий сабабларидан бўлиб қолмоқда. Шу тариқа, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг амалда чуқурлашуви, хавф-хатарларнинг олдини олишга бўлган ижтимоий эҳтиёж ва истиак Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг оламдаги ўзгаришлар ҳосиласи сифатида Дуне майдонида пайдо бўлишига олиб келди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ўз характериға кўра “очиқ” ташкилот унга аъзоликни ихтиёр этган ҳар қандай давлат кириши мумкин. Фақат уларнинг манфаатлари ташкилотға аъзо давлатлар манфаатлари билан мос тушиши, уйғунлик касб этиши зарур. Бироқ бу ҳақда ҳозирдан бирон-бир нарса дейишға эрта бўлса-да, ШХТнинг минтақада кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеликларға сезиларли таъсир ўтказётганлигини амалда инкор этмаслик керак. ШХТнинг характерли томони шундаки, унга географик жойлашувиға ва тарихий шаклланган шарт-шароитларға асосан социализм тузумини бошдан кечирган давлатлар аъзодир. Гарчанд бу жиҳат мутлақ ижобий бўлмаса-да, тарихий бир хиллик нуқтаи назаридан аъзо давлатлар сиёсий маданиятида муштаракликни кучайтиради. Шунингдек, ШХТ давлатлари социализм туфайли чуқур «ички изоляция» даврини бошдан кечирган. Ана шу омиллар ҳам минтақа халқлари табиати ва характериға, кундалиқ турмушиға ва сиёсий фаолиятиға ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

ШХТнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ сабабларға келадиган бўлсак, унинг тарихий илдизлари ўтган асрнинг 60-йилларига бориб тақалишини айтиш жоиз. Чунки Собиқ Иттифоқ ва ХХР ўртасидаги ҳудудий муаммоларни ҳал этиш ўша даврлардаёқ пишиб етилгандики, унга барҳам бериш эса маълум бир муддатни тақозо этарди. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ва минтақа тараққиёти келажаги билан боғлиқ жараёнлар янги пайдо бўлган Россия ва ХХР ўртасида ўзаро ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш учун қулай вазият

келганлигини кўрсатди. Ушбу умумий ҳолат Марказий Осиё давлатлари ва Хитой муносабатларида ҳам кузатилган эди. Бундан ташқари, ШХТнинг пайдо бўлиш сабаблари, Хитойнинг 80-йиллар охири – 90-йилларнинг бошларида ички ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнлар билан боғлиқ. Яъни собиқ иттифоқнинг «қайта қуриш»лар сабаб парчаланиб кетиши, Хитойнинг халқаро сиёсат майдонида қисқа даврга бўлса-да, “яккаланиш даври”, шунингдек, бу давлатдаги мавжуд тузумнинг эртасига бўлган ишончсизлик кайфияти, ҳукмрон партиянинг йўлбошчилигига бўлган ишончнинг сустлашиши натижасида иккиланишлар ва бошқа мураккаб тенденция мамлакатда “ижтимоий вакуум”нинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳеч гап эмас эди. Айрим ташқи кучлар таъсирида 1989 йилда “Тяньанмин” майдонида хитой талабаларининг демократик ўзгаришларни талаб қилиб чиқишлари ҳамда 90-йилларнинг иккинчи ярмида Хитойда пайдо бўлган “Фаланьгун”яширин жамияти фаолияти кучайди.²⁷ Энди Хитой учун Европа ҳам ёпиқ бўлиб, ҳатто бунга географик омиллар ҳам изн бермасди. Шунинг учун ҳам Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан тарихан шаклланган дўстона муносабатларни Янги асосда қайта йўлга қўйиш, иқтисодий алоқаларни тиклаш ягона йўл бўлиб қолмоқда эди. Айни пайтда, Россия ва Марказий Осиё давлатларида ҳам бундай эҳтиёж мавжуд эди. Шу боис, Хитойнинг “Шанхай” таклифи билан чиқиши улар манфаатларига ҳам айнан мос тушарди.

Евросиёнинг Узоқ Шарқ, Хитойнинг Тибет ва Синьцзян каби ғарбий ўлкалари, Афғонистон, Чеченистон билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни бартараф этиш ва ҳудудлараро яхлит минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида доимий ишлаб турувчи, жараёнларни назорат қилувчи халқаро ташкилотга бўлган эҳтиёж ШХТ амалий фаолиятининг янада кенгайишига олиб келди. Айнан ана шу тамойилга амал қилиш зарурати ҳозиргача ШХТга аъзо давлатлар тараққиёти ва манфаатларини белгилаётган муштарак ғояларни рўёбга чиқаришдаги асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

“Шанхай бешлиги” 1996 йилда ташкил этилган бўлса-да, унинг тарихи ХХР ва Совет Иттифоқи орасида чегара ҳақидаги келишувлар бошланишига бориб тақалади. ХХР ва СССР ўртасида муносабатларнинг яхшиланишидан сўнг ҳам ушбу келишувлар анча

²⁷ Бекмуратов И. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. //Жамият ва бошқарув. 2004. №2, 65-б.

секин ривожлана борди. Шунга қарамай ХХР ва СССР 1989 йилда шарқий чегара ҳақида шартнома имзолади, 1990 йилнинг 24 апрелида эса совет-хитой чегараси ҳудудида қўшинлар сонини 2 баробар камайтиришга келишиб олинди. Бу келишувларнинг барчаси фақат икки томонлама олиб борилган.²⁸

Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши билан музокараларда янги субъектлар пайдо бўлди. 1991 йил декабрда бир томондан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ва иккинчи томондан Хитой Халқ Республикаси музокараларни давом эттирдилар. Музокараларнинг “4+1” тузилмаси таркиб топди. Иккала томон ҳам ХХР ва СССР орасида имзоланган келишув доирасида муаммоларни муҳокама қилишга қарор қилдилар.

“Шанхай бешлиги” ўз тарихини 1996 йилда Шанхайдаги учрашувдан бошлади ва унинг бундай ном олишига сабаб – Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва ХХР раҳбарлари илк марта Шанхайда учрашдилар ва дастлабки ҳужжатни – Чегара ҳудудидаги ҳарбий соҳада ишончли мустаҳкамлаш ҳақидаги Келишувни имзоладилар. 1997 йил 24 апрелда Москвада “Шанхай бешлиги” раҳбарлари Чегара ҳудудида қуроли кучларни ўзаро қисқартириш ҳақидаги Келишувни имзоладилар.

Ушбу иккита келишув чегара ҳудудларида тинчлик сақлаш учун ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий борада муҳим аҳамиятга эга. 1997 йилдаёқ “Бешлик” механизмида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Биринчидан, музокаралар доираси ўзгарди, бунда икки томонлама, яъни Хитой ва 4 мамлакатдан иборат музокаралардан бештомонлама музокараларга ўтилди. Яъни, ташкилотнинг ҳар бир аъзо-давлати мустақил томон бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, музокаралар мавзуси ҳам ўзгарди. Аввал «Бешлик» келишуви фақат ҳарбий соҳадаги ишонч ва чегара ҳудудларида қуроли кучларни қисқартириш масалаларини қамраб олган бўлса, 1997 йилдан бошлаб музокараларда минтақада ҳарбий ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш муаммолари ҳам кўриб чиқилад бошланди. “Шанхай бешлиги” минтақавий ва халқаро ташкилотга айланди.

2001 йилда Шанхайда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари учрашуви вақтида Ўзбекистоннинг қабул қилиниши билан вужудга келган “Шанхай олтилиги” Шанхай ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди.

²⁸ Син Гуанчен. Шанхайская организация сотрудничества: приоритетны направления. //МЭиМО, 2002, №11, с. 71.

Ташкилот аъзолари ШХТ доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда. ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастури ҳамда уни рўёбга чиқариш юзасидан иш режаси имзоланди, 127 та қўшма лойиҳалар белгилаб олинди, андозалар ва мувофиқликни баҳолаш тартиботлари, божхона, электрон савдо, сармояларни рағбатлантириш, транзит салоҳиятини ривожлантириш, энергетика, телекоммуникациялар йўналиши бўйича етти та махсус ишчи гуруҳлари тузилди, улар ўз навбатида тегишли соҳалардаги ҳамкорликни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришга масъулдирлар.

2007 йилда аъзо-давлатлар ўртасидаги товар айланма 60 миллиард долларни ташкил этди. ШХТнинг 2004 йилдаги Тошкент саммитида Хитой ҳукумати номидан ташкилот аъзоларига 900 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли экспорт кредити ажратилиши эълон қилинган эди. Кейинчалик, 2005 йилдаги Остона саммитида Хитой ҳукумати номидан Хитой томони кредитни ҳаётга татбиқ этишнинг янада имтиёзли шарт-шароитларини жорий этишга тайёр экани баён қилинган эди. Ҳозирги пайтга келиб бу кредит ҳаётга татбиқ этилди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон бу йўналишда 19 та лойиҳа ишлаб чиққан бўлиб, уларнинг умумий қиймати 196,6 миллион долларни ташкил этади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами нечоғли жадал ривожланаётганига Ўзбекистон билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми кўрсаткичларининг муттасил ўсаётгани яхши мисол бўла олади. 2001 йилда бу борадаги умумий кўрсаткич 1 миллиард 781,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 4 миллиард 541,8 миллион АҚШ долларга етди. 2007 йилнинг январь-август ойларига доир кўрсаткич сал кам 4,2 миллиард долларни ташкил этди.²⁹

Мамлакатнинг ташқи савдосида ҳамда умуман ташқи иқтисодий алоқаларида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан савдо-сотик катта ўрин тутди.

Масалан, 2003 йили ШХТ мамлакатларига бутун республика маҳсулот айирбошловининг 28,2 % тўғри келган эди, 2007 йил

²⁹ Бобоев А. Иқтисодий ҳамкорликнинг ноёб механизми. //Тошкент оқшоми. 2007 й., № 205.

яқунларига кўра эса, бу кўрсаткич 2003 йил билан қиёслаганда 3,4 каррадан ҳам кўпайди.³⁰

Бу борада улкан моддий хомашё базаси, кенг истеъмол бозори, инсон ресурслари, инвестициялар киритиш учун яратилган катта имкониятлар ва ҳоказолар эътиборга олинган. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жами ҳудуди 30 миллион кв км дан ошади, бу эса Евроосиё қитъасининг 3/5 қисми дегани. Жами аҳоли сони 1,5 миллиарддан ортиқ.

Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари учун янги бозорларни ўзлаштириш ва жорий ҳажмларни кўпайтириш имкониятлари очилди.

Ижобий ўсиш суръатлари эса, Ўзбекистоннинг биринчи навбатда Россия, Хитой ва Қозоғистон каби ҳамкор мамлакатлар билан экспорт ива импорти ортишида ифодаланмоқда. 2007 йил яқунларига кўра мамлакат умумий маҳсулот айирбошловининг 42 % и ҳамда ШХТ мамлакатлари билан савдонинг 94 % и ушбу мамлакатларга тўғри келган эди.

2007 йилда Россия билан маҳсулот айирбошлаш 4 миллиард доллардан, Қозоғистон билан – 1 миллиард доллардан ошди. 2007 йилда 2003 йил билан таққослаганда экспорт 4,8 баробар, импорт – 2,4 баробар ортди. Бундан ташқари 2008 йил яқунларига кўра Хитой билан маҳсулот айирбошлаш 1 миллиард доллардан ошди

Таҳлиллар кўрсатишича, умумий импортда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларининг салмоғи экспорт салмоғидан ортиқдир ва бунда экспорт улуши барқарор равишда ўсмоқда.

Экспорт ва импорт таркиби турфа хил ва 17 мингдан зиёд маҳсулот позицияларини ўз ичига олган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларига асосан қуйидаги маҳсулотлар экспорт қилинади³¹:

Хитойга – пахта толаси, нефтни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар, хизматлар (транспорт), рангли металллардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (мис катодлари);

Қозоғистонга – табиий газ, қора металллардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, цемент, ўғитлар, шиша маҳсулотлар, енгил автомобиллар;

³⁰ Исамухамедов А. Ўзбекистон ва ШХТ мамлакатлари: экспорт ва импорт шарҳи. // Ҳамкор.Уз. 2008 й, №17

³¹ Исмухамедов А. Ўзбекистон ва ШХТ мамлакатлари: экспорт ва импорт шарҳи. // Ҳамкор.Уз. 2008, № 17, 3-бет.

Қирғизистонга – табиий газ, минерал ўғитлар, цемент, хизматлар (транспорт);

Россияга – транспорт воситалари (енгил автомобиллар), яги терилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, табиий газ, этилен полимерлари, қора металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (рафинацияланган мис, рух), хизматлар (кувур ўтказгичлар бўйлаб етказиш, транспорт).

Тожикистонга – табиий газ, хизматлар (транспорт), минерал ўғитлар, цемент.

2009 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори М.Субановнинг ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди, ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилиб, ШХТга аъзо давлатларда “уч ёвуз куч”га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди.

Бундай натижаларга эришишда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури кенг имконият яратди. Таъкидландики, ШХТ МАТТнинг режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг таклифларини ҳамда ШХТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

2009 йил 15-16 июн кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Саммит Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги йиғилиши билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШХТга аъзо давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги кўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, экстремизм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазият кўриб чиқилди, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва тикланиш ишларини амалга ошириш борасида фикрлар алмашилди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага тўхталиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафеълигидаги янги халқаро механизми – “6+3” мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ Афғонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларида иборат бўлади. Шунингдек, Ислон Каримов кўп миллатли Афғонистон халқининг чуқур тарихий илдизларига, барча миллатларнинг анъанавий қадриятларига тўла ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимлигини, шу асосда ҳамда музокаралар орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Президентлар ШХТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ШХТ дунёнинг энг нуфузли, қудратли, юқори салоҳиятга эга ташкилотларидан бирига айланди. Бунда ташкилотнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳар томонлама пухта ўйланган механизм вазифасини ўтаётгани, шунингдек, музокаралардаги очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий соҳада ШХТ давлатлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштиришга эришди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШХТ мамлакатлари учун доимо устувор ўрин тутди. Шу боис саммитлар арафасида иқтисодий-ижтимоий комплекс вазирлик ва идоралари билан бир қаторда, хавфсизлик кенгаши котиблари, ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар ва бошқа махсус хизматлар вакилларининг мажлислари ўтказилади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. ШХТнинг Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳамкорликда бизнес вакиллари ва банк-молия тузилмаларининг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, ШХТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашмадан ташқари, божхона, транзит, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, йўлсозлик, логистика, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалар бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Масалан, транзит салоҳиятини юксалтириш бўйича махсус ишчи гуруҳ “Андижон-Ўш-Саритош-Иркештом-Қашқар” ҳамда “Душанбе-Жирғатол-Қорамик-Иркештом-Қашқар” транспорт йўлаклари таркибига кирувчи автомобил йўллари лойиҳаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Мунтазам равишда фестивал, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик тажриба алмашув ва юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мамлакатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Норовин Алтанхуяг ҳамда саммит меҳмони сифатида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай ҳам иштирок этди.

Музокарада ШХТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида ҳамда кузатувчи давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Халқаро ва минтақавий вазият кўриб чиқилди, молия, энергетика, ахборот, экология ва озиқ-овқат соҳаларида хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Саммит якунида ШХТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда.

Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фоизсиз ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда

инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нефт-газ соҳасида сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефт-газ корпорацияси Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда энгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 223 Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестивал, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.

ШХТга аъзо давлатларнинг самимий икки томонлама муносабатлари минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, биргаликдаги тараққиётга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади. Адолат юзасидан шуни қайд этиш жоизки, икки томонлама алоқаларни кучайтиришга ташкилотнинг истисносиз барча аъзо давлатлари жиддий қизиқиш билдиришмоқда.

Ҳозирда ташкилот иштирокчилари бўлган давлатларнинг товар айрибошласувининг 44% шу давлатлар билан бўлиб, кейинги 5 йил давомида унинг ўртача ўсиш суръати 40%ни ташкил қилди.

Яъни, ташкилот мамлакатлари ўртасида 2005 йилда товар айрибошлаш даражаси икки марта кўпайган бўлиб, ўтган йилда 6,5 млрд. долл.ни ташкил қилди ва бу ташкилот тузилгандан бери энг юқори кўрсаткич деб тан олинди. Ташкилот давлатлари ўртасида товар айрибошлаш суръатлари жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор ривожланишни давом этмоқда.

Қуйидаги жадвалда товар айрибошлаш динамикаси келтирилган.

2008 йилда товар айрибошлаш ШХТ давлатлари ўртасида 2007 йилдагига нисбатан 2,2%га кўпайди ва 6502,2 млн. долл.ни ташкил этди. Экспорт 3,047 млрд. долл.ни, импорт эса – 3,455 млрд. долл.ни ташкил этди.

2008 йилнинг иккинча ярим йиллигида ШХТ давлатларидан молиявий кризис кўп таъсир қилганлари (Россия, Қозоғистон,

Қирғизстон ва Тожикистон) да ички ишлаб чиқариш суръатлари пасайди, талабнинг пул билан қондирилмаганлиги кузатилиб бу эса ўз навбатида давлатлар маҳаллий маҳсулотини бозорларга олиб чиқишни қийинлаштирди. Шу билан бирга, ўтган йилнинг охирида Қирғизистондан ташқари барча давлатларда экспорт товарларини етказиб бериш камайганлиги кўзга ташланди.

12.4.1.-жадвал

ШХТ аъзо давлатларининг ташқи савдо айланмаси

	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 йилнинг 8 ойи
ШХТ давлатлари билан товар айрибошлаш (млн. долл.)	3289,7	4830,7	6365,3	6502,2	5241,0
ШХТ давлатларининг товар айрибошлашдаги улуши	34,6%	44,8%	44,7%	34,1%	38,8%

Манба: www.sectSCO.org

Ўз навбатида, Хитой (импорт 2,4 марта ўсди) ва Россия (+19%) ўзларининг корхоналарини қайта қуроллантириш учун техника ва технологиялар импортини кўпайтирдилар.

Ўтган йилнинг январ – августида ШХТ давлатлари ўртасида товар айрибошлаш 5241,0 млн., бўлиб, бундан экспорт – 2092,9 млн. долл., импорт – 3148,1 млнини ташкил қилди.

ШХТ давлатлари орасида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкори бўлиб Россия (3,850 млрд. долл.) ва бу давлат билан 59% товар айрибошланган ва бошқа давлатлар билан 20% товар айрибошланиши қайд этилган. 2008 йилда ШХТнинг бошқа давлатлари билан товар айрибошлаш: Хитой – 1296,7 млн. долл., Қозоғистон – 912,5 млн. (14%), Қирғизистон – 264,8 млн. (4%) ва Тожикистон – 178,1 млн. (3%)ни ташкил қилган.

Ўзбекистон савдо алоқаларининг ШХТ давлатлари билан охириги 5 йилликдаги натижалари куйидаги жадвалда келтирилган. (млн. долл.)

12.4.2.-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ШХТ аъзо давлатлари билан ташқи савдо айланмаси

Давлатлар	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	Январ-август 2009й
Қозоғистон	516,5	718,6	1193,9	912,5	872,2
Хитой	485,5	698,0	748,7	1296,7	1461,0
Қирғизистон	72,0	111,2	176,8	264,8	110,3
Россия	2060,5	2828,1	4038,1	3850,1	2675,2
Тожикистон	155,2	185,9	207,8	178,1	122,3
Жами:	3289,7	4541,8	6365,3	6502,2	5241,0
Ўзбекистон Республикасининг экспорти					
Қозоғистон	247,0	304,7	661,7	460,0	372,6
Хитой	228,3	356,6	314,4	257,4	310,7
Қирғизистон	45,6	80,0	137,8	186,0	94,3
Россия	1026,5	1661,7	2473,0	1987,0	1214,0
Тожикистон	136,7	169,9	191,8	156,9	101,3
Жами:	1684,1	2572,9	3778,7	3047,3	2092,9
Ўзбекистон Республикаси импорти					
Қозоғистон	269,5	413,9	532,2	452,6	499,5
Хитой	257,2	341,4	434,3	1039,3	1150,3
Қирғизистон	26,4	31,2	39,0	78,8	16,0
Россия	1034,0	1166,4	1565,1	1863,1	1461,3
Тожикистон	18,5	16,0	16,0	21,2	21,0
Жами:	1605,6	1968,9	2586,6	3455,0	3148,1
Ташқи савдо сальдоси					
Қозоғистон	-22,5	-109,2	129,5	7,4	-126,8
Хитой	-28,9	15,2	-119,9	-781,9	-839,6
Қирғизистон	19,2	48,9	98,8	107,2	78,3
Россия	-7,5	495,4	907,9	123,9	-247,3
Тожикистон	118,2	153,9	175,8	135,7	80,4
Жами:	78,5	604,2	1192,1	-407,7	-1055,0

Манба: ЎЗР Давлат статистика кўмитаси маълумотлари

Шу билан бирга нисбатан саноати ривожланган (Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) ҳозирда реал рақобатбардош ва диверсификацияланган иқтисодиётга эга эмаслар, Хитой бўлса ўрта ва узоқ муддатда экспорт товарлари бозорида етакчилиқни қўлга олиши башорат қилинмоқда.

Бу гуруҳ давлатлари билан савдо алоқаларини келажакда янада ривожлантиришнинг асосий гаровларидан бири бўлиб, экспорт – импорт операцияларининг қонун ва қоидаларини ўзида мужассамлаган шартномаларга риоя қилиниши талаб этилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон эркин савдо режимини Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан бир томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида олиб борапти. Хитой билан савдо алоқалари 1992 йилдан йўлга қўйилган бўлиб, такомиллаштирилиб келинмоқда.

Томонларнинг турли позицияларга эга эканлиги туфайли, ШХТ доирасида мавжуд савдо режимини либерализация қилиш амалга оширилмаяпти. Шу билан бирга, асосий вазифалардан бири бўлиб, мавжуд савдо алоқаларини ташкилот давлатлари билан ушлаб туриш ва бир томонлама тариф ва нотариф бошқарувларнинг қўлланилишига йўл қўймаслик.

ШХТ доирасида инвестицион ҳамкорлик икки томонлама битим асосида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг асосий инвестицион ҳамкорлари бўлиб, ШХТ аъзо давлатлари орасидан Хитой ва Россия ҳисобланади.

Инвестицион ҳамкорликнинг асосий вазифаси бўлиб, Хитой ва Россия инвестицияларини иқтисодиётнинг устувор йўналишларига жалб қилиш: электротехника, енгил саноат, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати ва фармацевтика, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ҳисобланади.

ШХТ аъзо давлатлари ва Ўзбекистон ҳудудида кооперацион алоқалар ҳам жадал ривожланиб бораётган бўлиб, қўшма корхоналар ва аккредитациядан ўтган ташкилотлар сонининг кўпайиб бориши бунга мисол бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида ШХТга аъзо давлатлар билан очган қўшма корхоналар сони 1249 тани ташкил қилиб, булардан 253 таси 100% хорижий капитал ҳисобидан башкил қилинган.

12.4.3.-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий корхоналар

Давлат	Фаолият юритаётган жами корхоналар сони	Булардан	
		Қўшма	ХК
Қозоғистон	162	123	39
Хитой	266	222	44
Қирғизистон	40	35	5
Россия	811	649	162
Тожикистон	15	12	3
Жами:	1294	1041	253

Манба: ЎЗР давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигида ШХТга аъзо давлатлар билан ташкил этилган 219та фирмалар аккредитациядан ўтгандир.

ШХТга аъзо давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан 528 та корхона (2009 йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра) ташкил этилган.

12.4.4-жадвал

Ўзбекистоннинг хорижда жойлашган корхоналари

Давлат	Жами ташкил этилган корхоналар сони
Қозоғистон	101
Хитой	3
Қирғизистон	35
Россия	381
Тожикистон	8
Жами:	528

Манба: ЎЗР давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2010 йил 25 ноябрь куни Душанбеда бўлиб ўтган ШХТ ҳукумат раҳбарлари йиғилишида ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши масалалари кўрилди. Хусусан, ташкилот

доирасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш ҳолати ва истиқболлари кўрилди, аграр соҳадаги ўзаро муносабатлар истиқболлари белгиланди, божхона ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди, электрон савдони ривожлантиришни давом этириш зарурлиги эътироф этилди.

Гарчи ШХТнинг дастлабки асосида террористик актлар, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш ётган бўлсада, ҳазирда у иқтисодий йўналишда кенг қамровли фаолият олиб бормокда. Хусусан 2003 йил сентябрда аъзо-давлатлар раҳбарлари 20 йилга мўлжалланган Кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик Дастурини имзоладилар. Узоқ муддатли истиқболда ШХТда эркин савдо ҳудуди яратиш назарда тутилган бўлса, қика муддатли истиқболда минтақадаги товарлар оқимини кенгайтириш кўзланди. Ҳамкорлик энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ҳам қамраб олди.

ШХТ доирасида савдо – иқтисодий, транспорт – коммуникацион ва инновацион соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш бўйича таклифлар ва уларни амалга ошириш механизмлари

Ўзбекистон Республикасининг ШХТга аъзо давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини кучайтириш учун қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

- ШХТ билан амалдаги савдо режимини сақлаш, уни ёмонлашмаслигини таъминлаш. Томонларнинг божхона органлари билан ҳамкорликни кучайтириш, божхона назоратидан ўтишни енгиллаштириш, уни техник ва информацион жихатдан қайта қуроллантиришдир;

- Хитой давлати билан инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш, Хитой ҳукумати томонидан ШХТ доирасида имтиёзли молиялаш дастурига қатнашиш. ШХТга аъзо давлатлар, Россия, Индия, Эрон ва Покистон билан инвестицион алоқаларни олиб бориш ва шу билан бирга Хитой ва Ҳиндистон билан молиявий – техник ҳамкорликни кенгайтириш;

- Махсус ишчи гуруҳнинг ШХТга аъзо давлатлар билан транзит фаолиятини юксалтиришни кенгайтириш. Бу масала бўйича навбатдаги мажлисни ўтказиш ва транспорт ва халқаро транспорт коммуникацияси соҳасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

▪ Биринча навбатда Хитой ва Ҳиндистонга асосланган ҳолда инновацион лойиҳалар, телекоммуникация ва инфор­мацион технологияларни ривожлантириш.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 25 март куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федератсияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Ж.М.Жуманбековнинг ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди. ШҲТга аъзо давлатларнинг Қозоғистон Республикасига 2011 йил 15 июнда Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши мажлисини, Хитой Халқ Республикасига Шенчжен шаҳрида XXVI ёзги универсиадани (2011 йил) ҳамда Урумчи шаҳрида биринчи “Хитой-Евроосиё” ярмаркасини (2011 йил) ўтказишда хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Терроризм таҳдидига қарши кураш бўйича кенг қамровли шериклик тармоғини ташкил этиш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасида ШҲТ МАТТ ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши Аксилтеррор кўмитаси, шунингдек, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти Котибияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди. Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти­га ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар йузасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлисида аксилтеррор бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасидаги ўзаро тезкор муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида 2011 йилнинг 6 майида Хитой Халқ Республикаси ҳудудида ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг навбатдаги “Тян-Шан-2-2011” кўшма аксилтеррор ўқув-машқларини ўтказиш режаси тасдиқланди. СШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2011 йил 21 сентябрда Пекин шаҳрида (Хитой Халқ Республикаси) ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

12.5. Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари

Бизнинг ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделimiz йилдан йилга ўзининг тўғрилигини намоён этиб бормоқда.

Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Бугун дунё иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқироzi ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асослар мавжуд.

Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштирокида ташкил этилган, “Катта йигирмалик” деб ном олган гуруҳ доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқ.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хомашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб


кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг беқарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

Биз агар мамлакатимиздаги иқтисодий жараёнларни баҳолайдиган бўлсак, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.

12.5.1-расм

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1076 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

12.5.1-жадавл


ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

	Йиллар				
	2000	2005	2008	2009	2010
Саноат	14,2	21,1	22,3	23,6	24
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	19,4	18,2	17,5
Қурилиш	6,0	4,8	5,6	7,4	7,7
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	12,7	11,9	12,4
Савдо ва умумий оватланиш	10,8	8,8	9,1	9,1	9,2
Бошқа тармоқлар	18,7	17,8	21,5	23,1	22,2
Соф солиқлар	12,5	10,6	9,3	6,7	7,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

12.5.2-расм

2006-2010 йиллар давомида давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси, миллион АҚШ доллари.



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Мухтасар айтганда, Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилганини таъкидлаш жоиз.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган семент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йили “Эйрбас индастри” компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Ана шу мақсадларга эришиш учун “2011-2015” йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озик-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.

Бу хусусда гапирганда, 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни

модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этиш даркор.

2011 йилда 35 тадан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонасини қуришни якунлаш ва фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилмоқда. “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобил кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона, Қўқон шаҳрида “Индорама” компанияси билан ҳамкорликда якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, шунингдек, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлган яна бир қатор тўқимачилик комплекслари каби муҳим объектлар шулар жумласидандир.

Шулар қаторида Тошкент шаҳрида кўп ўринли “Мерседес-Бенс” йўловчи автобусларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва “Шўртан нефт-газ” унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденцати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш, Олмалиқ ва Навоий комбинатларининг корхона ва ишлаб чиқариш қувватларини техник қайта жиҳозлаш, Бекобод металлургия комбинатини модернизация қилиш ва бошқа ўта муҳим лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида семент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисми, холос.

Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий иш олиб боришимиз даркор. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр стансиясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр стансиясининг бешта энергия блокани йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион доллардан ортиғини ўзлаштириш лозим.

Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобил транспорт тизимини ташкил этиш

лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилмоқда.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни 2011 йилда давом эттиришимиз лозим.

Шунингдек, ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш “Кореан эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти- малакатнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг асоси.
2. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятдаги иштироқи.
3. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
4. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалардаги иштироқи.
5. Жаҳон Банки билан ҳамкорлик.
6. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик.
7. Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик.
8. Осиё Тараққиёт Банки.
9. БМТнинг Қишлоқ хўжалиги савдоси ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорлик.
10. Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорлик.
11. Ўзбекистоннинг ШХТ интеграция жараёнларидаги иштироқи.
12. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси.
13. Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари.

